ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЎРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

“Тил ва адабиёт таълими“ кафедраси

Тошкент вилояти ўзбек (давлат) тили фани ўқитувчилари малакасини ошириш ойлик курслари учун

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2003 йил

Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Илмий-методик Кенгашининг 6-сон қарори билан 2003 йил 30 июнда нашрга тавсия этилган.

Тузувчилар:
Ф.Умарова, “Тил ва адабиёт таълими“ кафедраси мудири
А.Ўожиаҳмедов, профессор
Ў.Тожиев, профессор
О.Мадаев, доцент
О.Охунжонова, катта ўқитувчи
Г.Умарова, катта ўқитувчи

Масъул муҳаррир: *Ф.Умарова*, педагогика фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар: ***Ў.È.Éўëäîøåâà***, М.Àøðàôèé íîìëè Òîøêåíò Äàâëàò êîíñåðâàòîðèÿñè “ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири, äîöåíò
Р.Ниёзметова, педагогика фанлари номзоди, Тошкент Давлат педагогика университети, “ўзбек тили ва адабиётни ўқитиш методикаси“ кафедраси ўқитувчиси

Мазкур маърузалар матни таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек (давлат) тили фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларига мўлжалланган бўлиб, унда малака ошириш курсининг умумий ўқув режаси, мутахассислик фанларига оид маърузалар ўқув-мавзувий режага мувофиқ равишда тўлиқ берилган.

Маърузаларда ўзбек (давлат) тилидан давлат таълим стандартлари, янги ўқув дастури, улар асосида яратилган дарсликларнинг моҳияти, ютуқ ва камчиликлари таҳлили, дарс, унинг мақсадлари, турлари, ўқитиш усуллари, машқлар тизими, илҚор педагогик технологиялар, анъанавий ва ноанъанавий дарс тушунчаларининг талқини, мазмуни каби масалалар баёни акс этган.

Маърузаларда методика илмида етакчилик қилаётган аъмолий-маъновий тамойилнинг мазмун-моҳияти аниқ очиб берилган, дедуктив ва индуктив ўқитиш усуллари ўртасидаги фарқ кўрсатилган. Бундан ташқари, тўпламга амалий машҚулотларда фойдаланиладиган топшириқлар, иловалар киритилган.

Ушбу материаллардан умумий ўрта таълим мактабларининг ўзбек (давлат) тили фани ўқитувчилари малака ошириш, мустақил таълим олиш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Тошкент вилояти ўзбек (давлат) тили фани ўқитувчилари малакасини ошириш курси учун бир ойлик

ЎҚУВ -МАВЗУВИЙ РЕЖА

№	Бўлимлар	Маъруза	семинар	амалий	жами
1	Таълим иқтисодиёти масалалари	6	-	-	6
2	Таълимда ҳуқуқ асослари	6	-	-	6
3	Миллий Қоя, мафкура ва маънавият асослари	12	2	-	14
4	Педагогиканинг долзарб масалалари	2	4	6	12
5	Психологиянинг долзарб масалалари	2	4	6	12
6	Янги ахборот технологиялари ва улардан таълимда фойдаланиш	4	-	4	8
7	Педагогик технологиялар	4	-	2	6
8	Таълимда экология масалалари	2	-	2	4
9	Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида	4	-	-	4
10	Репродуктив саломатлик	4	-	4	8
11	Мутахассислик (ихтисос) методикаси				78
	Жами аудитория машҚулотлари				154

Ўзбек (давлат) тилидан илмий-амалий тайёргарлик

Т/р	ўзбек тили ўқитиш методикаси бўйича мавзулар	Маъруза	Амалиёт	Жами
1.	ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ҳамда методикасининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари.	2	2	4

2.	Бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти фанига қўйилган талаблар. ДТС, ўқув дастурлари, янги дарсликлар таҳлили.	2	2	4
3.	ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўҚрисида»ги Қонуни, «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўҚрисида»ги Қонуни, ўзбек тилининг асосий имло қоидалари.	2		2
4.	Назорат диктанти (амалий машҚулот)		2	2
5.	ўзбек тилининг қиёсий грамматикаси бўйича умумий маълумот	2		2
6.	ўзбек тилида келишиклар. Êåëèøèê âà êўìàê÷è. Грамматик синонимия.	2		2
7.	ўзбек тилида гап турлари. Гапдаги сўз тартиби.	2		2
8.	ўзбек тили дарсларида фонетика ва урҚу, тўҚри талаффуç устида ишлаш методикаси.	2	2	4
9.	ЛуҚат бойлиги. ўзбек тилининг бойиш манбалари. Таржима билан боҚлиқ муаммолар.	2	2	4
10	Услубият ҳақида умумий тушунча. Нутқ услублари.	2	2	4
11	Матн. Матн турлари. ўзбек тили дарсларида матн устида ишлаш методикаси.	2	2	4
12	ўзбек ва рус тилларида суҳбат турлари ва унинг тарбиявий ролини ошириш.		2	2
13	ўзбек тили дарсларида ёзма ишлар, уларни ўтказиш йўллари ва усуллари. Ёзма ишларни баҳолаш мезони.	2		2
14.	Амалий машҚулот (диктант ёзиш).		2	2
15	Дарс турлари. Анъанавий ва ноанъанавий дарслар	2		2
16	ўзбек тили дарсларида таълимнинг янги шакллари. ИлҚор педагогик технологиялар. Инновацион таълим усуллари.	4	4	8
17	ўзбек тили дарсларида бадиий асар таҳлили		2	2
18	ўзбек тили дарсларида ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. Мактабда ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш муаммолари.	2	2	4
19	ўзбек тили дарсларида синфдан ташқари ишларни ташкил этиш.	2	2	4
20	Таълимий (назорат) баён ёзиш (амалий машҚулот)		2	2
21	Мактабда мақсадли дарс кузатиш.		4	4
	Жами:	32	46	78

	Аудиториядан ташқари соатлар			
1.	ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш услубиятидан дифференциал синовлар олдидан маслаҳат.		6	6
2.	Фан назариясидан дифференциал синов.		6	6
3.	Услубиятдан дифференциал синов.		6	6
4.	Ёзма ишларни текшириш ва таҳлил: текширув диктанти (2 та)		12	12
5.	Баён таҳлили		10	10
6.	Дарс ишланмаларини тайёрлаш бўйича маслаҳат		4	4
7.	Дарс ишланмаларини текшириш ва таҳлил.		12	12
8.	Мактаб амалиёти		12	12
9.	Давра суҳбати.		2	2
10.	Кириш ва чиқиш тестлари.		4	4
11.	Жами:		74	74

1-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ҳамда методикасининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари – 4 соат

Режа:

1. Таълим ислоҳотларининг асосий вазифалари.
2. Янгиланган таълим мазмуни.
3. Таълим жараёнининг субъекти ва объекти.

> Юқори малакали педагог кадрлар тайёлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боҚлиқ...
>
> Ислом Каримов

Ўар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боҚликдир. Фан ва маданиятнинг ривожланиши эса таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади.

Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйҚунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда. Бунинг учун таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боҚлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш талаб қилинади.

Ўукумат томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради, бинобарин, «ўз ўлкамизда юксак малакали, ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш дастуримизнинг асосий шарти бўлмоҚи лозим».

Маълумки, умумтаълим мактабларида фанларни ўқитишнинг эскича усуллари замон талабига тўла жавоб беролмай қолди. ўқитувчиларнинг ўқитиш тизимидаги ўрнини белгилаш ҳозирги куннинг муҳим масаласидир. Ўозирги замон мактаб ўқитувчиси мумкин қадар мустақил, эркин фаолият кўрсатиш йўлидан бормоҚи лозим. Бунинг учун унда чуқур билим, тажриба, иқтидор ва шу билан бирга, болаларга билимни етказа олиш маҳорати бўлиши зарур. Зеро, «биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак». Бошқача айтганда, ўқитувчи замон билан ҳамнафас фаолиятда бўлмоҚи муҳим.

Бироқ бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боҚланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.

Тил таълими мисолида фикр юритадиган бўлсак, мактаб ўқувчиси дарс давомида турли ҳажм ва мураккабликдаги кўплаб топшириқларни бажарса-да, аммо оҚзаки ва ёзма саводхонлиги сезиларли ўзгармаяпти. ўқувчиларнинг кўпчилик қисмида ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оҚзаки, ёзма шаклларда тўҚри, равон ифодалаш кўникмалари ҳамон паст савияда қолиб келмоқда. Бу ҳолнинг асосий сабабларини фақат ўқитувчига тўнкаш ёки мактабларнинг моддий-техникавий қашшоқлигидан излаш адолатсизлик бўларди. Мавжуд ҳолат кўп жиҳатдан ***тил таълимининг мақсади, мазмуни ва усулига*** алоқадор бўлиб, уни янгилаш ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Бу ўринда тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Шу мақсадда ўқитувчиларга баъзи назарий маълумотларни эслатиб, уларга етарли тушунча беришни лозим топдик.

Таълим мазмуни масаласи инсоният тарихида энг қадимий ва айни вақтда энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу табиий ҳол, албатта. Педагогик адабиётларда “таълим

мазмуни“ тушунчаси турлича талқин қилинади. Айрим дидакт-олимлар (И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, Л.Н.Таранов ва б.) таълим мазмунига ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида қарасалар, иккинчи гуруҳ олимлар (Л.В.Занков, В.С.Лебедев ва б.) бу тушунча остида уни ўрганиш усулларини ҳам тушунадилар.

Таълим мазмуни ўқув режалари, дастури, дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларда ўз ифодасини топади.

Янгиланган ўзбек тили таълими мазмуни тўрт таркибий қисмдан иборат. **Биринчиси** – ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар тизими (тил фактлари, тушунчалар, қоидалар, таърифлар)дир. Маълумки, асрлар давомида инсоният томонидан тўпланган барча тил илмини ўрта мактаб ўқувчисига ўргатишнинг иложи ва зарурияти йўқ. Айниқса, ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўргатишда ҳаётий талаблардан келиб чиқиш, ўқувчиларга ўзбек тилининг грамматик тузилиши ҳақида билим берибгина қолмай, балки, энг аввало, уларда ўзбек тилида нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш лозим. Саводли ёзиш, тўҚри ва равон ўқиш, мазмунли ва чиройли сўзлаш, иш қоҚозларини ёза олиш каби кўникмалар шулар жумласидандир. Умуман тил ўрганишда билимларни танлашнинг бош мезони уларнинг фойдалилик ва амалда қўлланила олиш даражасидир. Биз ўзбек тилидан фойдали билимлар деб болаларнинг саводли ёзиш, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оҚзаки ва ёзма шаклларда тўҚри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қиладиган, уларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган билимларни тушунамиз.

Таълим мазмунининг **иккинчи муҳим таркибий қисми**ни танланган илмий-назарий билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими ташкил этади. Нашр қилинган янги ўзбек тили дарсликларида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган амалий кўникмалар (уларнинг сўз бойлигини ошириш, сўздан тўҚри ва ўринли фойдаланиш, фикрни баён қилишнинг самарали йўлларини аниқлаш)нинг унумдорлик даражасига алоҳида эътибор қаратилган.

Таълим мазмунининг **учинчи таркибий қисми** ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатишдир. Маълумки, фаолият қайта хотирлаш, қисман ижодий ва ижодий даражада бўлиши мумкин. Дарсликда берилган намунага қараб айнан бажаришга асосланган фаолият туридан мустақилликни талаб қиладиган ижодий топшириқларга ўтиш тамойили ўқувчиларнинг ўзбек тили ва адабиёт дарсларига бўлган қизиқишини оширишга, сўздан фикр ифодалаш воситаси сифатида ўринли фойдаланишга ўргатишга хизмат қилади. Боланинг ижодий фаолият тажрибасига қанчалик кўп асосланса, таълимнинг самарадорлик даражаси шунча юқори бўлади.

Таълим мазмунининг **тўртинчи таркибий қисми** ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Бу муносабатлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланмоҚи лозим. ўқитишнинг дедуктив усулидан индуктив усулига ўтилсагина ушбу ҳамкорликка эришиш мумкин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, таълим мазмунининг бу таркибий қисмлари чизиқсимон бирин-кетинликда жойлашган ҳодисалар эмас, балки айланасимон яхлитлик бўлиб, бу айлананинг бошланиш ва тугалланиш нуқтаси биринчи ва тўртинчи қисмларни, айлана доираси эса ижодий амалий кўникмаларни ташкил этади.



Маълумки, мактабда тил таълимига қўйилган муҳим талаблардан бири ўқувчиларни ўз фикрларини эркин баён қилишга ўргатишдир. Фикр эса фақат тил ёрдамида рўёбга чиқади. Бунинг учун амалий тилшуносликка эътиборни кучайтириш зарур.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим олдига, шу жумладан ўзбек тили таълими олдига қўйилган яна бир муҳим талаб ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришдир. ўзбекистон Президенти айтганидек, «таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни

ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

ўзбек тили таълими мазмунини янгилашдан кўзланган мақсад мустақил ижодий тафаккур эгасини тарбиялаш экан, ҳар бир дарс мавзуи ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиришга, ақлий даражасининг такомилига хизмат этиши лозим. Бинобарин, ўзбек тили дарсларида инсон тили ва тафаккури ўртасидаги диалектик боҚлиқликларни аниқ ва равшан ифодалашга имкон яратилади.

Маълумки, инсоннинг билиш усуллари бир неча хил бўлиб, улар икки босқичдан иборат. Дастлабки, ҳиссий билиш босқичининг усуллари бир-бирига ўхшамаса ҳам, улар муайян узвийлик асосида бирлашади. Бошқача айтганда, ҳиссий билиш босқичида инсон муайян соҳа ёки ҳодисани кузатиш, қиёслаш, тажрибадан ўтказиш асосида тўплаган билимларини ақлий билиш, яъни идрок этиш босқичида умумлаштиради.

Шу тариқа бу белги-хусусият (яъни хусусийлик)лар йиҚилиб бориб, уларнинг заминида ётган моҳият (яъни умумийлик) англашилади. Диалектик мантиқнинг бу усули чексиз ва ранг-баранг хусусийликлар орасидаги алоқадорликни ўрганиш ва хусусийликларда ифодалаган умумийликни топишни талаб этади. Маълумки, ҳар қандай умумийлик онгда хусусийликларнинг ёрқин сифатларини ўзида бирлаштирган бутунлик ва акс эттирувчи рамз (тарх) сифатида мавжуд бўлади. Шундай экан, бевосита кузатишда берилмаган, онгда рамз (тарх) сифатида мавжуд бўлган ва чекланмаган миқдорда хусусийликларда такрорланувчи умумийликни аниқлаш муаммоси туҚилади.

Тил таълими олдида турган яна бир мураккаб талаб ўқувчиларнинг тил маданиятини ривожлантиришдир. Тил маданияти жуда катта ва кенг соҳа бўлиб, у ўқувчиларнинг кундалик салом-алигидан тортиб кимга, нимани, қачон, қаерда ва қандай сўзлашгача бўлган барча нутқий жараёнларни ўз ичига олади. Бинобарин, бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши етук мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ечишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни айтиш керакки, келажак авлодни етук шахс сифатида тарбиялашда адабий таълимнинг роли беқиёсдир. Шу боис мактаб ўқитувчилари адабиётни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор бермоқлари лозим. Бу ўринда уларнинг ўзлари сиёсий жиҳатдан саводли, салоҳиятли бўлишлари ва ўз устиларида тинимсиз ишлашлари керак. Сабаби, бугунги кунда ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган тил ва адабиёт ўқитувчиларининг асосий қисми олий ўқув юртларида собиқ совет тузуми даврида маълумот олган мутахассислардир. Бизнингча, бундан 10-15 йил олдин ўзбек тили ва адабиётдан дарс берган ўқитувчи билан ҳозирги пайтда мактаб тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўртасида муҳим бир фарқ борлигини қалбан ҳис қилмай туриб, маориф соҳасида ишлаш мумкин эмас: аввалги пайтларда ўқитувчидан, асосан, дарсликдаги маълумотларни қайта сўзлаш орқали ўқувчига тушунтириш талаб қилинса, ҳозирги пайтда кўпроқ ўзининг илмий ёндашуви натижасида пайдо бўлган маълумотларни ҳам тушунтира олиш кўникмасига эгалик қилиши, кўпроқ ўқувчини мустақил ишлашга ўргатиш лозимлиги назарда тутилмоқда.

Маълумки, таълим жараёнининг субъекти ва объектини белгилаш доим турли баҳсларга сабаб бўлган. Илгари амалда бўлган дастур ва дарсликларда ўқитишнинг ***<u>дедуктив усули</u>*** устун турарди, яъни қоидадан таҳлилга, умумийликдан хусусийликка бориларди. Бу усул тил материалларини ниҳоятда ихчам шаклда баён қилиш имкониятини яратса-да, аммо ўқувчиларни пассив ҳолатга қўярди. Чунки умумий қоида, хулоса ва таърифлардан амалий ишга ўтиш жараёнида ўқувчининг фикрлаш фаолияти чегараланади. У ўрганилаётган тил материалларини ўз ақлий фаолияти жараёнидан ўтказа олмайди. Бу ҳол, шубҳасиз, болани таълим жараёнининг субъекти, яъни фаол ишловчисига эмас, балки объекти, яъни тингловчисига айлантириб қўяди.

Бугунги кунда амалда бўлган ўзбек тили дарсликлари эса ўқувчини ***<u>индуктив усул</u>***да ўқитишга асосланган, яъни ҳар бир хулоса, қоида, таъриф ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига таянган ҳолда, хусусий мисоллар асосида чиқарилади, ўқувчи "ўзини ўзи ўқитади". Биз бу ҳақида кейинги машҚулотларимизда батафсил фикр юритамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчини фаоллаштириш бебош дарёни ўзанидан чиқариб юбориш эмас, балки қатъий ва пухта ишланган режа асосида ўқитишдир. ўқитувчи бунда

томошабин эмас, шу жараённинг фаол ташкилотчиси, раҳбаридир. Бу ҳолат ўқитувчининг ўз касбига нисбатан масъулиятини бир неча марта оширади, ундан кучли билимдонлик, педагогик маҳорат талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:
1. Умумий ўрта мактабларнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари //Таълим тараққиёти, 1999, 1-махсус сон.
2. Р.Толипова. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун "ўзбек тили" дарсликларига методик қўлланма. – Т., 2001.
3. А.ўуломов, Ў.Неъматов. Она тили таълими мазмуни. – Т.: ўқитувчи, 1995.
4. А.ўуломов. Она тили ўқитиш жараёнида фаоллик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. – Т., 1989.
5. А.ўуломов. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. – Т., 1992.

Топшириқ:
1. Кейинги машҚулотга тайёргарлик кўриш учун таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили бўйича давлат талаблари, дастур, дарсликларни ўзингиз дарс бераётган синфлар мисолида таҳлил қилинг.

2-маъруза.

Мавзу: Бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти фанига қўйилган талаблар. ДТС, ўқув дастурлари, янги дарсликлар таҳлили - 4 соат

Режа:
1. ДТС, дастур, дарсликлар таҳлили.
2. ўқув материалларининг дарсликда берилиши.
3. Машқлар тизими.
4. Методик тавсиялар.

ўзбек тили мустақил ўзбекистон Республикасининг давлат тили бўлиб, унинг умумтаълим мактабларида ўқитилиши давлат аҳамиятига молик масала саналади. Ўшларда ижодий тафаккур, ижодий изланиш, турли имкониятлардан энг мақбулини танлай олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларни миллий қадриятларимиз, удум ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзбек тили фанининг тутган ўрни ва имкониятлари бениҳоя каттадир. Айниқса, мустақил республикамиз учун тадбиркор ва ижодкор инсонни тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир шароитда бу фаннинг ўқитилиши янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

Таълим ислоҳоти жадал суръатлар билан олиб борилаётган даврда ечилиши лозим бўлган яна бир муҳим масала – дарслик муаммосидир. Зеро, «эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз». Умумтаълим мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг асосий мақсади ҳам айнан шу: «Болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ана шу ижодий фикрни нутқ шароитига мувофиқ тарзда оҚзаки ва ёзма шаклларда тўҚри, равон, тушунарли ҳамда имкон даражасида таъсирчан ва қисқа, лўнда ифодалаш кўникмаларини шакллантириш курснинг асосий мақсади, асосий вазифасидир» (ДТС).

Бугунги кунда етакчи олимлар ҳамда тажрибали ўқитувчилар томонидан яратилган ўзбек тили дарсликларида ўзбекча нутқий кўникмаларни шакллантириш, мулоқот одобини ўргатиш, мустақил фикрлайдиган инсон тарбияси бош мақсад қилиб қўйилган. Бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда қуйидаги ўзбек тили дарсликларидан фойдаланилмоқда:

1.	2-синф		Т: ўқитувчи, 2000

2.	3-синф		Т:ўқитувчи, 2000
3.	4-синф		Т:ўқитувчи,2000
4.	5-синф		Т:Ижод дунёси, 2001
5.	6-синф		Т:ўқитувчи, 2000
6.	7-синф		Т:ўқитувчи, 1997
7.	8-синф		Т:ўқитувчи, 2001
8.	9-синф		Т:ўқитувчи, 2001
9.	10-11-синф		Т:ўқитувчи, 2001

Ўар қандай тилни ўргатишда ўқув материалининг мазмуни муҳим масала ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, ўқув материалини унинг келгусида фойдалилиги нуқтаи назаридан танлаш, ўқувчиларга тақдим этишда эса фанлар орасидаги боҚланишга асосланиш яхши самара беради. Фанлар орасидаги боҚланишни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Маълумки, ўзбек тили ва ўзбек халқининг тарихи бир-бири билан чамбарчас боҚлиқ. Халқ тарихида рўй берадиган ўзгаришлар энг аввало тилнинг луҚат таркибида кўринади. Сўз бирикмаси ва ибораларнинг келиб чиқиши, этимологияси ҳақидаги маълумотлар таълим мазмунининг болалар учун қизиқарли бўлишини таъминлайди. Масалан, кўп ўқувчилар форс-тожик, араб ва европа тилларидан ўзбек тилига турли сўзлар ўзлашганини биладилар, бироқ ўзбек тилидан бошқа тилларга ҳам сўзлар ўтганини эшитмаганлар. Уларни бундай маълумотлар билан таништириш ўзбек тилига қизиқишларини уйҚотиши шубҳасиз: очаг (ўчоқ), утюг (ўтлиқ), Оренбург (ўрин-бурун), Саратов (сариқ тоҚ), казан (қозон), брак (бирлик) каби юзлаб, ҳатто минглаб сўзлар бошқа тилларга ўзлашган.

2. Тилларни қиёслаб ўргатиш. Айниқса, икки тиллилик ва кўп тиллилик шароитида бундай маълумотлар ўта муҳимдир. Туркий тиллар ёки барча тиллар учун умумий бўлган хусусиятлар ҳақида маълумотлар бериш ўқувчиларнинг тил ҳодисаларига бўлган қизиқишини оширади.

3. Мактабларда бошқа фанлардан олинган маълумотлар. Биз бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларни нутқ услублари билан таништириш имкониятига эгамиз.

ўзбек тили машҚулотларида маҳаллий ўлка материалларидан фойдаланиб, ўқувчилар билан оҚзаки ва ёзма жавоблар ташкил этиш, ўрганилаётган мавзу талабига мувофиқ сўз, сўз бирикмаси, ибора ва тасвирий ифодалар танлаш, матнлар яратиш мумкин. ўлка материаллари одатда маҳаллий газета ва журналлардан танланиши ёки ўқитувчи томонидан тузилиши мумкин. Танланган ёки тузилган бу материаллар дастур ва дарслик материалларига мувофиқ келиши, уларни тўлдириши ва такомиллаштириши шарт.

Хуллас, тил материалларининг мазмуни, уларнинг дастур ва дарсликларда берилиши таълим самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омил саналади. Тил материалларини индуктив асосда бериш, уларни йириклаштириш, ўзбек тилининг фонетикаси, лексикологияси ва грамматикасини семантика ва услубият билан яқин алоқадорликда ўрганиш, бўлимлараро ва фанлараро боҚланишларга қатъий амал қилиш, тил материалларини ўлка материаллари билан боқлиқ ҳолда бериш ўқувчиларнинг ўзбек тилига бўлган қизиқишини оширади ҳамда уларнинг бу фанни ўрганиш имкониятларини анча кенгайтиради.

“ўзбек тили“ дарсликларида ўқув материали маълум тамойил асосида жойлаштирилган. Аъмолий-маъновий (функционал-семантик) деб аталувчи бу тамойил иккинчи тилни ўргатиш тажрибасида бутун дунёда кенг қўлланилади. Семантик мавзу, яъни сўзловчининг нутқий эҳтиёжига мос мавзу биринчи ўринга қўйилади. Масалан, ҳаракатнинг йўналишини ифодалаш. Грамматик мавзу эса ёрдамчи сифатида берилади, яъни ўқувчи энг аввало нима ҳақида гапирмоқчи эканлигини аниқлайди, фикрини жамлаб нутқ яратиш жараёни бошланади. Шундан кейингина унга грамматик воситалар керак бўлади. Масалан, ҳаракатнинг йўналиши жўналиш келишиги қўшимчаси (-га) ёки томон, сари кўмакчилари ёрдамида ифодаланади.

Дарсликлардаги машқлар ҳам ўрганиш жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Улар 3 хил бўлиб, миқдори ўқув мавзусининг ҳажми, тури ва синфнинг тайёргарлик даражасига мувофиқ тарзда белгиланади.

1. Қайта хотирлаш машқлари. ўқувчиларнинг қайта хотирлаш фаолияти эгалланган билимларни қайта эслаш, уни хотирада тиклаш, ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунага қараб айнан бажаришга асосланган фаолиятдир. ўқитувчига эргашиш ёки намунага қараб ишлаш боланинг фаоллик даражасини чегаралайди, чунки бу ҳолатда ўқувчи изланишга эҳтиёж сезмайди. Масалан, тайёр матн берилади ва унда ўрганилаётган нутқ модели ёки грамматик восита ажратиб кўрсатилади. ўқувчи матнни ўқиш жараёнида шу воситаларга диққатини қаратади, холос. Ўки матнда ажратиб кўрсатилмаган воситаларни аниқлайди. Ўеч бир мустақиллик намойиш этмайди. Айрим педагогик адабиётларда фаолликнинг бу кўриниши *рецептив фаолият* деб аталади. Бу жараёнда билим ҳосил қилинади.

2. Қисман изланувчан машқлар. Бу босқичда ўқувчи маълум ёрдамга асосланган ҳолда тил ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши ва уни аниқлаши, олдин эгалланган билимларни қисман номаълум шароитларда қўллаши лозим. ўқувчи зарур ёрдамни дарслик ва қўлланмалардан, ўқитувчининг сўзидан ёки болаларнинг суҳбатидан олиши мумкин. Бундай машқлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: нуқталар ўрнига иловадаги сўзлардан мосини қўйиб, матнни тўлдириш; суҳбат (диалог)ни давом эттириш; қавс ичида берилган сўзларни керакли шаклга қўйиш ва ҳ.к. Фаолиятнинг бу тури *репродуктив фаолият* деб аталади. Бу жараёнда кўникма ҳосил қилинади.

3. Ижодий машқлар. Бу босқичда ўқувчи ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз олган билимларини бутунлай янги шароитда амалда қўллай олиши, фаолияти учун зарур бўлган, лекин ўзида бўлмаган билимларнинг манбаларини билиши, бу манбалардан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши, шароит талабига кўра уларни топа олиши ва қўллай олиши талаб этилади. Масалан, бирор тадбир муносабати билан эълон ёзиш; тақриз, хат, табрикнома, сўров хати, таклифнома ва шу кабилар ёзиш ижодий топшириқлар сирасига киради. Фаолиятнинг бу тури *продуктив фаолият* деб аталади. Унда малака шаклланади.

Биринчи турдаги машқлар қанчалик зарур бўлмасин, улар фақат иккинчи ва учинчи босқич талабларини қондириш мақсадигагина хизмат қиладиган бўлиши шарт. Агар ўтилган мавзу янги бир кўникма, янги бир ижодий, амалий фаолият муаммоларини ўзлаштиришга хизмат қилмаса, уларни эслашдан ҳеч бир фойда йўқ. Шунинг учун ўзбек тили дастури ва дарсликлар кўпроқ фаолиятнинг иккинчи ва учинчи даражаларига йўналтирилган бўлмоҚи лозим. Боланинг ижодий фаолият тажрибасига қанчалик кўп асослансак, таълимнинг самарадорлик даражаси шунча юқори бўлади.

Шу ўринда таълим-тарбия соҳасида кўп қўлланиладиган “билимли“ сўзи ҳақида фикр билдириш зарур. “Билимли шахс“ ва “ижодий тафаккур соҳиби“ тушунчалари мазмунан бир-бирига яқин бўлса ҳам, аммо моҳиятан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Билимли шахс – бу кўп нарсани биладиган киши. Лекин шуни унутмаслик керакки, инсон хотираси чекланган ва у ҳеч қачон чексиз билимга эга бўла олмайди.

“Ижодий тафаккур соҳиби“ эса “билимли шахс“га нисбатан анча кенг тушунча. У фақат билимли шахсни эмас, балки билиш йўлларини ўрганган, билганларини кенгайтира оладиган, билимини амалий фаолиятида бемалол қўллай оладиган шахсдир.

Халқимиз орасида билимли шахс ва ижодий тафаккур соҳиби ҳақида жуда кўп латифа ва ривоятлар мавжуд. Улардан бирида шундай ҳикоя қилинади:

Франклин Рузвельт АҚШ президентлигига сайлангач, ўзига ёрдамчи тайинламоқчи бўлиб, танлов эълон қилган ва суҳбатига кирган шахсларга хаёлига келган: “Ердан энг яқин юлдузгача бўлган масофа неча километр?“, “Москвадан Чикагогача неча километр?“, “Буқа бир кунда неча литр сув ичади?“ каби саволларни бераверибди. Суҳбатга келганлар эса ҳайрон бўлиб, саволларга жавоб бера олмаганлар. Кунларнинг бирида чикаголик Гопкинс исмли шахс ҳам танловда қатнашиш учун президент қабулига киради. Унга шундай савол берилганида ҳеч ажабланмай, диктофон орқали президент котибига “...фалон энциклопедиянинг фалон ҳарфини олиб келинг“, - деб буюрган. Рузвельт уни ёрдамчиликка олган ва Гопкинс жаҳонда Рузвельт каби машҳур бўлган.

Амалга кирган янги дарсликларда ўзбек адабиётини ўрганишга муҳим аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда дарсликда бошқа халқлар адабиёти дурдоналари қаторида, ўзбек адабиётининг нодир намуналари ҳам келтирилган.

Маълумки, мактабда адабий меросни ўрганиш шонли тарихимиз, кўп асрли маданиятимизнинг узвий бир қисми бўлган бадиий хазинамизнинг ўзига хос гўзалликлари, буюк ижодкорларимиз даҳосининг юксак нафосати, безавол дурдона асарларнинг халқимиз маънавиятини камол топтиришдаги улкан аҳамиятини, адабиётимиз босиб ўтган кўп асрли тараққиёт йўлининг хусусиятларини ўзлаштириш, фидойи шоиру носирларимизнинг шарафли ҳаёти ва ижоди, беназир бадиий дурдоналаримиз воситасида ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб етиштириш мақсадини кўзлайди. Бу адабиётни ўрганишнинг услубий йўналиши эса ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларда мустақил тадқиқот малакаларини шакллантириш ва ривожлантириб боришдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг йирик услубшунос олимлари, кўплаб етук ўқитувчиларнинг тажрибалари ўқувчиларни ўзбек тили дарсларида мустақил фикрлашга ўргатишнинг энг мақбул усулидан суҳбат-мунозара, баҳс, хилма-хил ноанъанавий дарсларда синфни фаол иштирок эттириш эканлигини узил-кесил аниқлаб берган. Бундай шакллардаги дарслар, аввало, ўқувчиларни ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо, савол, вазифа устида ўйланишга, жавоб излашга сафарбар этади. Шунинг ўзи ижодий жараён бўлиб, ўқувчидан ўз билимларини фаол ишга солиш, хилма-хил жавоб вариантлари устида бош қотириб, изланиб, тўКри хулоса чиқаришни талаб қилади. Албатта, ўқувчи бу жараёнда ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар, дарсликдаги тайёр кўрсатмалар доирасида чегараланиб қолмай, уларни тўлдиришга интилиши, ўқитувчи ҳам уни худди шу хил фаолиятга йўналтириб бориши зарур. Шундагина биз ҳар бир масала юзасидан ўз мустақил фикрига эга, саводли, баркамол шахсни тарбиялашга эришамиз. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, «ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўҚрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай Қаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади».

ТАЪЛИМ БОШҚА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАРНИНГ БОШЛАНўИЧ СИНФЛАРИДА ДАВЛАТ ТИЛИНИ ўҚИТИШ БўЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан бошланҚич синфларда ҳар бир дарсда фаолиятнинг тўртала тури: эшитилган нутқни тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш бўйича - бир йўла иш олиб борилади. Бу нарса нафақат дастурда, балки дарсликларда ҳам ўз аксини топган. 2-синф дарслигида ҳар бир мавзу бўйича берилган материал икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда фақат эшитиб тушуниш ҳамда гапириш учун, 2-қисмда эса - ўқиш ва ёзиш учун материал берилган. 3- ва 4-синфларда ҳар бир машқ, жадвал, матн ёки топшириққа махсус шартли белги қўйилиб, қайси материал қайси нутқ фаолияти тури учун мўлжалланган кўрсатиб қўйилган. Масалан, очиқ китоб ёки китоб ўқиб ўтирган қиз расми мўлжалланган материал; магнитофон кассетаси ёки қулоқ расми - эшитиб тушуниш учун, ручка расми - ёзиш учун ва ҳоказо.

Шундай экан, учала дарслик бўйича ҳам ҳар бир дарсда ўқувчилар дарс мавзуси бўйича дастурда белгиланган доирада: а) тингланган нутқни тушуниш; б) белгиланган сўз, сўз бирикмалари ва гап қурилмаларини қўллаб, мавзу бўйича ўз фикрини баён этиш; в) берилган матнларни талаффуз қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган тезликда ўқиш, ўқиган матннинг мазмунини тушуниш; г) ўз фикрини мавзу доирасида белгиланган тарзда ёзма баён этиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсад қилиб олиниши керак.

Бунинг учун дарсликларда янги сўз ва сўз бирикмалари маъноси асосан расмлар воситасида очиб берилган. Расмлар эса дарсликларда уч турда: предметли, мураккаб бўлмаган сюжетли ҳамда мураккаб сюжетли қилиб берилган.

2-синфда ҳар бир янги сўзнинг маъносини намойиш этиш учун асосан предметли расмлар берилган. Масалан, *ота, от, том, икки, ким* ва ҳоказолар. Бундай расмлар 3- ва 4-синф дарсликларида ҳам мавжуд.

Мураккаб бўлмаган сюжетли расм орқали алоҳида сўз, сўз бирикмаси маъноси (масалан, ҳаракат номи, предметнинг белгиси, жойи, сифати ёки бошқа кўрсаткичи) намойиш этилади. Масалан, *дарахтларда қор, қор ёҚяпти, бола ёзяпти, телевизор кўряпти* ва ҳоказолар.

Мураккаб сюжетли расмда мавзу бўйича матн мазмуни ифодаланган бўлиб, бундай расмлар дарсликларда кўпинча мавзу бошида берилиб, ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам мавзу асосида нималарни билиш, ким ва нима ҳақда гапириш ва ўқий олиш кераклигини намойиш этади.

Мураккаб сюжетли расмлар, шунингдек, дарс охирида мавзу бўйича боҚлиқли матн тарзида фикр билдиришга ўргатиш учун ҳам берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бошланҚич синфларда давлат тили таълими олдига қўйилган меъёрий талабларда айтилганидек, тўртинчи синфни битираётган ўқувчи кундалик ҳаёти ва ўқиши, ён-атрофидаги предмет ва кишилар ҳақида ўз фикрини оҚзаки ва ёзма равишда баён эта олиши керак. Бунинг учун дастурда лексик мавзуларнинг аниқ чегараси ва доираси белгилаб қўйилган. Булар, жумладан «Мактаб», «Синф», «Оила», «ўқув қуроллари», «Кийим-кечаклар», «Озиқ-овқатлар» ва ҳоказолардир.

Уларнинг кўпи (деярли 80%) учала синфга ҳам киритилган бўлиб, ҳар бир синфда мавзу бўйича муайян лексикани муайян қолипдаги нутқ бирликлари (грамматик қолипдаги сўз ёки сўз бирикмалари) таркибида ўзлаштириш мўлжалланган. Аммо бир мавзу юзасидан ҳар бир синфда турли қолипдаги турли сўз ва сўз бирикмалари бериладики, улар биргаликда 4-синфга бориб мавзу юзасидан ҳар томонлама фикр юритиб, фикрни оҚзаки ва ёзма равишда боҚлиқли матн тарзида батафсил ифодалаш имкониятини беради.

Масалан, «Оила» мавзуси бўйича 2-синф ўқувчиси оилада неча киши ва кимлар бор, ҳар бир оила аъзосининг исми ҳақида маълумот бера олиши керак. 3-синфда - оила аъзоларининг касби, ёши, ўқиш (ишлаш) жойи ҳақида гапириб ва ёзиб бера олиши кўзланган. 4-синфда эса ушбу мавзу бўйича ўқувчиларда оила аъзоларининг иш куни, аниқроҚи эрталаб уларнинг ҳар бири қаерга қандай транспорт воситасида кетиши, нима билан шуҚулланиши ҳақида маълумот бериш кўникмаларини ҳосил қилиш мўлжалланган.

Бунинг учун бу мавзу бўйича 4-синфда ўтилган материални ўзлаштириш билан бирга 2- ва 3-синфларда ушбу мавзу юзасидан ўтилганларни такрорлаб, уларни 4-синфдаги маълумотга қўшимча қилиб, «Оила» ҳақида оҚзаки ва ёзма равишда батафсил маълумот беришга ўргатиш кўзда тутилган. Бошқа мавзулар юзасидан ҳам шу йўсинда билим бериш ва кўникмалар ҳосил қилиш мўлжалланган. Шунга кўра мавзуларнинг синфма-синф номланиши бир-биридан фарқланади. Жумладан, юқоридаги мавзу 2-синфда - «Оила» 3-синфда - «Оиламиз» 4-синфда - «Оила аъзоларимизнинг иш куни» деб аталади.

Шу билан бирга, баъзи мавзулар фақат бир ёки икки синфда берилган.

Синфлар бўйича мавзуларнинг такрорланиши ва номланишидаги фарқни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Мавзуларнинг таҳлили

1-жадвал

Мавзуларнинг тартиб рақами ва номланиши		
2-синф	3-синф	4-синф
1. Танишув	-	-
2. Мактаб	1. Ассалом, мактаб	1. Қадрдон мактаб
3. Синф	2. Синф хонаси	2. Синфимизда дарс
4. ўқув қуроллари	-	-
5. ўйинчоқлар	4. ўйинчоқлар	-
-	5. Куз келди	4. Кузги ишлар

		5. Пахтазорда
6. Мевалар	-	
7. Сабзавотлар	-	
8. Ранглар	-	
9. Идишлар	9.Идиш-товоқлар	-
10. Озиқ-овқатлар	8. Озиқ-овқатлар	9. Ошхонада
11. Таъна аъзолари	-	-
12. Саноқ	10. Саноқ	10. Бозорда
13. Кийим-кечаклар	6. Кийим-кечаклар	-
-	12. Қиш келди	12 Қиш ўйинлар
14. Оила	3. Оиламиз	6. Оила аъзоларининг иш куни
15. Янги йил	13. Янги йил базми	13. Салом, янги йл
-	11. Спорт ўйинлари	11. Спорт, спорт, спорт
16. Йил фасллари	17. Об-ҳаво	14. Йил фасллари
17. Менинг хонам	-	8. Менинг хонам
18. Кун тартиби	7. Кун тартиби	21. Озода бўлинг
19. 8-март	18. 8-март байрами	18. Хотин-қизлар куни
-	19. Баҳор келди	17. Баҳор келди
20. Наврўз	20. Ассалом, Наврўз	20. Наврўзи олам келди
-	21. Дала ва боҚда	-
21. Уй ҳайвонлари	14. Уй ҳайвонлари	19. Қушлар ва ҳашаротлар
22. Ўайвонот боҚида	15. Ёввойи ҳайвонлар ва қушлар	16. Ўайвонот боҚи
23. Ким бўлсам экан?	16. Ким бўлсам экан?	7. Энг яхши касб
24. Кўчамиз, уйимиз	22. Йўл ҳаракати	3. Бизнинг уйимиз
25. Тошкент шаҳри	24 Тошкент шаҳри	24. Пойтахтимиз чиройи
26. ўзбекистон	25 Республикамиз	25 ўзбекистон - ватаним маним
-	23. Ёз келди	22. Китобни сақла
-	-	23. Тинчлик барқарор бўлсин
-		-
-		15. Шифохонада

Дарсликларда берилган материалларнинг ҳажми дастурда кўзда тутилган материалларнинг ҳажмидан кўпроқ, чунки дастурда давлат талабларини амалга ошириш учун энг зарур бўлган минимал материал кўрсатилади. Дарсликларда берилган материал эса ҳажм жиҳатдан максимал бўлиб, унинг бир қисми, биринчидан, дарсда табақалаштириб ўқитиш (яхши ўзлаштирадиган, шу жумладан, ўзбекзабон оилалардан чиққан ўқувчилар) учун мўлжалланган. Иккинчидан эса, ўқувчиларга дарсдан ташқари мустақил ишлаш учун қўшимча материал ҳам кўзда тутилган. Бундай қўшимча материал, шу жумладан қизиқарли материал (ханда, топишмоқ, ребус, бошқотирма) қўшимча шеър, эртак ва қўшиқлардан байрам тадбирларида ўқувчиларнинг чиқишларида фойдаланса бўлади. (Бундай материал ушбу методик қўлланмага ҳам илова қилинади).

Учала синфда берилган материалнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганлиги даражасини назорат қилиб бориш ҳамда ўтилган материални мустаҳкамлаш ниятида дарсликларнинг ҳар бирида такрорлаш дарслари (асосан 6-, 14-, 20-, 25-мавзулардан сўнг) ҳамда тест саволлари ва топшириқлари берилган. Такрорлаш дарслари ҳар бир чоракнинг охирига тўҚри келади. Дарсликларда такрорлаш дарслари учун берилган материал нафақат ўтган дарслардаги сўз ва сўз бирикмалари, гап қурилмаларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, балки ўтган мавзулар бўйича ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларининг пухталиги ҳамда ўзлаштирилган материалдан ўз ҳаётидаги турли вазиятларда фойдалана олишларини аниқлашга мўлжалланган.

Дастурда кўрсатилган ва дарсликка киритилган сўз ва сўз бирикмалари ичида фаол ўзлаштириш (яъни нутқ жараёнида фикр ифодалашда фойдаланиш)га ҳамда нофаол лексика (фақат тушуниш билан чегараланиб қолиш)га мўлжалланганлари мавжуд. 2-синф дастурида бу икки турдаги сўз ва иборалар аниқ чегараланиб берилган. Дарсликларда эса улар қаторига ёдлашга мўлжаллаб берилган шеър, тез айтиш, топишмоқ, мақол ва матал, ҳикоя ёки эртак, шунингдек муомала одобига оид иборалар матнидаги барча сўз ва иборалар киради. Дарсликларда бу сўзлар бевосита ҳар бир матндан кейин тушунтириб берилган ва дарслик охиридаги луҚатга киритилмаган.

Бундан ташқари, пассив лексика қаторига 3- ва 4-синфлар дарсликларидаги ҳар бир мавзу юзасидан 1- ва 2-машқлар матнидаги кўп сўзлар киради. Бу машқлар мантлари фақат тўҚри талаффуз қилиш ва шу дарсда ўрганилаётган у ёки бу грамматик қурилмадаги сўз ёки сўз бирикмаларини матнда таниб, тушуниб олиш ҳамда ажратиб кўрсатишга ўрганиш учун берилади, холос. Шунинг учун бу матнлардаги кўп сўзлар пассив сўзлар қаторига киради.

Худди шунингдек, ҳар бир мавзу охирида адабий ўқиш учун берилган шеър ёки ҳикоя (эртак) матнидаги кўп сўзлар ҳам пассив равишда ўзлаштирилади. Шунинг учун ўқувчилар томонидан пассив равишда ўзлаштирилган сўзлар миқдори фаол ўзлашувчи сўзлар миқдорига нисбатан анча кўп бўлиши табиийдир.

Дарсликлар фаол ўзлаштиришга мўлжалланган сўзларнинг муайян тарзда такрорланиб туришини кўзда тутиб тузилган. Бунда ҳар бир янги сўз кейинги дарсларда ўзлаштирилаётган бошқа янги сўзлар билан бирикмага кирган ҳолда янги-янги бирикма ва жумлаларда такрорланади. Бу ҳол, ўз навбатида, сўзнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлайди.

Масалан, 2-синфда 6-мавзу бўйича мевалар номи, 8-мавзу бўйича сабзавотлар номларини ўзлаштириш мўлжалланган. Кейинги «Ранглар» деган 9-мавзу устида ишлашда мевалар ҳамда сабзавот номлари рангларни англатувчи сўзлар билан *олча қизил, бодринг кўк, лимон сариқ, помидор қизил* каби сўз бирикмалари таркибида такрорланади. Шундан кейинги «Озиқ-овқатлар» деган 10-мавзу юзасидан суҳбатда ҳам ўқувчилар тушликда овқатдан кейин қовун, тарвуз ёки узум ейилиши, компот ичилиши, компотга эса ўрик, олма, олхўри, гилос каби мевалар солиниши ҳақида гапириб, мева номларини яна такрорлайдилар. Ўар бир мавзу юзасидан материл сўзлар ана шундай такрорланишларни ҳисобга олиб тузилган.

Бундай такрорлашни нафақат бир синф доирасида, балки биринчи йил 2-синфда ўзлаштирилган сўзлар 3-, 4-синфларда айниқса, бир хил мавзу устида ишлашда такрорланиши кўзда тутилган.

Кейинги синфларда лексика такрорланишида улар бошқа грамматик қурилмалар таркибида берилади, мавзу бўйича лексика кенгаяди ва тўлдирилади, натижада такрорланадиган мавзулар синфдан синфга такомиллашиб, чуқурлашиб боради ва ўқувчиларнинг мавзу бўйича лексик заҳираси бойиб боради.

Масалан, ўқувчиларни ёввойи ҳайвонлар ҳақида фикр юритиб, бу ҳақда гапиришга ўргатиш учун синфма синф қуйидаги лексика берилади:

2-синфда «Ўайвонот боҚида» мавзуси бўйича *айиқ, маймун, шер, йўлбарс, фил, кийик* сўзлари берилади.

3-синфда «Ёввойи ҳайвонлар» мавзуси бўйича (*олмахон, қуён, ёввойи чўчқа, типратикан, тимсоҳ)* тушунча берилиб, ҳайвонларнинг ҳар бири нима ейиши ҳақида маълумот берилади.

4-синфда ҳам шу мавзу бўйича иш давом эттирилиб, ўқувчиларнинг лексик заҳирасига *жирафа, тошбақа, туяқуш* сўзлари қўшилиб, ҳайвонларнинг ҳар бири (шу жумладан, номи 2-, 3-синфларда ўрганилганлари)нинг ҳаракати ҳақида ҳам сўз юритилади. Масалан, *илон ва тошбақа судралиб юради, жирафа ниманидир кавшайди, туяқуш ва қуён тез югуради* ва ҳоказолар.

Бундан ташқари, 2-синфда «Сакрайдиган уй» матни орқали ўқувчилар кенгурунинг боласи онасининг қорнидаги халтада яшаши ҳақида, 3-синфда адабий ўқишда Кавсар Турдиеванинг «Тимсоҳ» шеъри орқали бу ҳайвон, асосан, балиқ билан озиқланиши ҳақида тушунчага эга бўладилар. Бундай матнлар билан бирга, ёввойи ҳайвонлардан қуён, бўри, айиқ, фил ҳақидаги топишмоқларни топиш ва тез айтишларни ёдлаш, ушбу мавзу юзасидан

берилган ребус ва бошқотирмаларни ечиш ҳам ўқувчиларнинг ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириб, уларда бу мавзу юзасидан бемалол фикр юритиб, ўз фикрини оҚзаки ва ёзма равишда ифода этиш кўникмаларининг шакллантириш имконини беради.

Бундан ташқари, ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги эртак ва мультфильмлар, 4-синфда ўтказиладиган ҳайвонот боҚига экскурсия ҳам бу мавзу юзасидан ўқувчилар нутқини бойитади. Дастурдаги ҳар бир мавзу бўйича юқоридагидек иш олиб бориш ўқитувчи учун дастуриламал бўлиши керак.

Дастур ва дарсликларда ўқувчиларда ўзбекча сўзларнинг тўҚри **талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантиришга** алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун 2-синфда ҳар бир мавзу юзасидан ўқиш ва ёзишга ўргатишга мўлжалланган саҳифаларнинг ҳар бири фонетик машқлардан бошланади. Яъни дарсликнинг алифбо қисмида ўқиш ва ёзишга ўргатилаётган ҳар бир ҳарфнинг бошқа ҳарфлар билан бирикиб ташкил қилган бўҚинларини талаффуз қилиш машқлари берилган.

3-синфда ҳар бир мавзу «Тингланг, такрорланг, ўқинг» деган топшириқли фонетик машқлардан бошланган. Бу машқларнинг ҳар бирида мавзу бўйича сўзларнинг талаффузида энг кўп учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш ниятида, сўзлар бу қийинчилик билан боҚлиқ бўлган шаклда берилган. Масалан, «Оиламиз» деб номланган 3-мавзуда *-да* қўшимчали сўзларда қўшимчанинг жарангсизланиши ҳолатларига эътибор қаратилади. «ўйинчоқлар» деган 4-мавзу бўйича *-япти* қўшимчали феълларнинг талаффузи кўрсатилган.

Фонетик машқлар 4-синфда ҳам давом эттирилган бўлиб, бунда, айниқса, ўзбек тилидагина мавжуд бўдган *о, ў, ж, қ, Қ, ҳ* каби ҳарфли сўзлар талаффузига эътибор берилган. Шу билан бирга, рус тилида мавжуд бўлган, аммо бошқа миллат вакиллари учун ўзбекча талаффузи қийин бўлган *л, и* каби ҳарфли сўзларнинг талаффузи бўйича ҳар бир мавзу юзасидан фонетик машқлар берилган. Бу машқларда ўзбекча талаффузнинг ўзига хослигини англатиш учун турлича сўзлар талаффузи қиёслаб кўрсатилиб, «Фарқланг!», «Қиёсланг!» деган рукнлар остида берилган.

Мазкур дастур ва дарсликларнинг, қолаверса уларга асосланган янги технологиянинг асосий жиҳатларидан бири - тил ўргатишда грамматик билимлар бериш усулининг ўзига хослиги.

Аниқроқ қилиб айтганда, бу технологияда грамматика шу пайтгача амал қилиб келинган дастур ва дарсликларидагидек биринчи ўринда ва асосий мақсад эмас, балки иккинчи ўринда бўлиб, биринчи ўринга мақсад қилиб қўйилган мазмунни ифодалаш вазифасини бажаришда восита сифатида хизмат қилади. Яъни грамматика аввалги дастурлардагидек тизим сифатида ўрганилмай, балки маъно ифодалаш вазифасини бажаришга қаратилади ва унга хизмат қилади. Бунда ҳар бир фикрни ифодалаш учун қандай грамматик шакллар зарур бўлишига қараб, шундай шакллар ўргатилади. Шунинг учун ҳар бир дарсда битта эмас, балки бир нечта грамматик шакллар олиниши мумкин. Дарсликда улар грамматик қоида ёки грамматик жадвал эмас, балки нутқий намуналарда ажратиб кўрсатилган шакллар (қўшимча ёки бошқа грамматик воситалар) орқали намойиш этилади.

Шунга кўра 3- ва 4-синфлар дарсликларида грамматика, асосан, «Эслаб қолинг!» рукни остида сўзлардаги, мисоллардаги грамматик воситаларни ажратиб кўрсатиш орқали берилган. 3- ва 4-синф дарсликларидаги лексик мавзулар таркибида грамматик мавзуларнинг берилиши қўйидагича бўлган:

3-синф дарслигида лексик ва грамматик мавзулардан намуналар

2-жадвал

Т/р	Лексик мавзу	Грамматик мавзу	Фонетика
1.	Ассалом, мактаб	Эгалик қўшимчалари	к-q
2.	Синф хонаси	-da (ўрин - жойни ифодалаш)	- ing
3.	Оиламиз	ёшни ифодалаш	- da (ta)
4.	ўйинчоқлар	- cha (кичрайтириш ва эркалаш)	o-o’
5.	Куз келди	- yapti (ҳозирги замон)	- yapti

ўқувчилар учун қийин бўлган, айниқса, фақат ўзбек тилигагина хос бўлган грамматик ҳодисалар бир эмас, бир неча мавзуларда турли хил лексика орқали берилган. Масалан: 3- ва 4-синф дарсликларида эгалик қўшимчалари, ҳозирги ва ўтган замон феъллари, ўрин-жойни ифодаловчи қўшимча ва кўмакчилар, ҳаракат номи, белгили ва белгисиз тушум ва қаратқич келишиклари каби грамматик мавзулар бир неча марта турли лексик мавзулар асосида берилган. Жумладан, 3-синфда ҳозирги замон феъли «Куз келди», «Баҳор келди», «Республикамиз» мавзуларида; ҳаракат номи (чопиш, юриш) «Спорт ўйинлари» мавзусида ҳамда «Йўл ҳаракати» мавзусида *керак, лозим, зарур* сўзлари билан биргаликда берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умумий ўрта мактабларнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари //Таълим тараққиёти, 1999, 1-махсус сон.
2. Р.Толипова. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун “ўзбек тили“ дарсликларига методик қўлланма. – Т., 2001.
3. Р.Толипова ва бошқалар. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тили дарсликлари (2-7-синфлар). – Т., 2000-2003.
4. А.ўуломов, Ў.Неъматов. Она тили таълими мазмуни. – Т.: ўқитувчи, 1995.
5. А.ўуломов. Она тили ўқитиш жараёнида фаоллик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. – Т., 1989.
6. А.ўуломов. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. – Т., 1992.

Топшириқ:

1. Бирор дарслик мисолида ўқув материалининг берилиш тартибини таҳлил қилинг.
2. Бир соатлик дарс ишланмаси тайёрланг.

3-маъруза.

Мавзу: ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни, «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўҚрисида»ги Қонуни, ўзбек тилининг асосий имло қоидалари

Режа:

1. Давлат тили мақоми, унга бўлган эҳтиёж тўҚрисида (икки тиллилик, метрополия тили тушунчаларининг келиб чиқиши сабаблари).
2. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, унинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари, бажарилиши.
3. ўзбек тили ўқитувчиларининг долзарб вазифалари ҳақида.

Давлат тили мақоми тўҚрисида гапиришдан аввал бу тушунчанинг моҳияти, аҳамияти, дунё халқлари ҳаётида қандай ўрин олганлиги ҳақида фикр юритиш тўҚри бўлади. Чунки дунё миқёсида икки тиллилик, метрополия тили каби тушунчаларни билиб олиш ҳам давлат тили мақомининг аҳамиятини тушуниб олиш учун туртки бўлади.

Дунёда икки тиллилик амалда бўлган давлатлар ҳам бор. Бундай давлатларда барча расмий ишлар икки тилда, яъни миллий тил ва иккинчи тилда олиб борилади. Бу, албатта, миллий тил мавқеининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Айрим давлатларда эса миллий тилнинг мавқеи бутунлай пасайиб, иккинчи тил асосий бўлиб қолган. Бундай давлатлар мустамлака давлатлар бўлиб, уларда миллий тилнинг ўрнини давлат тили сифатида мустамлакачи давлатнинг тили эгаллагани маълум. Бир мамлакатда мустамлакачи давлатнинг тили расмий тил бўлиб, у давлат тили мақомига эга бўлса, у тил метрополия тили деб юритилади. Масалан, Африка, Ўиндистон, Жазоир каби давлатларда метрополия тили ҳукмрон. Бунинг сабаблари турлича. Африкада аҳолининг маърифий қолоқлиги, элатларнинг кўплиги, уларнинг халқ сифатида бирлашмагани, қабила, элат тилларида адабиёт, адабий тилнинг йўқлиги сабаб бўлган. Ўиндистонда эса бошқача вазият. Чунки Ўиндистон ўзининг тарихи, ёдгорликлари, адабиёти билан жаҳон миқёсида машҳур. Аммо ҳинд тили инглиз

тилидан ҳам қадимийроқ тарихга эга бўлишига қарамай, у ерда инглиз тили ҳукмрон. Унда умумҳиндистон тили деб хинду тили эълон қилинган бўлса ҳам, ҳар бир штатда яшовчи аҳоли уни қабул қилмаган. Иккинчидан, бу давлатда жаҳонга чиқишнинг бир йўли сифатида инглиз тили қабул қилинган. Хуллас, тил мавқеи ҳар бир давлат учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки тил жамият маънавий тараққиётининг даражасини, мавқеини кўрсатувчи омиллардандир.

Бизнинг республикамизда эса ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши жуда муҳим воқеа бўлган. Тилимизнинг софлигини сақлаш, мавқеини кўтариш ниҳоятда долзарб бўлиб турган бир пайтда бу масала таҳлил этилиб, унга давлат тили мақомини бериш тўҚрисидаги Қонун қабул қилинган. Чунки ўша давр ижтимоий ҳаётимиздаги вазият, тоталитор тузумнинг тилимиз тараққиётига ҳам салбий таъсир этаётганлиги аён бўлиб қолган эди. Барча расмий ҳужжатлар рус тилида тўлдирилар, расмий йиҚинлар рус тилида олиб борилар, ҳаттоки, мактабларда ҳам рус тилининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилиб, ўзбек миллатига мансуб кишилар ўз она тилларида эркин гаплаша олмасликлари ҳолатлари ҳам кўпайиб кетган эди. Шу ва шу каби сабаблар, умуман, тилимизга бўлган эътиборсизликнинг олдини олиш, буюк аждодларимиз, буюк тарихимиз олдидаги бурчимизни ҳис қилиш учун ҳам она тилимизнинг мавқеини кўтариш, расмий жиҳатдан унга давлат тили мақомини бериш масаласини кўтариш зарур бўлиб қолган эди.

1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши республикамиз ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Тилга бўлган эътибор ҳам маънавият даражасини белгиловчи асосий омилдир. Чунки тил тарих, бугунги кун ва келажакда ўзаро боҚлиқ ҳолатда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қабул қилинган Қонун республикамиз ҳаётида тилимизнинг ижтимойи мавқеини тиклаш, унинг қўлланиш доирасини кенгайтириш ва ўрганишни изчиллик билан йўлга қўйишда катта аҳамият касб этади.

Қонуннинг 1-моддасида «ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, унга сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ ҳолда амал қилишни таъминлаш вазифаси қўйилганлиги, бу вазифанинг бажарилиши давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва ҳар бир фуқоронинг бурчи эканлиги таъкидланган.

Қонунда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши. (Атамашунослик қўмитаси ташкил этилган ва унинг фаолияти, ўзбек тилини ўргатиш масалалари билан ўқитувчилар (тингловчилар)нинг танишлик даражасини аниқлаб, уларнинг бу борадаги фикрлари тингланади).

Маълумки, ёзувнинг жамият тараққиётидаги ўрни катта. Республикамизда кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўрнига янги алифбони жорий этиш масаласи мустақилликка эришилгандан сўнг долзарб муаммолардан бўлиб қолди. 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўҚрисида»ги Қонун қабул қилинди. Таклиф этилган алифбо бир қанча муҳокамалардан сўнг ўзгартирилиб, 1995 йил 6 майда бу Қонунга айрим ўзгаришлар киритилди. 1995 йилнинг 24 августида Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги имло қоидалари тасдиқланди. Буларнинг барчаси давлат тилини ўрганиш борасида янги талабларни вужудга келтирди. Чунки тилни ёзувсиз ўрганиб бўлмайди. Янги алифбо тўҚрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тили ўқитувчилари олдига янги вазифаларни қўйди. Бу, албатта, саводхонлик масаласи билан боҚлиқ. ўқувчиларнинг мукаммал саводли бўлишлари учун, аввало, функционал саводхонлик даражасини кўтариш лозим. Бу нимадан иборат бўлишини аниқлаб олиш учун функционал саводсизлик турларини билиб олиш лозим:

- ўқилган матнни идрок эта олмаслик;
- воқеликни танқидий идрок эта олмаслик;
- бехато ёза олмаслик;
- хатосиз ўқий олмаслик;
- хатосиз гапира олмаслик;

- ўқилган ёки эшитилган нарсани тўҚри тушунмаслик;
- кундалик техника воситаларидан фойдаланишни билмаслик;
- соҚлом турмуш тарзига риоя қилмаслик.

Демак, саводхонлик деганда нафақат тўҚри ёзишни билиш, балки ўқувчининг билим даражаси, савияси тушунилади. Саводхонлик даражасининг юксак бўлиши ҳар жиҳатдан она тили ва адабиёт ўқитувчиларига боҚлиқ, деб ўйлаймиз. Шунингдек, бугунги кунда ўзбек тили ўқитувчиларининг олдида турган асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Миллат, Ватан тушунчаларининг асл маъносини ўқувчилар онгига, қалбига сингдириш, миллий Қурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш.
2. Тилимизга ҳурмат ҳиссини шакллантириш. ўқувчилар нутқида тилимиз софлигини сақлашга эришиш.
3. ўқувчиларнинг ўз она тилимизда фикрлаб, ўз она тилимизда сўзлашларига, фикрларини мустақил баён эта олишларига эришиш.
4. ўз тилимиз ва ўз ёзувимизнинг тарихий тараққиётини манбалар асосида тушунтириш, ўтмиш меросимизга ҳурмат билан қарашга, улардан фойдаланишга ўргатиш.
5. Мантиқий фикрлашга, боҚланишли нутқ тузишга, сўзларни тўҚри, ўринли қўллашга ўргатиш.
6. Матн тилшунослигини ўрганиш, илмий маълумотларни амалиётда қўллаш.
7. Таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Қонун, дастур, ДТС, Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизимига алоқадор қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш ва амалда уларга риоя қилиш.
8. Таълим мазмунини янгилаш бўйича ўқув машҚулотларида янги педагогик технологияларни қўллаш, ишлаб чиқиш ва бунинг натижасида тил таълими сифатини яхшилаш.
9. ўқувчиларнинг саводхон бўлишларига эришиш.
10. Давлат тилига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида мактабларда «Давлат тили амалда», «Ёш тилшунослар» каби тўгараклар ташкил этиб, уларда ўзбек тили тарихи, бугуни ва келажагига алоқадор фикрларни муҳокама қилиш, Қонунда белгиланган вазифаларни бажариш.

Кирилл ва лотин графикалари асосидаги ўзбек ёзувларининг имло қоидаларидаги айрим тафовутлар

Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувининг имло қоидалари (орфографияси) 1940 йилнинг 4 июлида янги алифбо бўйича ҳукумат комиссияси томонидан, унинг қайта ишланган ва такомиллашган сўнгги варианти эса 1956 йилнинг 4 апрелида ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган эди. Ана шу сўнгги вариант ҳозирги амалдаги ёзувимизнинг имло меъёрларини белгилаб берувчи асосий ҳужжатдир.

Юқорида айтганимиздек, лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувининг асосий имло қоидалари 1995 йилнинг 24 августида ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сон қарори билан тасдиқланган.

Мана шу иккала “Қоида“ларни ўзаро қиёслаш натижасида уларнинг тузилиши ва мазмунида қуйидаги тафовутлар борлиги аниқланди. Қуйида биз ана шулар ҳақида сўз юритамиз:

Кирилл ёзуви	Лотин ёзуви
1. *қовун, совун, тарвуз, тасаввур, қувур* каби сўзларда олдинги бўҚинда **о, а, у** унлиларидан кейин **в** ёзилади.	1. Фақат **о** унлисидан кейинги ёпиқ бўҚинда **у** ёзилади: *qovun, sovun.* *Tarvuz, quvur* каби сўзлар киритилмаган.
2. Қоидалаштирилмаган	2. Uz – uzuq, yut – yutuq. Лекин: uyushiq, burushiq, uchuriq.
3. Шовул, овул, қувур; шовилламоқ, ловилламоқ, Қувилламоқ.	3. Shovullamoq, lovullamoq, g’uvullamoq.
4. Чўмилтирмоқ, севинтирмоқ,	4. Жарангли ундош блан тугаган бир бўҚинли

томиздирмоқ, оқиздирмоқ.	сўзларга (kel дан бошқа), z билан тугаган сўзларга dir қўшилади, бошқа ҳолларда tir қўшилади: quvdir, kuldir, o'tkazdir; kestir, uyaltir, tiktir.
5. БоҚ - боққа, тоҚ - тоққа, барг - баркка, тег – теккан.	5. 37-қоиданинг в банди. tokka, bukkan; qishloqqa, achchiqqina; bog'ga, tog'ga; bargga, sig'guncha.
6. Торткиз, тошқин, ўткир, чопқир, ўтказ, топкин	6. Фақат k ёки g билан тугаган сўзларда жарангсизлашади: tortgin, topgin.
7. ҳаво ранг, дутор бўйин, бодом қовоқ, оромбахш, буҚдойранг, сўз боши	7. Деярли барча қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: bug'doyrang, sovuqmijoz, devsifat, jigarrang, bodomqovoq, so'zboshi
8. Туну кун, ёшу қари, кечаю кундуз, еру осмон	8. Tun-u kun, yosh-u qari, kecha-yu kunduz, yer-u osmon
9. Нуқтаи назар, таржимаи ҳол, ойнаи жаҳон	9. Nuqtayi nazar, tarjimayi hol, oynayi jahon
10. 1991 йил 1 сентябрь 5-синф, 60-йиллар, 1-кун, XXI аср	10. 1991-yil 1-sentabr 5-sinf, 60-yillar, 1-kun, XXI asr

Фойдаланиш учун адабиётлар:
1. ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. – Т.: ўқитувчи, 1995.
2. "Тил ва адабиёт" журнали. 1996 йил, 2-сон, 4-21-бетлар; 1997 йил, 4-сон, 58-64-бетлар; 2002 йил, 5-сон, 4-7-бетлар.
3. O'zbek tilining imlo lug'ati. – T.: O'qituvchi, 1995.
4. Ф. Умарова. Лотин ёзувини ўрганувчилар учун усулий қўлланма. – Т., 2001.

4-маъруза.
Мавзу: Назорат диктанти (амалий машҚулот) – 2 соат

Olisdagi yorqin yulduz

Erkin Karimov

Abdulhamid Cho'lpon Andijon shahrida mayda savdogar oilasida tug'ildi. Uning otasi o'qimishli bo'lib, adabiyotni sevar va o'zi ham she'r yozar edi. Yosh Abdulhamidning ma'naviy kamoli tez o'sdi. Bunga oiladagi muhit ham sabab bo'ldi. U shaxsning xalq va jamiyat oldidagi mas'uliyatini erta tushundi. Otasi o'z o'g'lining mulla bo'lishini istar edi. Lekin Abdulhamid otasining orzu-istaklariga bo'ysunmay, Toshkentga qochib keldi. Bu yerda «Sadoi Turkiston» gazetasi tevaragiga jipslashgan Hamza, Abdulla Avloniy, Mirmuhsin Shermuhamedov, Tavallo, Xislat va boshqa ma'rifatparvar shoir va yozuvchilar bilan yaqindan ijodiy hamkorlik qiladi.

Cho'lpon Andijonda rus-tuzem maktabini tugatgan edi. Shu boisdan u rus tilini mukammal bilgan va bemalol tarjimonlik bilan shug'ullana olgan.

U boshlang'ich maktabda o'qib yurgan chog'laridayoq rus va boshqa chet el adabiyoti vakillarining asarlari bilan tanishib borgan. Bo'lajak shoir Andijon va Toshkent madrasalarida ham tahsil ko'rgan bo'lib, arab, fors, turk tillari va adabiyotini puxta o'rgangan. Toshkent ma'rifatparvarlarining "Jamiyati xayriyasi" Cho'lponni Ufadagi mashhur "Oliya" madrasasiga o'qishga yuboradi.

Cho'lponning 1914-1917-yillarda yozgan asarlarida ocharchilik yillari fojiasi, xalqning ayanchli ahvoli va chorasiz taqdiri o'z ifodasini topgan.

O'zbek xalqini jahon badiiy tafakkuri yutuqlari bilan tanishtirishda, badiiy tarjimachiligimiz taraqqiyotida Cho'lponning xizmati salmoqli. U Shekspir, Molyer, Pushkin, Turgenev kabi adiblarning yirik asarlarini o'zbek tiliga o'girgan.

Cho’lpon ijodi, ayniqsa, 30-yillarda sermahsul bo’ldi. U ijtimoiy hayotning dolzarb muammolariga bag’ishlangan o’nlab hikoyalarni yaratdi. O’zbek teatrlari Cho’lponning sahna asarlari – «O’rtoq Qarshiboyev», «Hujum» pyesalarini sahnalashtirdi. Adib «Kecha va kunduz» dilogiyasining ikkinchi qismi («Kunduz») ustida qizg’in ish olib bordi.

Ming afsuslar bo’lsinkim, Cho’lpon ham yangi o’zbek madaniyati tarkib topib, yuksalayotgan bir paytda adabiyotimizning peshqadam vakillari – Abdulla Qodiriy, Abdurauf Fitrat, Usmon Nosir, Elbek, Botular qatorida shaxsga sig’inish davrining qurboni bo’ldi (258 so’z).

Murabbiy

Abdulla Avloniy 1879-yili Toshkentning Mergancha mahallasida tug’ilgan. Yoshligi Mirobodda kechdi. «Temiryo'l markazi» bekatida joylashgan bozorning shundoqqina orqasida sapyorlar ko'chasi bor. Bu ko'chada, asosan, rus temiryo'l ishchilari istiqomat qilganlar. A.Avloniy shular orasida o'sib-ulg'aydi. Ming-minglab kishilar singari, Abdullaning ham turmushi og'ir edi. Shu sababli madrasani tugata olmadi. 14-15 yoshlarida mardikorlik qilib kun kechirishga majbur bo'ldi. Mustaqil o'qidi. Arab, fors, rus tillarini o'rgandi. She'r mashq qildi. Podsho xalqqa ozodlik bermasligini tushunib yetdi. U do'stlari bilan yashirin uyushma tuzarkan, birinchi navbatda qilinadigan eng zarur ish – xalqning ko'zini ochish, degan xulosaga keldi.

Abdulla Avloniy o'z ishini maktab ochishdan boshladi. Gazeta chiqardi, darsliklar yozdi. Kitoblar bostirdi. Teatr ishlarini yo'lga qo'ydi. O'zi pyesalar yozdi. Havaskorlarni yig'ib, tomoshalar ko'rsatdi.

Abdulla Avloniy bu xizmatlari bilan o'zbek ma'rifatchiligiga juda katta hissa qo'shdi. Yangi zamonaviy o'qitishni ilmiy-amaliy asoslab berdi.

Avloniy bolalar uchun ham asarlar yozgan. Avval bolalar uning «Birinchi muallim» kitobidan harf tanidilar. «Ikkinchi muallim»dagi she'r va hikoyalardan o'qishni o'rgandilar.

1909-1917-yillarda bosilgan she'riy to'plamlari maktablarda o'qish kitoblari vazifasini bajargan. Ayniqsa, uning odob va axloq haqidagi «Turkiy Guliston» asari bugungi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotgan emas (213 so'z).

Uzuk voqeasi

Abu Ali ibn Sinoning onasi chaqaloqligida cho’miltirayotganida qimmatbaho uzugini yo’qotib qo’yibdi. U uzugini ko’p qidiribdi. Lekin hech qayerdan topa olmabdi. Keyin uni kanizak olgan, deb gumon qilib, bechora kanizakni rosa kaltaklashibdi. Kanizakni urishayotganida, Abu Ali yig’lay boshlabdi. Kaltaklashdan to’xtashsa, chaqaloq ham yig’idan to’xtabdi. Hamma bundan ajablanib, uzukni yo’qoldiga chiqarishibdi.

Ibn Sino tilga kirganida, birinchi aytgan gapi shu bo’libdi:

- Sizlar o’sha vaqtda kanizakni nohaq urgan edinglar. Onam meni cho’miltirayotganida, uzuk ham suv bilan birga kir o’raga tushib ketgan, mening tilim chiqmaganidan sizlarga aytolmagan edim. Kanizakni urganlaringda yig’lab, to’xtaganlaringda yig’idan to’xtaganimning sababi shu edi.

Shundan keyin o’rani kavlashgan ekan, uzuk topilibdi.

Bu voqeani eshitgan-bilganlar Ibn Sinoning zehniga qoyil qolishgan ekan (118 so’z).

(“Olisdagi yulduzlar” kitobidan).

Jannat qushi

Men bir joyda o'tirolmayman. Shoxdan shoxga, daraxtdan daraxtga sakrab uchib yurishni yaxshi ko'raman. Faqat issiq paytlardagina soya joyda dam olaman. Meni «chet-chet» degan ovozimdan tanib olishingiz oson. Chotqol tizmalarida, Toshkent viloyatidagi Xumson, Oqtosh, Burchmulla atroflarida yashayman. Namangan tog'larida, Farg'ona vodiysida ham meni uchratishingiz mumkin. Bahorning aprel, may oylarida O'zbekistonga uchib kelaman. Avgustning oxirlari - sentabrning boshlarida qishlash uchun Hindiztonga uchib ketaman. Uchratgan bolsangiz kerak, juda chiroyli qushman. 4 tadan 5 tagacha tuxum qo'yaman va bola ochaman. Shuning uchun bo'lsa kerak, odamlar meni ovlashga ishqiboz.

Mening yosh do'stlarim! O'zbekiston bog'laridan ketishimga yo'l qo'ymang. Menga g'amxo'rlik qiling! (96 so'z)

Qulupnay

Qulupnay – ra'noguldoshlarga mansub ko'p yillik o'simlik. O'simlik qisqa ildizpoyali, popuk ildizchalariga ega. Barglari uch yaproqchaga bo'lingan bo'lib, uzun bandiga o'rnashgan. Ko'p yillik o'simlik poyachalarida mayda barglari va yerda yoyilib o'sishi uchun xizmat qiladigan bachki poyachalari ham bo'ladi. Yer bag'irlab yotgan poyachalarning bo'g'imlaridan yangi novdalar va ildizlar o'sib chiqadi. Mevasi may-iyun oylarida pishadi. Qulupnayning mevasi naviga qarab 3-80 g gacha bo'lishi mumkin.

Qulupnayning katta mevali navlari Amerika qit'asidagi Chili hamda Virjiniya navlari – turlaridan tabiiy chatishish natijasida hosil bo'lgan deb taxmin qilinadi. Qulupnay dastlab Gollandiyadan 1720- yilda keltirildi va tezda butun Yevropa mamlakatlariga tarqaldi. Rossiyada XVIII asrning oxirlaridan yetishtirila boshlandi.

Qulupnay mevalari oziq-ovqat mahsuloti, totli rezavor bo'lishi bilan bir qatorda xastaliklarni davolashda ham foydalaniladi.

Xalq tabobatida qulupnay mevalari terlatuvchi, bezgak xurujiga qarshi omil sifatida tavsiya etiladi. Shuningdek, buyrak kasalliklarida, buyrakda tosh bo'lganida, jigar kasalliklarida, o't yo'lining yallig'lanishida, taloq kasalligida, oshqozon-ichak yo’lining yallig'lanishi bilan bog'liq kasalliklarda iste'mol qilish lozim ko'riladi.

Tabiblarning fikriga qaraganda, qulupnay buyrakdagi toshlarni yemirish qobiliyatiga ega bo'lish bilan birga, tanada tosh hosil bo'lishiga yo'l qo'ymaydigan tabiiy omillardan hisoblanadi.

Qulupnay mevalaridan turli shirinliklar: murabbo, sharbat, orombaxsh ichimliklar tayyorlanadi, qandolatchilikda keng ishlatiladi (176 so'z).

(M.Nabiyev. “Sabzavot, rezavor mevalar, ziravorlar hosiyati” kitobidan)

Yaxshidan bog' qoladi

Ko'klam kunlarining birida Sulton Husayn saroyda yolg'iz o'tiraverib zerikib ketibdi-da, ancha vaqtdan beri Mir Alisherdan darak bo'lmadi, borib holidan habar olib kelay, deb do'sti yashaydigan mahallaga yo'l olibdi.

Borib qarasa, Mir Alisher yeng shimarib, bog'ida ishlayotgam emish. Buni ko'rgan Sulton Husayn otidan tushib, do'sti bilan so'rashgach:

- Hormang, do'stim! Nega shoirlar majlisida ko'rinmay qoldingiz desam, bog'bonlikni pesha qilibsiz-da! – debdi.

Mir Alisher ham belbog'i bilan peshonasidagi terini artar ekan:

- Ko'klam kelsa, ko'chat ek, degan ekan mashoyixlar. Shu bog'dagi qurigan olmalarni qo'porib tashlab, o'rniga 3-4 tup yong'oq ekyapman,- deb javob beribdi.

- Ey do'stim-ey, qarigan chog'ingizda bog' qilishning sizga nima keragi bor, axir? Siz bilan men yoshimizni yashab, oshimizni oshab bo’lgan bo’lsak, bu yong’oqlaringiz qachon hosilga kiradi-yu, siz qachon mevasidan yeysiz? Umringizning oxirida mana shu bog’dagi mevalarning boriga qanoat qilib, soya-salqinda tinchgina g’azal bitib o’tiravermaysizmi?

- Do’stim, yaxshidan bog’ qoladi, degan naqlni eshitganmisiz? Men bu ko’chatlarni o’zim uchun emas, mana shu mahallamiz ko’chalarini changitib yurgan bolalar, balkim ularning bolalari uchun ekyapman. Bir kun kelib, balkim ularning har biri azim daraxt bo’lib hosil bera boshlasa, odamlar uning mevasidan tatib ko’rishganda, “Bu bog’ Alisherdan qolgan!” - deyishsa, shuning o'zi menga har qanday ne'matdan lazzatliroqdur, - deb javob beribdi.

Bu gaplarni eshitgan Sulton Husayn Mir Alisherning saxovatiga qoyil qolib, unga bir hamyon to'la tilla chiqarib beribdi. Mir Alisher tillaga qarab turib:

- Ana ko'rdingizmi, do'stim! Ekayotgan ko'chatlarim hozirdanoq hosil bera boshladi, - deya kulib qo'yibdi.

Sulton Husayn Mir Alisherning hozirjavobligiga yana bir bor qoyil qolgan ekan (238 so'z).

(“El desa Navoiyni” kitobidan)

Suv

M.Zokirov

Suv tabiatning bebaho ehsonidir. Uning o'ziga xos xususiyatlari ko'p. Shulardan biri, suvning o'z-o'zini tozalashi bo'lib, bu qiyosi yo'q tabiiy xossadir. Lekin hamma narsaning ham chegarasi bo'lganidek, suvning bu xossasining ham chegarasi yo'q emas.

Yer yuzida aholi soni tinimsiz o'sib bormoqda, turli zavodlar, korxonalar ko'plab qurilmoqda. Ularning kundalik faoliyati suvga salbiy ta'sir ko'rsatib, uni zaharlamoqda. Bir paytlar shahardagi barcha oqar suvlarni ichish, ularda tandirdan uzilgan yangi uzilgan issiq nonni oqizoq qilib yeyish mumkin edi.

Hozir-chi? Hozir bunday qilib bo'lmaydi. Shuning uchun bo'lsa kerak, keyingi yillar davomida, olimlarning fikricha, suvlarni ifloslanishdan saqlash va iflos bo'lganlarini tozalashning yangidan-yangi usullarini o'ylab topish bilan ish bitmaydi. Qolaversa, uni o'ta darajada tozalab yuborish ham zarar, bunda suvdagi foydali moddalar qirilib ketishi mumkin va bu ahvol kutilmagan ijobiy natijalarga erishishga qarshilik qiladi. Suvning sifati undagi tirik organizmlar miqdoriga ham bog'liq. Ular suv tarkibiga doimo ijobiy va muhim ta'sir ko'rsatadilar. O'simliklar dunyosi karbon gazini yutib, insonlarga kislorod chiqarib berganidek, suv ko'katlari (suv organizmlari) suvdagi o'zga qo'shimchalarni yutadi va suvlarni toza bo'lishiga yordam ko'rsatadi (164 so'z).

JIYDA

Jiyda - tez o’sadigan serhosil daraxt. Jiyda daraxti jiyda gullilar oilasidandir.

Jiyda Amudaryo va Sirdaryo bo'ylaridagi to'qaylarda ko'plab o'sadi. Dalalarimizda, bog'larimizda, yirik-yirik shirali non jiydalar, qandak jiydalar ko'p. Sermeva, mayda, shirasi kamroq xashaki jiydalar ham bor.

Jiyda bahorda xushbo'y sariq, pushti gulkosalarini yozib, yoqimli hid taratadi. Ko'p hasharotlarni, asalarilarni o'ziga tortadi. Jiydaning mevasi yoz bo'yi o'sadi va kuzga borib sarg'ayib, qizarib pishadi.

Jiyda mevasini yig'ishda shox-shabbalarni, kurtaklarni nobud qilmaslik lozim. Aks holda kelgusi yil hosiliga zarar yetadi.

Jiyda - foydali meva, uni odamlar juda qadim zamonlardan buyon iste'mol qilib kelganlar. Jiydaning tarkibida tana uchun zarur qand moddasi juda ko'p.

Qurama, Chotqol, Nurota, Hisor, Zarafshon tog'larining bo'sh yotgan suvli joylarida jiydazorlar barpo etish foydalidir. Sho'r tuproqli to'qayzor joylarga ham jiyda ekib, mo'l hosil olish mumkin. Masalan, Xorazm viloyatida, Qoraqalpog'istonning zaxkash tumanlarida jiyda juda yaxshi rivojlanadi. Buxoro, Andijon viloyatlarining sug'oriladigan tumanlarida ariq bo'ylariga, yo'l yoqalariga, tomorqalarga ham jiyda daraxti eksa bo'ladi (147 so'z).

(Gazetadan)

5-маъруза.

Мавзу: ўзбек тилининг қиёсий грамматикаси бўйича умумий маълумот – 2 соат

Режа:

1. Тил оилалари ва гуруҳлари (ўзбек ва рус тиллари).
2. Қисқа қиёсий таҳлил.

Маълумки, ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, агглютинатив тил саналади. Яъни ўзбек тилида ҳар бир лексик ёки грамматик маънони ифодалаш учун алоҳида қўшимчалар мавжуд. Масалан, ўқи-ўқув-ўқувчи-ўқувчилар-ўқувчиларга ва ҳ.к. Рус тили эса ҳинд-европа тиллар оиласининг славян тиллар гуруҳига тегишли бўлиб, флектив тил ҳисобланади. Рус тилида бир қўшимча бир нечта маънони ифода этиши мумкин. Масалан, “приехала“ сўзида –а қўшимчаси женский род, бирликни англатади.

Қуйидаги жадвалда ўзбек ва рус тилларининг грамматик тизимидаги тафовутлар кўрсатилган.

ўзбек тили	Рус тили

1. Фонетик тизим: 6 та унли, 23 та ундош o’, q, g’, h;	6 та унли, 25 та ундош, ь, ъ; ы, ц, щ;
2. Сўз таркиби: форс-тожик тилидан ўзлашган олд қўшимчалар: бе-, но-, сер-, ба-; -лар қўшимчаси кўпликни ва ҳурматни билдиради	префикс, суффикс, кўплик қўшимчаси мавжуд
3. Морфология: от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл; боҚловчи, кўмакчи, юклама, ундов сўзлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар; род категорияси йўқ, вид категорияси тўла шаклланмаган;	Существительное, прилагательное, числительное, местоимение, наречие, глагол, категория состояния (знобит, моросит); союз, предлог, частица, звукоподражания, междометия, модальные слова; род ва вид категориялари мавжуд;
мураккаб сон мавжуд эмас: беш юз, эллик, икки юз;	пятьсот, пятьдесят, двести;
сифат - ўзгармас сўз туркуми; сифатнинг орттирма даражаси морфологик усулда ҳосил қилинмайди: энг кучли, Қоят бахтиёр (синтактик усул);	сифат род ва число бўйича ўзгаради, турланади; сильнейший, красивейший, крепчайший (морфологик усул); самый большой (синтактик усул)
чама сон морфологик усулда ясалади: бештача, минглаб, мингларча;	-тача қўшимчасининг маъноси приблизительно, около, где-то сўзлари ёрдамида ифодаланади;
олмошлар: кишилик, кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, ўзлик, бўлишсизлик, гумон; олмошларнинг тусланиши: менман, сизсиз; -ники қўшимчаси тегишлиликни билдиради: меники, бизники;	местоимения: личные, указательные, притяжательные, вопросительные, определительные, возвратные, отрицательные, олмошлар тусланмайди; притяжательный олмошга қисман мос келади;
феъл нисбатлари: аниқ, ўзлик, мажҳуллик, орттирма, биргалик; феъл майллари: аниқлик, буйруқ-истак, шарт;	залог: действительный, страда-тельный, возвратный; наклонения: изъявительное, сослагательное, повелительное;
кўмакчи (послелог);	предлог;
4. Синтаксис: кесим гапнинг охирида туради	 Кесим эгадан кейин туради

6-маъруза.

Мавзу: Синтаксис ва пунктуацияни ўқитишнинг муаммоли жиҳатлари. ўзбек тилида гап турлари. Гапдаги сўз тартиби - 4 соат

Режа:

1. Синтаксис грамматиканинг бир қисми сифатида.
2. Синтактик бирликлар (сўз бирикмаси, синтагма, гап).
3. Синтактик муносабатни ифодалаш воситалари.
4. Пунктуациянинг аҳамияти.

Синтаксис грамматиканинг бир қисми бўлиб, у сўз бирикмаси ва гапни текширади, унинг асоси гап ҳақидаги таълимотдир: гап қуриш, сўзларни бириктириш қоидалари, гапнинг структураси, функцияси, қўлланиши, гапларнинг ўзаро муносабати ва бошқалар.

Синтаксис тилшуносликнинг бошқа бўлимлари билан узвий боҚлиқдир. Масалан, морфологияда сўзларнинг структураси ўрганилса, синтаксисда уларнинг алоқаси,

боҚланиши, бирикиш йўллари ва воситалари текширилади; Сўз лексик бирлик сифатида лексикада ҳам ўрганилади, бироқ унинг ҳақиқий маъноси гапда аниқлашади. Шу билан бирга, гапни шакллантиришда оҳанг муҳим аҳамиятга эга, бунда синтаксиснинг фонетик тизимга боҚлиқлиги намоён бўлади.

Синтаксис атамаси, грамматика атамасининг ўзи каби, икки маънода қўлланади: тилнинг синтактик қурилиши ва тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фаннинг – грамматиканинг бир қисми.

Нутқда, гапда сўзлар маълум грамматик қоидалар асосида бир-бири билан боҚланган бўлади. Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўздан тузилиб, бир грамматик бутунлик, семантик яхлитлик ташкил қилган ҳар бир комплекс ***сўз бирикмаси*** саналади.

Гап тузилишида ***синтагма*** ҳам ажратилади. Ўар бир синтагма бир ҳаво чиқариш билан – бир нафас кучи билан айтилади, сўнг орада қисқа пауза бўлиб, бошқа синтагма бошланади. Демак, синтагма икки пауза орасидаги нутқий элементдир. У энг содда синтактик парчадир. Синтагма бир неча сўзли бўла олганидек, бир сўзли ҳам бўла олади. Синтагма тобеланиш асосида тузилади: унда бир сўз етакчи, бошқалари шунга тобе бўлади. Синтагманинг грамматик структураси аниқловчи+аниқланмиш (кенг маънода) шаклида бўлади.

Масалан, *Пахтазордан қувноқ теримчиларнинг ашулалари эшитилиб турибди* гапида *қувноқ теримчиларнинг ашулалари* синтагмасида: ашулалар – етакчи элемент: ҳоким, теримчиларнинг – тобе элемент: аниқловчи, қувноқ – тобе элемент: теримчилар сўзининг аниқловчиси; демак, теримчилар бўлаги – нисбий элемент: а) ўзидан кейинги элементга тобе: унинг аниқловчиси, б) ўзидан олдинги элементга ҳоким: унинг аниқланмиши.

Синтагмаларга бўлишнинг ўзгариши одатда грамматик ҳолатнинг ҳам, фикрнинг ҳам бошқалигини кўрсатади: бир гап, ўрнига қараб, турлича синтагмалана олади. Масалан: *Бу машиначи Каримнинг отаси* (бу ўринда керакли тиниш белгиси қўйилмай кўрсатилган, у белги қандай синтагмаланишга қараб қўйилади). 1. Бу машиначи – Каримнинг отаси (отаси – машиначи). 2. Бу – машиначи Каримнинг отаси (Каримнинг ўзи машиначи).

Синтагмадан фарқли, сўз бирикмасида икки ва ундан ортиқ сўз иштирок этади. Масалан, *Ўз қушлари жанубдан тезгина учиб келдилар* гапида шундай бирикмалар бор: ёз қушлари, жанубдан учиб келмоқ, тезгина учиб келмоқ. Сўз бирикмаси номинатив функцияни – аташ функциясини бажаради, бу жиҳатдан у гапдан кўра сўзга яқин туради.

Сўз бирикмаси, ўз таркибидаги ҳоким элементнинг қайси сўз туркумига киришига қараб, бир қанча кўринишларга эга бўлади: отли бирикма (бунда ҳоким сўз от ёки от ўрнида қўлланган сўз; тобе сўз от, сифат, сифатдош, сон, олмош, равиш, феълнинг ноаниқ шакли, тақлидлар бўлиши мумкин); феълли бирикма; равишли бирикма.

Сўз бирикмаси тузилиши жиҳатидан икки турга бўлинади: содда бирикмалар, қўшма бирикмалар.

Сўз бирикмасининг элементлари орасидаги боҚланиш – тобеланиш уч хил: мослашув, бошқарув, битишув.

Қаратқич билан қаралмиш **мослашув йўли** билан боҚланади: шахс ва сонда мослашади: боланинг дафтари, бизнинг уйимиз, мактаб ҳовлиси ва ш.к. Мослашув ҳаракат, белги ё предметнинг қайси предметга тегишли эканлигини кўрсатади.

Бошқарувда бир сўз бошқа сўзнинг талаби билан ўз шаклини ўзгартиради: тобе сўз ҳоким сўзга қараб маълум шаклни олади. Масалан: мактабга бормоқ, уйдан келмоқ. Бошқарувчилик ролини феъллар (равишдош, сифатдош, феълнинг ноаниқ шакли) бажара олганидек, баъзан сифатлар, равишлар ҳам бажаради; шунга кўра, бошқарув, асосан, иккига бўлинади:

1. Феъл бошқаруви: Каримга мукофот берилди; Бу перо пўлатдан ясалган.
2. Сифат-равиш бошқаруви: асал қанддан ширин. Отдан баланд, итдан паст (топишмоқ).

Бошқарув, асосан, ҳаракат билан объект муносабатини ифодалайди. Бошқарув воситасиз ёки воситали бўлиши мумкин.

Битишув йўли билан бириккан сўзларнинг грамматик ўзгариши бир-бирига боҚлиқ бўлмайди. Уларнинг ўзаро алоқаси тартиб ва интонация орқали ифодаланади.

Битишувчи бирикмалар:

1) равиш+феъл. Масалан: Маърузачи секин сўзлади;

2) равишдош+феъл. Масалан: Қуёш қизариб чиқди;
3) сифат (сифатловчилар: равиш, олмош, сон, сифатдош ва б.)+от (сифатланмиш). Масалан: мовий байроқ, бу бино, кўп китоб каби.

Битишувда элементларнинг ҳоким-тобелик ҳолати, асосан, тартиб орқали белгиланади (тобе элемент+ҳоким элемент). Масалан, *У тез юрди* гапидаги битишув муносабатида, одатда, тобе сўзни ҳоким сўздан ажратиб бўлмайди (орага ***у*** сўзини киритиб бўлмайди). Демак, бу битишувда тартиб бош ролни ўйнайди. Баъзан битишувда ҳам тартиб иккинчи ўринга тушиб қолиши мумкин. Масалан: *Мажлис кечқурун бўлади. Кечқурун мажлис бўлади*.

Демак, битишув муносабатида тартиб ва интонация катта роль ўйнайди. Бунда тобелик тартибдан, грамматик хусусиятдан, маънодан билиниб туради.

Гап фикр билдириш, хабар бериш вазифасини бажарадиган, турли ҳис-туйҚуларни ифодалайдиган бир сўз ёки бир неча сўзлар йиҚиндиси, нутқнинг грамматик жиҳатдан шаклланган, нисбий интонацион ҳам мазмунан тугалликка эга бўлган бирлигидир. Масалан: ***Ой. Нозик жимжитлик. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашарди (О).*** Бунда учта гап бор.

Гапдаги сўзлар бир-бири билан ўзаро боҚланган бўлади, уларнинг ҳар бири гапда бирор грамматик функцияни – гап бўлаги вазифасини бажариб келади. Гап бўлаклари иккига – **бош бўлаклар (эга, кесим) ва иккинчи даражали бўлаклар (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол)**га бўлинади.

Гаплар турли мезонлар асосида турлича таснифланади.

1. Сўзловчининг мақсадига кўра гаплар 3 хил бўлади: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап.
2. Ўис-ҳаяжоннинг мавжудлигига кўра: ҳис-ҳаяжон гап, ҳис-ҳаяжонсиз гап.
3. Тузилишига кўра: содда гап (содда гап; уюшиқ бўлаклар, кириш конструкциялар, ажратилган бўлаклар билан мураккаблашган содда гап), қўшма гап (боҚланган, эргашган, боҚловчисиз, аралаш турдаги қўшма гап).
4. Составига кўра: бир бош бўлакли (бир составли) гап, икки бош бўлакли (икки составли) гап.
5. Тўлиқлиги, ёйиқлигига кўра: тўлиқ гап, тўлиқсиз гап; йиҚиқ гап, ёйиқ гап.
6. Гапнинг субъекти бор-йўқлигига кўра: кўчирма гап, ўзлаштирма гап.

Бир составли гаплар:

- Шахси аниқ гаплар
- Шахси ноаниқ гаплар
- Шахссиз гаплар
- Атов (номинатив) гаплар

Гапдаги сўзларнинг ўзаро синтактик муносабати турли-туман воситалар орқали шаклланади.

1. Сўз ўзгартирувчи аффикслар - келишик, эгалик, шахс-сон аффикслари сўзларнинг ўзаро боҚланишида энг фаол восита ҳисобланади.

2. Ўрдамчи сўзлар (кўмакчи, боҚловчи, боҚлама).

3. Сўз тартиби – сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришувини таъминловчи воситалардан бири. Масалан, *ойдин кеча, яхши бола* каби бирикмалар таркибидаги сўзларнинг ўрни алмаштирилса, маъно бутунлай ўзгариб кетади: ойдин кеча – сифатловчили бирикма; Кеча ойдин – предикатив бирикма.

ўзбек тилида одатдаги тартибга кўра эга гап бошида, кесим гап охирида келади: Топшириқ (эга) шундай эди (кесим).

Ўйиқ содда гапда иккинчи даражали бўлаклар эга ва кесимга боҚланади. Эгага боҚланган гап бўлаклари эга составини ва кесимга боҚланган гап бўлаклари кесим составини ташкил этади: Икки нафар оқсоч аёл /судра-судра қилиб эски паранжига ўралган келинни олиб чиқдилар //(С.Н.).

Баъзан гап бўлаклари одатдаги ўринларини алмаштирадилар. Бу ҳодиса **инверсия** дейилади. Инверсия турли услубий талабларга кўра содир бўлади:

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор.
Кутгил ёмҚир зериктирганда,
Мени кутгил ёққанида қор.

(К.Симонов)

Сўз тартибининг ўзгариши грамматик ҳолатни ўзгартириши ҳам мумкин. Бунда қуйидаги ҳолат кўзга ташланади:

- Эга ва кесимнинг ўрни ўзаро алмашса, эга кесимга, кесим эса эгага айланади: Етти кун (эга) – бир ҳафта (кесим). – Бир ҳафта (эга) – етти кун (кесим).
- Сифатловчи ва сифатланмишнинг ўрни ўзаро алмашса, сифатланмиш эгага, сифатловчи кесимга, яъни сўз бирикмаси гапга айланади: Баланд тоҚ. – ТоҚ баланд.
- Қаратқич-қаралмишда белгисиз қаратқичнинг ўрни қаралмиш билан ўзаро алмашса, қаратқич эгага, қаралмиш кесимга айланади: Дала чеккаси. – Чеккаси – дала.

4. Интонация синтактик алоқанинг турини, сўз бирикмасининг хусусиятини кўрсатади: Бу китоб... Бу – китоб; Кўп қаватли/бино. Кўп/ қаватли бино.

Айрим ўринларда сўзларни боҚлаш вазифасини интонациянинг ўзигина бажаради. БоҚланиш бошқа йўл билан, масалан, аффикслар билан бўлганда, интонация ёрдамчи ролни бажаради. Қиёсланг: У келди, мен кетдим (санаш: У келди ва мен кетдим) – У келди – мен кетдим (сабаб: У келгани учун мен кетдим) – У келди – мен кетдим (Бир вақтда бажарилган ҳаракат: У келиши биланоқ мен кетдим).

Пунктуация тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тиниш белгиларининг ишлатилиш хусусиятларини ўрганади. Тиниш белгиларининг аҳамияти юқорида келтирилган мисоллардан ҳам аниқланди***: Бу – машиначи Каримнинг отаси; Бу машинча – Каримнинг отаси*** ва ҳ.к.

Пунктуацияга оид қоидалар К.Назаровнинг рисоласида тўлиқ баён этилган (адабиётлар рўйхатига қаранг).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ўзбек тили грамматикаси. 1-китоб. - Т.,1975.
2. А.ў.ўуломов, М.А.Асқарова. Ўозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: ўқитувчи, 1965.
3. Х.Абдураҳмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқулова. ўзбек тилининг амалий грамматикаси. – Т.: ўқитувчи, 1992.
4. Т.Зиёдова. ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Т.: ўқитувчи, 2001.
5. Т.Зиёдова, М.Шамсиева. Ўозирги ўзбек адабий тили услубияти. – Т., 2003.
6. Т.Зиёдова. Ўозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш. – Т.: Халқ мероси, 2002.
7. К.Назаров. ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёри. – Т.: ўқитувчи, 1990.

7-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили дарсларида фонетика ва урҚу, тўҚри талаффуҫ устида ишлаш методикаси – 4 соат

Режа:

1. Фонетик бирликлар.
2. Фонетик ўзгаришлар.
3. ТўҚри талаффузни шакллантирувчи фонетик омиллар.
4. Фонетик машқлар.

Маълумки, фонетика (грекча phone – товуш сўзидан олинган) тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрганувчи бўлимидир. Фонетика товушларнинг ҳосил бўлиши, талаффузи, талаффуз ва ёзувнинг ўзаро муносабати, шунингдек, бўҚин ва урҚунинг хусусиятлари каби ҳодисаларни ўрганади.

ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар кўп товушларни талаффуз қилишда қийналадилар. Бу ҳолат юқорида кўрганимиздек, тилларнинг фонетик тизимлари ўртасидаги фарқ билан изоҳланади. Айниқса, русийзабон ўқувчилар о-у-ў-и товушлари билан фарқланадиган сўзларни тўҚри талаффуз қилиш ёки тинглаганда тушунишда мураккабликка дуч келадилар. Фонетикани ўрганишда энг муҳим масалалардан бири имлодир. Шунинг учун унли ва ундош товушлар (ҳарфлар) ҳақида гап борар экан, асосий эътиборни имло масалаларига қаратишга тўҚри келади. Бунда *а, и, у, ў* ҳарфлари иштирок этган сўзларни матндан ажратиш, уларнинг талаффуз хусусиятларини шарҳлаш: у-ў, и-у, а-и ва ҳ.к. жуфтлар билан фарқланувчи сўзлар топиш ва уларни изоҳлаш; биринчи бўҚинда *у,ў,* иккинчи бўҚинда *у* ёки *и* келган сўзлар талаффузи, имлоси ва маъноси устида ишлаш (уруш-уриш, тушум-тушим каби); и-у товушлари тушиб қоладиган сўзлар рўйхатини тузиш; қ,Қ,ҳ,х товушлари ва к,г,й товушлари билан ёнма-ён келган а, и, у, ў товушларининг талаффуз хусусиятлари, и, у товушларининг ўта қисқа ва аниқ талаффузи устида ишлаш; матндан о,э товушлари иштирок этган сўзларни ажратиш ва товуш ҳамда ҳарф орасидаги муносабатларни изоҳлаш; о-а билан фарқланувчи сўз жуфтлари (ана - она, ата – ота) танлаш, улар иштирокида гаплар тузиш, и, э, (е) билан фарқланувчи сўз жуфтлари иштирокида гаплар тузиш, в олдидан и, у га ўтадиган (ўқи - ўқув, тўқи – тўқув) сўзлар рўйхатини тузиш фойдалидир.

Фонетик ўзгаришлар.

Ўзма нутқ билан оҚзаки нутқ ўртасида катта фарқ бор. Ўзма нутқ муайян имло қоидаларига бўйсундирилган, аммо жонли нутқ қандай бўлса, шундайлигича ёзилмайди. Қуйида берилган муҳим фонетик ўзгаришларни билиш тўҚри талаффуз қоидаларини эгаллашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Товушларнинг мослашуви.

Аккомодация унли ва ундош товушларнинг ўзаро таъсирига кўра бир-бирига қисман мослашиш ҳодисасидир. Масалан *и, у,ў* унлилари тил орқа ва чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда мослашув ҳодисаси юз беради: *китоб, кийим, гилам, кулги, гўзал, қилиқ, Қилоф, қурбон, қўшиқ, хитоб* каби.

Ассимиляция сўз таркибидаги ундош товушлар бир-бирига таъсири натижасида бир товушнинг иккинчи товушни ўзига ўхшаш товушга айлантириш ҳодисасидир. Бу ўхшашлик 2 хил бўлади:

а) прогрессив ассимиляция: *етди-етти, айтди-айтти, қочди-қочти, кетяпман-кетяппан;*

б) агар кейинги товуш олдинги товушни ўзига ўхшатса, регрессив ассимилияция бўлади: *бирла-билла, тутча-тучча, йигитча-йигитча, сўзсиз-сўссиз.*

Тўлиқ ассимиляцияда бир ундош иккинчисига таъсир этиб, уни ўзига тўлиқ ўхшатиб олади: *кетди-кетти, тузсиз-туссиз, оқган-оққан* каби.

Тўлиқсиз ассимиляцияда бир товуш ёндош товушга таъсир этиб, уни ўзига тўлиқ ўхшата олмайди, фақат жарангсизлантиради ёки аксинча, жарангли ундошга айлантиради: *мазкур-маскур, кетган-кеткан, оқшом-охшом* каби.

Сингармонизм товушларнинг мослашуви, оҳангдошлиги, уйҚунлигидир. Бу ҳодиса ўзбек тили тараққиётининг қадимги туркий тил ва эски ўзбек тилига хос бўлиб, унинг хусусиятлари айрим шеваларда мавжуд. Танглай уйҚунлиги қонуниятига кўра сўз бошида тил олди унлиси келса, сўз ўртаси ва охирида ҳам тил олди унлиси келиши, яъни барча бўҚинлардаги унлилар ўзаро уйҚунлашуви, мослашуви шарт бўлган. Бу ҳол талаффузда артикуляцион қулайлик туҚдирган, товушларнинг оҳангдошлигини таъминлаган: *барамыз, кэтамыз, гуллар, қышлаҚимыз, қуллик* каби.

Товуш алмашиниши.

Одатда турли хил қўшимчалар қўшилганда содир бўлади: тара+қ – тароқ, сана+қ – саноқ, ўртоқ+им – ўртоҚим, қишлоқ+инг – қишлоҚинг ва ҳ.к.

Диссимиляция икки ўхшаш ундош товушнинг ўзаро таъсири натижасида ноўхшаш товушларга айланиб қолиш ҳодисасидир. Бу ўзгариш ассимиляциянинг аксидир: *зарар-зарал, бирорта-бironта, учта-ушта* каби. Товушларнинг ўз ҳолатидан кўчиб, ноўхшашлик ҳосил қилиши адабий талаффузга зид ҳисобланади.

Метатеза сўз таркибидаги ундошларнинг ўзаро ўрин алмашиниши ҳодисасидир. Бу, асосан, жонли нутққа хос бўлиб, талаффуз ва имло қоидаларига мос келмайди: *супра-сурпа, аҳвол-авҳол, дунё-дуйно, лаънат-наълат* каби.

Спирантизация сўз таркибидаги портловчи товушнинг талаффузда сирҚалувчи товушга ўтишидир. Бунинг натижасида талаффуз билан сўзнинг имлоси ўртасида катта фарқ пайдо бўлади: *кабоб-кавоб, мақтамоқ-махтамоқ, мактаб-маҳтаб, юборди-юворди* каби.

Товуш тушиши.

Апокопа сўз охиридаги қатор келган ундошлардан бирининг талаффузда тушириб қолдирилишидир: *паст-пас, хурсанд-хурсан, рост-рос, артист-артис* каби.

Синкопа сўз ўртасида урҚусиз бўҚиндаги унли товушнинг тушиб қолиш ҳодисасидир: *билан-блан, хина-хна, нима-нма; оҚиз-оҚзи, икки+ов-икков, ўҚил-ўҚли* каби.

Элизия икки сўз қўшилиши натижасида бир ёки бир нечта унли товушнинг тушиб қолиш ҳодисасидир. ОҚзаки нутқда ихчамликка интилиш натижасида сўзнинг қисқарган шакли юзага келади: *айта олади-айтолади, ёзган экан-ёзганакан, ака-ука-акука, Абдусалом-Абсалом* каби.

Товуш орттирилиши.

Протеза сўз бошида битта унлининг орттирилиши ҳодисасидир. Бу, асосан, ўзлашган сўзлар талаффузида учрайди: *стакан-истакан, русча-ўрисча, штраф-иштароп, рўмол-ўрамол* каби.

Эпентеза оҚзаки нутқда икки ундош ўртасига айрим унлиларнинг қўшиб айтилишидир: *ақл-ақил, ҳукм-ҳукум, арслон-арислон, кроват-каравот; раис-райис, Тоир-Тойир, шоир-шойир* каби.

Эпитеза сўз охирида қатор келган ундошлардан сўнг бир унли қўшиб талаффуз қилинишидир: *диск-диска, пропуск-пропуска, бланк-бланка, киоск-киоска, банк-банка, танк-танка, хуллас-хулласи* каби.

Товушларнинг кучсизланиши.

1. **Редукция** сўз таркибидаги, одатда, урҚусиз бўҚиндаги унлининг кучсизланиб талаффуз қилинишидир: *пишиқ-пъшиқ, билак-бълак, қилиқ-қълиқ, саримсоқ-саръмсоқ* каби.
2. Сўз охирида жарангли ундошнинг жарангсизланиши: *озод-озот, мактаб-мактап, барг-барк, бож-боч, пассив-пассиф* каби.
3. Сўз охирида портловчи ундошнинг сирҚалувчи товушга ўтиши ўзбек тилида қ ундошининг Қ тарзида талаффуз қилинишида кўринади: *қишлоқ-қишлоҚ, тароқ-тароҚ, тошлоқ-тошлоҚ* каби.

Нутқ ўзаро фикр алмашув жараёнида кишиларнинг тил воситаларидан фойдаланиш фаолиятидан иборат. Инсон нутқини шакллантирувчи фонетик воситалар қаторида товушдан ташқари, бўҚин, урҚу, интонация муҳим ўрин тутади.

Товушлар ўзаро бирикиб бўҚинларни ҳосил қилса, бўҚинлар қўшилиб, сўзларни вужудга келтиради. Бир неча сўзлар оҳанг жиҳатдан бирлашиб такт (синтагма)ни, мазмунан ва интонацион тугалликни иофдаловчи фонетик бўлаклар эса фраза (гап)ларни ҳосил қилади. Кўринадики, нутқ оҳанг ва интонация жиҳатидан ўзига хос нутқ оқимидан, яъни турли оҳанглар занжиридан таркиб топади.

Нутқ оқими кичик ва катта фонетик бўлакларга бўлинади. Товуш-бўҚин-сўз-синтагма-гап.

Нутқдаги бирор бўлакнинг бошқаларига нисбатан кучлироқ овоз билан айтилиши **урҚу** ҳодисасидир. Маълумки, урҚу тўҚри талаффузни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. УрҚу нутқнинг қайси бўлагига тушишига кўра икки турга бўлинади: сўз урҚуси ва мантиқий урҚу.

Сўз урҚуси сўздаги унли товушга тушади. ўзбек тилида урҚу деярли ҳар доим охирги бўҚинга тушади. Масалан, ўқи–ўқувчи–ўқувчилар–ўқувчиларни–ўқувчиларникига ва ҳ.к.

Аммо ўзбек тилида урҚу охирги бўҚинга тушмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Булар қуйидагилардир:

- араб ва тожик тилидан ўзлашган айрим равишларда: асло, доим, янги, ҳамиша;
- модал сўзларда: зеро, афсуски, албатта;
- баъзи ёрдамчи сўзларда: аммо, лекин, чунки, гарчи;

- олмошларда: барча, баъзи, ҳамма, қайси, қанча, қандай, кимдир, аллаким, ҳар қачон, ҳеч нима;
- феълнинг буйруқ шаклларида: келсин, кулдир, бошла, тегма;
- баъзи қўшимчалар ва юкламалар ҳам урҚу олмайди: бешта, ўнтача, борарман, ўқувчимиз, қушдек, келма, улар-чи, берасизми?

Баъзи сўзларда (омофонларда) урҚу маъно фарқлашга хизмат қилади: олма-олма, сана-сана, босма-босма, кераксиз-кераксиз ва ш.к.

ўзбек тилига ўзлашган русча сўзларда урҚу маъно фарқловчи хусусиятга эга. Бундай сўзларда урҚу биринчи бўҚинга тушса от, иккинчи бўҚинга тушса сифатга айланади: химик-химик, физик-физик, академик-академик, техник-техник ва ҳ.к.

Мантиқий урҚу гапдаги фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган сўзнинг кучли талаффуз қилинишидир. Бунда сўзловчи гап ичидаги баъзи сўзларнинг маъносини янада таъкидлаб, кучайтириб кўрсатиш учун бошқа сўзларга нисбатан кучлироқ оҳанг билан талаффуз қилади. Кўпинча мантиқий урҚу тушадиган сўз гап охирида, кесимдан олдин келади. Масалан:

Эртага мен театрга бораман.
Эртага мен театрга бораман.
Эртага театрга мен бораман.
Мен театрга эртага бораман.

ОҚзаки нутқнинг ўзига хос ифодали воситаларидан бири **интонация**дир. У нутқнинг ифодалилигини таъминловчи кўпгина фонетик омилларга боҚлиқ. Буларга **урҚу, пауза, темп, ритм, тембр** киради. Паузанинг грамматик, мантиқий ва психологик турлари фарқланади.

Бундан ташқари, бадиий нутқнинг ифодалилигига эришишда ***ассонанс*** (бир хил унли товушларнинг такрорланиши) ва ***аллитерация*** (бир хил ундош товушларнинг нисбатан бир маромда такрорланиши)нинг аҳамияти катта.

Талаффуз меъёрларини пухта эгаллашни таъминлаш мақсадида қуйидаги амалий ишлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

1. Фонетик машқни бажаринг. Талаффуздан товушларни фарқлашни ўрганинг:

У-ў: ун-ўн, ул-ўл,ур-ўр, ук-ўқ,бур-бўр, тур-тўр, сур-сўр, қур-қўр, юл-йўл, юқ-йўқ, қул-қўл;
У-и: бур-бир, сур-сир, тур-тир;
У-о: бур-бор, тур-тор, қур-қор;
И-э: бир-бер, тир-тер, ит-эт;

бод – бот;	сўр – сур;
буд – бут;	бур – бўр – бор - бер – бир;
санъат – санат;	кўр – кор – кир;
суръат – сурат;	зор – зўр;
даъво – даво;	от – ўт;
таъна – тана;	тур-тўр-тор-тир;
саъва – сава;	
шеър – шер;	
кор – қор – Қор;	

Фонетика бўлимини ўрганишда товушдош сўзлар иштирокида гаплар ва матнлар тузиш, товушдош сўзлар иштирок этган гапларни ўзаро таққослаш болаларда катта қизиқиш уйҚотади. Бу турдаги ишларни бир неча босқичда олиб бориш маъқул. Дастлаб товушдош сўзлар сираси тузилади. Чунончи, тил-дил, фил-зил, йил-қил (от), бил, қил (феъл) каби сўзлар қатори танлангач, болаларга маъноси мураккаб бўлган сўзлар тушунтирилади. Товушдош сўзлар иштирокида гап тузиш жараёнида ўқувчилар гап қурилиши, гапнинг охирида ишлатиладиган тиниш белгилари бўйича ўз билимларини мукаммаллаштирадилар.

Сўз охирида жарангли ундошлар келганда талаффузда уларнинг жарангсизланиши баъзан турли хил ёзиладиган, лекин бир хил талаффуз этиладиган сўзлар (омофонлар)ни юзага келтиради. Уларни ўзаро фарқлашнинг энг қулай усули ҳар бир сўзга маънодошлари (синонимлари) ёки уядошларини топишдир. Чунончи:

2. *Талаффузи яқин сўзларни қуйидагича шарҳланг:*

Тиб	**тип**	**боб**	**боп**	**сарв**
ҳаким	қаҳрамон	бўлим	мос	дарахт
табиб	шахс	қисм	ярашиқли	ёҚоч
врач	персонаж			
медик	образ			

бод	**бот**	**зот**
касаллик	тез	насаб
ревматизм	зудликда	асл
		шажара

3. *Берилган сўзларнинг маъносини изоҳланг. Бунда имлонинг тутган ўрнини тушунтиринг:* шоҳ-шох, ҳол–хол, хуш-ҳуш, тузсиз-туссиз, ёд-ёт, хўб-хўп, саф-соф, соф-соп, бот-бод, ҳам-хам, ёҚду-ёҚди, жудо-жуда, ёндош-ёндаш, аҳил-аҳл, саҳна-саҳни, раҳм-раҳим, асл-асил, чинни-чини, сийлаш-силаш, ювунди-ювинди; қаттиқ-қатиқ, эссиз-эсиз, тилла-тила, йўллади-йўлади, тил-тили-тиллик, ноннинг-нонинг, силла-сила, эллар-элар, медалли-медали, ушшоқ-ушоқ.
4. *Қуйидаги сўзларни дафтарингизга ёзинг ва имлосини эслаб қолинг:* ақл, арз, афт, баҳс, бокс, базм, байт, вазн, ваҳм, гипс, глобус, дафн, жазм, жалб, жанр, жаҳл, жипс, жуфт, илм, ирқ, зеҳн, зулм, кафт, каср, кекс, касб, кибр, майл, меҳр, машқ, литр, лифт, наср, нақш, сабр, метр, умр, ҳарф, ҳусн; мих, хина, хирмон, қизиқ, Қишт, биқин, қиз, қир.
5. *Сўзларни тўҚри талаффуз қилинг:* ака, мана, олам, катта, калла, салла, гала; қанд, қарз, Қализ, Қараз, хат, хамир; қалам, маъқул, машина, март; манфаат, матбаа, мутолаа, мудофаа, мурожаат, таажжуб, таассурот; фаолият, фаол, маориф, жамоа, соат, итоат, қироат, бадиий, шоир, иншоот, мажмуа, мемуар, воқеа, доимо, доимий, диалог, мушоира.
6. *Тез айтишлар:*
   Гулнор гузардаги гулзордан гул узди.
   Кафтдек тепа, кафтдек тепа устида кемадек капа.
   Оқ кўйлакка кўк тугма, кўк кўйлакка оқ тугма.
   Шокир шамолда шолини шариллатиб шопиряпти.
   Қишда кишмиш пишмасмиш, кишмиш еган кишининг тиши қамашмасмиш.
   Хаскаш хашакни ҳаш-паш дегунча хаскашлайди.
   Сижжакдаги Қижжакчи жийдадан Қижжак ясармиш.
   Жажжи жиблажибон жажжи Жўра билан жўра, жажжи Жўра жажжи жиблажибон билан жўра.
   Бир чала чайла, бир чала чайла ёнида неча-неча чала чайла.
   Занг босганга ранг юқмас, ранг юққанни занг босмас.
   Тубсиз денгиз дедингизми, денгиз тенгсиз дедингизми?
7. *Қуйидаги сўзлар талаффузида учрайдиган товуш алмашиниши ҳодисаларини тавсифланг:* зарур, дарё, чиқди, коридор, бебош, тўҚрамоқ, тупроқ, кейин, тўқсон, зарари йўқ, мана бу, ана бу, доктор, бўйра, тебратмоқ, айланмоқ, ёмҚир, девор.
8. *Сўзлашув нутқига хос қисқарган сўз ва сўз шаклларини адабий талаффуз маромига мувофиқ талаффуз қилинг. Улар иштирокида гаплар тузинг*: фарзан, ўтирарканмиш, забардас, кепқолинг, ўзми, боллари, дўс, улаям, броқ, отона, жабр-стам, Холидапа, айтворинг.
9. *Қуйидаги гапнинг ҳар бир сўзига алоҳида-алоҳида мантиқий урҚу бериб ўқинг:* Бугун мен Салима билан учрашаман.

Шундай қилиб, фонетикани ўрганишда эътибор фақат ўзбек тилининг товуш тизимини ўрганишга эмас, балки ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, сўздан нутқда тўҚри ва ўринли фойдаланиш, талаффуз меъёрларини мукаммал эгаллаш, шеърий асарларни ифодали ўқишни ўрганишга қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Х.Абдураҳмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқулова. ўзбек тилининг амалий грамматикаси. – Т.: ўқитувчи, 1992.
2. М.Юсупова. Диктантлар тўплами. – Т.: ўқитувчи, 2001.

8-маъруза.

Мавзу: ЛуҚат бойлиги. ўзбек тилининг бойиш манбалари. Таржима билан боҚлиқ муаммолар – 4 соат

Режа:

1. ўзбек тили луҚати таркиби.
2. Сўз ва унинг маъносини ўрганиш усуллари.
3. Таққослаш – билишнинг асоси.
4. Сўз маъносининг ўзгариши. Иборалар.
5. Лексик хатоларнинг келиб чиқиш сабаблари.
6. Амалий ишлар намунаси.

Ўар бир тил ҳажми луҚат бойлиги билан ўлчанади. Жамият тараққий этган сари луҚат бойлиги ҳам ортиб боради. Тилшуносликнинг лексикология бўлими тилнинг сўз бойлиги, сўзларнинг пайдо бўлиши (этимологияси), маъноси ва маъно тараққиёти, шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, эскирган ва янги сўзлар каби масалаларни ўрганади. Шунинг учун сўзлар шу тилда гаплашувчи халқнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи билан чамбарчас боҚлиқ. ўзбек тилининг луҚат таркиби қуйидаги сўзлардан иборат:

- умумхалқ ишлатиладиган сўзлар,
- шевага хос сўзлар,
- касб-ҳунарга оид сўзлар,
- атамалар,
- эскирган сўзлар,
- янги сўзлар,
- иборалар,
- ўзлашган сўзлар.

ўрта мактабларда ўзбек тили машҚулотлари тил имкониятларидан фойдаланиш йўлларини биладиган шахсларни етиштиришга қаратилган бўлиши керак. Дарс самарадорлигини белгиловчи бош меъёр ҳам тилнинг ўқувчи фаолиятидаги ижодий татбиҚи бўлиши зарур.

Амалий ишлар тилнинг грамматик қурилишини ўрганишда ҳам, ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва сўздан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш малакаларини шакллантиришда ҳам, фикрни нутқ шароитидан келиб чиқиб, мақсадга мувофиқ тарзда баён қилишга одатлантиришда ҳам қўл келади.

ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар сўзнинг лексик ва грамматик маъносини тўҚри англасаларгина ундан ўринли фойдалана оладилар. Шу ўринда лексиканинг маъносини тушунтириш усулларини санаб ўтиш жоиз:

- изоҳлаш, яъни номаълум сўзнинг маъносини ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, изоҳли луҚатлардан фойдаланиб тушунтириш; гап тузиш;
- синонимлар келтириш;
- антонимлар келтириш;
- имитация, яъни қўл ҳаракати ёки имо-ишора орқали кўрсатиш;
- ўқувчининг она тилига таржима қилиш.

ўзбек тили машҚулотларида энг кўп қўлланиладиган амалий ижодий ишлардан бири тил ҳодисалари, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар ва матнларни бир-бирига таққослашга оид топшириқлардир.

Таққослаш – билишнинг асоси. Тилдаги кўпгина ҳодисаларни фақат таққослаш йўли билангина билиб олиш мумкин. У, айниқса, тил ҳодисалари орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни билиб олиш имконини беради.

ўзбек тили машҚулотларида сўз ва унинг маъноларини ўрганиш мақсадида ҳам таққослаш усулига асосланган амалий ижодий ишлардан унумли фойдаланса бўлади. Масалан, ўқувчиларга *тиб-тип, боб-боп, бод-бот* типидаги пароним сўзларни бериб, ўларнинг ҳар қайсисига уядошлар топиш ва таққослаш орқали маъно нозиклигини аниқлаш топширилади (**тиб** - ҳаким, табиб, врач, медик; **тип** – қаҳрамон, шахс, персонаж, тимсол каби).

Шуни айтиш керакки, ҳар бир тил фақат янги сўзлар ҳисобига эмас, шунингдек, мавжуд сўзлар маъноларининг ўсиши ҳисобига ҳам бойиб боради. Бир предмет, белги, ҳаракат-ҳолат номининг бошқа бир предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга ном бўлиб кўчиши ёки лексик маъно ҳажмининг ўзгариши сўз маъносининг тараққиётига олиб келади.

Сўзларда маъно тараққиёти 1) маъно кўчиши; 2) маънонинг кенгайиши; 3) маъно торайиши тарзида рўй беради.

Сўзларда маъно кўчиши *метафора, функциядошлик, метонимия, синекдоха* каби ҳодисаларни ўз ичига олади.

Метафора (юнонча metaphora – кўчирма) нисбий ўхшашликка эга икки предметдан бирининг номи билан иккинчисини ҳам аташ ҳодисасидир. Масалан: ёқа – кўйлакнинг ёқаси, дарёнинг ёқаси; этак – кўйлакнинг этаги, тоҚнинг этаги.

Метонимия (юнонча metanymia – қайта номлаш) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боҚлиқлиги асосида бир предмет номи билан иккинчисини ифода этишдир. Бунда икки предмет ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик бўлмайди, фақат боҚланиш мавжуд. Масалан:

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Сўнгра қўйиб олдим **Ўофизни.**
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч
ЙиҚлаб турган бир черкас қизни.
(Ўамид Олимжон)

Синекдоха (юнонча sinekdoche – бирга англамоқ, қўшиб фаҳмламоқ) қисмнинг номи билан бутунни ёки бутуннинг номи билан қисмни аташ ҳодисасидир. Масалан, бош ёки туёқ сўзларининг қорамол, қўй-эчки маъносида, тирноқ сўзининг фарзанд маъносида қўлланиши синекдоха ҳодисасига киради.

Маънонинг функциядошлик жиҳатидан кўчиши маълум бир предметнинг вазифасини иккинчи бир предмет бажариши натижасида аввалгисининг номи кейингисини ифодалаш учун қўлланишидир. Масалан, ўқ сўзи камон (ёй) билан отиладиган қуролни ифодалаган. Милтиқ, замбарак ихтиро этилгач, улардан отиладиган қурол ҳам ўқ номини олди. Бу вазифаси жиҳатдан ўзаро ўхшашлик туфайли юз берди.

Маънонинг кенгайишида бир маъно асосида янги (ясама) маъно ҳосил бўлмайди, фақат мавжуд лексик маънонинг ҳажми кенгаяди: нотиқ (касб маъносида) – нотиқ (нутқ сўзлаган киши, маърузачи маъносида); ойлик (бир ой – 30 кун маъносида) – ойлик (бир ойда олинадиган маош, пул маъносида) каби. Ампер, Маузер, Ризамат каби атоқли отларнинг турдош от (ампер – ток ўлчови бирлиги, маузер – пистолет тури, ризамат – узум нави)га ўтиши ҳам маъно кенгайиши ҳисобланади.


Маънонинг торайишида сўзнинг илгари англатган маънолари ҳажми тораяди. Маслан, пўлат, ўлмас каби турдош отларнинг атоқли отга айланиши, мард, номард, яхши, таниш, бегона каби сифатларнинг отлашиши.

МашҚулотлар давомида сўзнинг ўз ва кўчма маъноси, маънодош (синоним) сўзлар, қарама-қарши маъноли (антоним) сўзлар, шаклдош (омоним) сўзлар, талаффузи яқин, маъноси фарқ қилувчи (пароним) сўзлар, тарихий сўзлар, янги ва эскирган сўзлар, касб-ҳунарга оид сўзлар, шевага оид сўзлар, атамалар, олинма сўзлар, ибора ва тасвирий ифодаларга оид материаллардан фойдаланишни мақсадга мувофиқдир.


Сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини билиш нутқ учун муҳим аҳамият касб этади. Бу мавзу юзасидан ўқувчилар амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилишлари учун кўпроқ матнда ажратилган сўзларнинг маъно хусусиятлари устида ишлашлари, сўзлар англатган маънонинг воқеликка (нарса-буюмларга) муносабатини аниқлашлари, сўзнинг кўчма маъноси билан сўз бирикмалари ҳосил қилишлари самаралидир. Шунинг учун сўзнинг ўз ва кўчма маъноси ҳамда уларнинг муносабати бевосита услубият билан алоқадор ҳолда

изоҳланиши шарт. Масалан, “Ўовлимизда бир неча хил **гул** бор. Уларни бобом ўтқазган...“ ва “Бу ҳовлида бир **гул** бор. Унинг исми Саодат...“ Бунда болаларнинг диққатини сўзларнинг уядошлари билан алмаштириш қандай натижа беришига қаратиш уларнинг мушоҳадасини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон беради. Чунончи:

1. Ўовлида ҳар хил ~~дарахт~~ кўчат бор. гул



2. Ўовлида бир ~~қиз~~ гул фарзанд бор.



ЛуҚат (сўз бойлиги) устида ишлаш бирор мавзу ёки дарснинг бирор босқичи билан чегараланмаслиги лозим. Сўзларнинг маъносини изоҳлаш, маълум бир сўзни унинг уядошлари, маънодошлари ва қарама-қарши маъноси билан алмаштириш, сўзларни гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳни мустақил давом эттириш, маълум бир сўзлар луҚатини тузиш (масалан, ҳаракат – юриш феъллари, натижали фаолият феъллари, нутқ феъллари, ҳолат феъллари луҚатини тузиш) каби топшириқлардан фойдаланиш яхши самара беради.

ў³óâ÷èёàрга қарама-қарши маъноли сўзлар, шаклдош сўзлар, талаффузи яқин сўзлар, иборалар ёки олинма сўзларнинг маъносини тўҚри талқин қилишни ўргатишда ҳам ушбу сўзларнинг матнда қўлланилишини кўрсатиш лозим. Чунки ҳар бир лексеманинг маъноси (семантикаси) кўпинча контекстда, яъни матнда аниқлашади. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар, грамматик воситалар ҳам матнда изоҳланади. Масалан, **-лар** кўплик қўшимчаси киши отларига қўшилганда бир маънони англатса (Аҳмадлар – Аҳмад ва унинг оиласи), жой номларига қўшилса, бутунлай бошқа маъно касб этади (Столга ҳар хил сувлар қўйилган эди – турли хил сув ёки сувли идишлар; Унларни сараладилар – уннинг турлари, хиллари назарда тутиляпти; Сувлар оқди – даврлар ўтди – кучайтириш маъносида қўлланилмоқда). Бу хил маънолар, асосан, сўзлар ифодалаган луҚавий маънолар билан боҚлиқ. Шунинг учун қўшимчаларнинг маънолари сўз маънолари билан биргаликда олингандагина шарҳланиши мумкин.

Атамалар ҳақида фикр юритилаётганда “Тилшунослик фани“ мавзуидаги матндан тилшунослик фанига оид сўзларни ажратиш ва уларнинг маъносини изоҳлашни топшириш мумкин. ўзбек тилида араб ва тожик тилларидан олинган сўзлар хусусида гап борар экан, “Тилларнинг бойиши“ мавзуида олдиндан тайёрланган матнни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиб, уни таҳлил қилишни топшириш мумкин. Хусусан, тил ва ёзув тарихига оид матнлар ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйҚотади. Матнлар Марказий Осиёнинг Маҳмуд КошҚарий, Маҳмуд Замаҳшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк алломалари асарларидан танланса ҳам бўлади. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг асаридан олинган қуйидаги парчадан фойдаланиш мумкин: “Тил – сўзловчи истагини тингловчига етказувчи таржимон. Агар инсоннинг сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол сингари ёйилувчи бўлмаганда эди ва замонлардан замонларга нафас сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замонларнинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди?“

ўзбек тили луҚат таркиби жиҳатидан жуда бой ва ранг-барангдир. Тилимизда мустақил лексик маънога эга алоҳида сўзлардан ташқари, маъно жиҳатидан шундай сўзга тенг, аммо икки ва ундан ортиқ сўзнинг турҚун бирикувидан ташкил топган **фразеологик бирликлар** мавжуд. Фразеологик бирликлар иборалар деб ҳам юритилади. Тилимизда асрлар давомида қўлланиб келаётган, халқимизнинг тафаккур кудратини, турмуш тажрибасини мужассамлаштирган, ҳаёт зиддиятлари жараёнида шаклланган, сайқал топган қуйма иборалар ниҳоятда кўп. Масалан: *боши осмонда, оҚзи қулоҚида, кўз остига олмоқ, кўз қирини ташламоқ, қўли узун, қўли қисқа, бели бақувват* кабилар.

ўзбек тилида шаклдош иборалар ҳам мавжуд. Масалан: қўл кўтармоқ (урмоқчи бўлмоқ) – қўл кўтармоқ (тарафдорликни билдирмоқ); жони чиқмоқ (ўлмоқ) – жони чиқмоқ (қаттиқ Қазабланмоқ); бошига кўтармоқ (қаттиқ шовқин солмоқ) – бошига кўтармоқ (қаттиқ ҳурмат

қилмоқ) каби. Шаклдош фразеологик бирликларнинг асл ёки кўчма маъноси контекстда намоён бўлади. Иборанинг қандай маъно ифодалаётганини тўКри англаш учун унга контекстдан ажралмаган ҳолда ёндошиш лозим, акс ҳолда ибора маъноси нотўКри тушунилади.

Бундан ташқари, иборалар синоним бўлиб келиши ҳам мумкин. Нутқнинг мантиқийлигини кучайтириш, мазмунни аниқ ва ихчам ифодалаш учун бундай синоним иборалар муҳим восита ҳисобланади. Масалан: *ОҚизларингда қатиқ ивитдиларингми: нега индамайсизлар? Бир гапириб, ўн куларди, ҳаммани оҚзига қаратарди... Бугун мум тишлаб қолди* (Ойдин).

ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар нутқнинг ранг-баранг ва ифодали бўлишига хизмат қилувчи сўз ва ибораларни билишлари, улардан ўринли фойдаланишлари муҳим ҳисобланади. Кўпинча қуйидаги ҳолларда хатоларга йўл қўйилади:

- Нутқда сўзнинг аниқ маъносини билмаслик натижасида синонимларни ноўрин қўллаш. Масалан: ўрин, жой, макон синонимлари бир синонимик қаторни ташкил қилади. Бироқ уларни ҳамма вақт ҳам бирини иккинчисининг ўрнида қўллаб бўлмайди: у ўз ўрнида одам, ўз жойига эга; у ўз маконига эга каби. Яна: одам, киши, инсон синонимик қаторидаги сўзларни ҳам бирини иккинчисининг ўрнида ҳамма вақт қўллаб бўлмайди. Қиёсланг: инсон келди, одам келди, киши келди.
- Антоним сўзларни қўллашда ҳам антоним сўзлар қаторидаги зидлик тушунчасини тўКри англамаслик туфайли хатоларга йўл қўйилади. Масалан, совуқ-иссиқ. Совуқ сўзи нутқда хунук сўзига, иссиқ сўзи нутқда “истараси иссиқ“, “чиройли“ маъносидаги сўзга синоним. Лекин совуқ сўзи чиройли сўзига антоним бўла олмайди.
- Омонимлар ва кўп маъноли сўзлар ўртасидаги фарқларни билмаслик туфайли. Масалан: от (исм), от (ҳайвоннинг тури), от (ҳаракат маъносида) сўзлари омонимлардир. Бош (одамнинг боши), бош (ишнинг боши), бош (йўлнинг боши), бош (сатрнинг боши) кабилар бир сўзнинг бир нечта маъносидир, холос.
- Пароним (талаффузи ўхшаш) сўзларни қўллаганда уларнинг маъноси билан талаффузини тушунмаслик туфайли. Масалан: дипломат-дипломант, афзал-абзал, қолмоқ-қалмоқ, факт-пакт, амр-амир кабилар.
- Нутқда кўпинча бир хил сўзларни такрор қўллаш туфайли хатолар юз беради. Масалан: *Мен дарсга доимо тайёрланиб келаман. Мен ўртоқларимга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Бу билан мен ўзимни бахтли деб ҳисоблайман* каби гапларнинг ҳар бирида мен сўзининг қайта-қайта қўлланиши – такрорланиши хато ҳисобланади. Яна: *Мард бир ўлар – номард минг ўлар* типидаги мақолларни *Мард бир ўлар – номард минг* шаклида, ўлар сўзисиз қўллаш маъқул.
- Фразеологик бирикмалар нутққа тайёр ҳолда киритилади. Уларни нутқда тўКри қўллай билиш лозим. Маълум мақсадга қаратилган иборани бошқа ибора ўрнида қўллаш мумкин бўлмаганидек, бирикма таркибига бошқа бир сўзни киритиш ҳам мумкин эмас. Масалан, *подадан олдин чанг чиқармоқ* ўрнида ҳамма вақт ҳам *тўйдан илгари ноҚора қоқмоқ* иборасини қўллаб бўлмайди.

ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини шакллантиришда синфдан ташқари ишларнинг ҳам аҳамияти бениҳоя каттадир. Бунда ижодий матнлар яратиш, маъруза ва ахборотлар тайёрлаш каби топшириқлар яхши самара беради.

Топшириқлар:

1. *Кўчма маънода қўлланган сўзларни топинг. Қайси йўл билан кўчганлигини айтинг.*
   Ўақиқатан ҳам у булоқнинг кўзини эслатаркан (Ч.Айт.). Латофат ариқ лабидаги чойдишни олиб, ойисига қараб чопди (О.Ў.). Йўлдошбой сой ёқасидан пастга томон қиялаб юради (Ў.Нуъмон...). Эшитган қулоқ нима дейди? (Ў.ў.). - Алло, ҳозир Тошкент билан гаплашасиз, - деди телефонистка (Р.Ф.).
2. *Қуйидаги гаплардаги ажратилган сўзларда маъно кенгайиши ёки торайиши ҳолатларини изоҳланг.*
   Ўаётда ўз **нонингни** ҳалол меҳнат билан топишни ўрган. Рашид Москвага жўнаш учун **отланди**. Унинг зеҳни **ўткир**, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланарди. **Лола**, сенга ажойиб совҚа олдим.

3. **Ўқасини ушламоқ, қилдан қийиқ чиқармоқ, кавушини тўҚрилаб қўймоқ, бошини емоқ, оҚзи қулоҚида, арпасини хом ўрмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, кўзи учмоқ** *ибораларининг маъносини изоҳланг. Улар иштирокида гаплар тузинг.*
4. *Қуйидаги сўзларни икки устунга бўлиб ёзинг: шаклдош сўз (омоним)лар, кўп маъноли сўзлар. Уларнинг фарқини матн (гап)да кўрсатинг:* боҚ, чанг, ёзмоқ, ёз, бош, қулоқ, кўз, томир, от, той, ошиқ, кўк, ойлик, тирноқ, қирқ, сон, қўй, соч.
5. *Қуйидаги туюқда қўлланган шаклдош сўзларнинг маъносини изоҳланг:*

   Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
   Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
   Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим,
   ЎлҚиз юрса чанг чиқармас яхши от.
6. **Истак, юз, дангаса, қизиқ, одам, уятсиз, катта, аввал, жуда, севги, ватан** *каби сўзларнинг синонимлар қаторини тузинг. Маъно жилоларидаги фарқларга изоҳ беринг.*
7. *Ажратиб кўрсатилган сўз ва турҚун ибораларнинг антонимларини топинг.*
   Сўзни **тўҚри** ёзишни ўрган. – У **тўҚри** одам. Уста **ўткир** асбоб билан симни қиркди. - **ўткир** зеҳнли бола. **Бўш** ўринга ўтиринг. – Унинг **кўнгли бўш**. – **Бўш** идиш борми? Бизга **тоза** сув керак. – **Кўнгли тоза** кишининг дўсти кўп бўлади. Эшик **очиқ**. – Меҳмо**нни очиқ чеҳра билан кутиб ол. – У очиқ,** самимий йигит**.** ўҚлингиз **катт**а йигит бўлибди. – Бу бола **катта кетяпти**, машина оламан дейди. – Ташаббус – **катта гап.** Қопни **тескарисига** аҚдарди. – Бу йўл менга **тескари**. – Омбор мудири **тўнини дарров тескари кийиб олди.**

Фойдаланилган адабиётлар:
1. Х.Абдураҳмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқулова. ўзбек тилининг амалий грамматикаси. – Т.: ўқитувчи, 1992.
2. А.ўуломов, Ў.Неъматов. Она тили таълими мазмуни. – Т.: ўқитувчи, 1995.
3. Т.Зиёдова. ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Т.: ўқитувчи, 2001.
4. Т.Зиёдова, М.Шамсиева. Ўозирги ўзбек адабий тили услубияти. – Т., 2003.
5. Т.Зиёдова. Ўозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш. – Т.: Халқ мероси, 2002.

9-маъруза.

Мавзу: Услубият ҳақида умумий тушунча. Нутқ услублари – 4 соат

Режа:
1. Тил ва нутқ фарқи.
2. Нутқ яратиш механизми.
3. Нутқ услублари.


ўзбек тили машҚулотларида ижодий-амалий машҚулотларнинг асосий қисмини нутқ ўстиришга қаратилган ишлар ташкил этади. Шу ўринда тил ва нутқ фарқини эслатиш жоиз.

Тил – маълум этник қатламни бирлаштириб турувчи лексик-грамматик воситалар йиҚиндисидир. Тил халқ томонидан яратилади. У умумийдир.

Нутқ алоҳида шахс томонидан мавжуд лексик-грамматик воситалар ёрдамида фикр ифодалаш жараёнидир. У хусусий, ўзгарувчандир.

Нутқ фикрни баён қилиш жараёни ҳамда маҳсули бўлиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд:
- оҚзаки ва ёзма;
- ички ва ташқи;
- монолог, диалог, полилог.

Тил ва нутқ бир-бирига боҚлиқ ҳодисалардир. Тил нутқ учун моддий материалдир. Шу материал асосида нутқ ташкил топади. Нутқ ҳосил бўлишини биз қуйидаги учлик орқали тушунтиришимиз мумкин:



Б – борлиқ;
Т – тафаккур;
Н – нутқ.

Борлиқдаги сигнал бизга турли сезги органларимиз орқали импульс юборади, бош мияга етиб келган импульслар тафаккурга таъсир этиб, ахборот банки (хотира)дан ташқи таъсирга жавоб излайди. Агар хотирада ахборот мавжуд бўлса, инсон тасаввур ва тушунчалари асосида ички нутқ яратади, яъни жавоб тайёрлайди. Кейин зарурат туҚилганда ички нутқ ташқи нутққа айланади. ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчиларнинг ахборот банкини борлиқдаги номлар билан тўлдириш лозим, яъни уларнинг луҚат бойлигини кенгайтириш зарур. Иккинчи муҳим ҳолат: нутқ яратиш эҳтиёжининг мавжудлиги. Таълим жараёни ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланиб ташкил этилса ҳамда барча ижобий интилишлар раҚбатлантирилса, ўқувчининг ички нутқи албатта ташқи нутққа айланади.

ўқувчи тил ўрганиш жараёнида ижодий, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оҚзаки ва ёзма шаклларда тўҚри, қисқа ва аниқ, содда ва образли, услуб жиҳатидан равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириши ва ривожлантириши кўзда тутилади.

Нутқ услуби нутқ вазияти, сўзловчи (ёзувчи)нинг мақсади, эҳтиёжига кўра маълум воситалардан фойдаланиб фикр ифодалаш тарзидир. Нутқ услубларининг фарқини ўқувчиларга қуйидагича тушунтириш мумкин: ***тил – барча учун берилган бир хил лойдир. Биз сиз билан қулолмиз. Агар бизга арзон, қулай буюм керак бўлса, биз сопол пиёла ёки коса ясаймиз (масалан, ҳайдовчилар, деҳқонлар, ишчилар), яъни сўзлашув услубидан фойдаланамиз; агар нутқ бизнинг иш қуролимиз бўлса (ўқитувчи, журналист, шифокор ва ҳ.к.), биз нафис кўзалар ясаймиз, яъни илмий, бадиий ёки публицистик услублардан фойдаланамиз.***

Демак, маълум бўлганидек, нутқ услублари 5 та: сўзлашув, расмий-идоравий, илмий, публицистик, бадиий.

Сўзлашув услуби тил бирликларини танлаш ва уларни қўллашнинг нисбатан эркин услубидир. Бу услуб ўз хусусиятларига кўра икки турга: адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услубига ажратилади.

Адабий сўзлашув услуби умумхалқ адабий тилининг кенг тарқалган ва барча соҳалар учун боп тури бўлиб, у адабий меъёрларга мос, ишланган ва тартибга солинган бўлади.

Оддий сўзлашув услуби нутқ муомаласи жараёнида (эркинлик билан) адабий тил ҳамда шева элементлари иштирок этиши, фикрий идрокни кенг қамровли баён этиши билан таърифланади. Бу услубда сўз тартиби қоидага номувофиқ бўлиши (Кеча концерт бўлди, клубда); кўчма, образли эмоционал воситалар кўпроқ диалогик шаклда бўлиб, тўлиқсиз гаплар ва имо-ишоранинг кўп ишлатилиши, такрорлар, талаффузда эркинлик яққол намоён бўлади. Оддий сўзлашув услуби бадиий асарда персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда кенг қўлланади.

Расмий услуб жамиятдаги ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатлараро расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилувчи нутқ услубидир. Расмий услуб тилининг асосий хусусияти аниқлик ва ихчамликдир, унда муайян нутқий қолиплар, профессионал сўзлар, атамалар, тайёр синтактик қурилмалар кенг қўлланиб, нутқнинг аниқ ва равшан ифодаланишини таъминлайди.

Илмий услуб табиат ва ижтимоий ҳаётдаги барча нарса ҳамда ҳодисалар тўҚрисида аниқ, асосланган, изчил маълумот беришда қўлланади. Унда нарса-ҳодиса моҳиятини таърифлаш, таҳлил қилиш, сабабини аниқлаб далиллар билан исботлаш ва асосли натижаларни баён этиш муҳим ҳисобланади.

Илмий услуб 2 хил бўлади: илмий услуб ва илмий-оммабоп услуб. Илмий услубдаги китоблар илм-фанга оид маълумотлар бериш билан мутахассисларгагина мўлжаланади. Кенг жамоатчиликка тушунарли бўлган, махсус атамалар кам ишлатиладиган ёки уларнинг изоҳи

бериладиган услуб илмий-оммабоп услуб дейилади. Кўпчиликка мўлжалланган рисола, маъруза ва дарсликлар илмий-оммабоп услубда ёзилади.

Публицистик услуб сиёсий-ижтимоий доирадаги муносабатлар учун хизмат қилади. Бу услубда ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари вақтли матбуот ва нашрлар орқали оммавий акс эттирилади. Публицистик услуб ёзма ва оҚзаки кўринишларга эга. Бу услубнинг ёзма турига публицистик мақолалар, фельетонлар, мурожаатнома ва хатлар, чақириқлар кирса, оҚзаки турига нотиқлик киради. Публицистик услубда ёзма нутққа хос хусусиятлар ҳам, бадиий услубга хос хусусиятлар ҳам ўзаро уйҚунлашиб кетади. Бу услубда ҳаётий факт ва ҳодисалар оддийгина қайд қилинмай, жўшқин ва ҳароратли мисраларда ифодаланади, улардан умумий хулосалар чиқарилади ҳамда муҳими – халққа мурожаат, ундаш, қизиқтириш орқали ўқувчига таъсир кўрсатилади.

Бадиий услуб киши ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олиши, умуминсониятга хослиги, барчага баробарлиги билан, ўқувчи ёки тингловчига эмоционал-эстетик таъсир этишга йўналтирилганлиги билан бошқа услублардн ажралиб туради. Бадиий услубда тил образ, характер, манзара яратишга, юксак образлиликни намоён қилишга хизмат қилади. Кўпинча бадиий услубни аралаш услуб деб аташади, чунки унда асарнинг ифодалилигини ошириш мақсадида барча услублардан фойдаланиш мумкин.

Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларини нутқ услублари билан танишишдан олдин бериш маъқул. Бунинг боиси шундаки, сўзлараро маъно муносабатларини, маънодошлик, уядошлик муносабатларини ўрганаётганда бола маънодош ва уядош сўзлар орасидаги маъно нозикликларини фарқлаш муаммоси билан тўқнашади. Чунончи, маънодош сўзлар устида иш олиб бораётган бола сўзларнинг бир-биридан маъно нозикликлари билан фарқланишини тушуниб олади: *юз-бет-афт-башара-турқ-чеҳра-ораз-жамол.*

Шуни таъкидлаш лозимки, яхши, равон, аниқ ва таъсирчан ифода услубини ҳеч бир шахс услубшунослик фанини ўрганиш натижасида ўзлаштира олмаган ва ўзлаштира олмайди. Услубият услубий равонлик, хусусан, сўз бойлиги ва сўзларни тўҚри қўллаш билан алоқадор эканлигини ҳисобга олиб, тилнинг луҚат сатҳини ўрганишни услубият билан боҚлиқ ҳолда олиб бориш лозим.

ўқувчиларни услубият билан таништириш уларда нутқ маданиятини шакллантириш мақсадига хизмат қилади. Нутқ маданияти – тил нормаларини эгалламоқ, яъни талаффуз, урҚу, сўз ишлатиш, гап тузиш қонунларини яхши билмоқ, шунингдек, тилнинг тасвирий воситаларидан ҳар хил шароитларга мос ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш, ифодали ўқиш маданиятини эгаллаш демакдир. Маданий нутқ дейилганда унинг тўҚрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, бойлиги, софлиги тушунилади.

ўзбек тилини ўрганувчиларга ўзбекча муомала одобини, ўзбекча нутқий маданиятни ўргатиш муҳим масалалардан биридир.

Топшириқ:

1. Бирор фаслни бадиий ва илмий услубда тасвирланг. Иккала матн ҳам бир фаслга баҚишлансин.
2. Ўар бир услубга тегишли матнлардан топиб келинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Х.Абдураҳмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқулова. ўзбек тилининг амалий грамматикаси. – Т.: ўқитувчи, 1992.
2. Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. – Т.: ўқитувчи, 1993.
3. Ф.Умарова. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш курси учун усулий қўлланма. – Т., 2001.

10-маъруза.

Мавзу: Матн. Матн турлари. ўзбек тили дарсларида матн устида ишлаш методикаси – 4 соат

Режа:

1. Матн. Матн турлари.
2. Матн тузишга ўргатиш усуллари.
3. Иншо – фикрлаш маҳсули.

Ижодий-амалий ишларнинг олий шакли матн яратишдир. Чунки матнда ўқувчиларнинг тил ҳодисаларини билиши, ижодий фикрлаши, фикр маҳсулини ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда оҚзаки ва ёзма шаклларда тўҚри, равон ифодалаши намоён бўлади. Шунинг учун матн тил ўрганиш машҚулотлари самарадорлигини белгиловчи бош меъёр саналади.

ўқувчилар яратиши лозим бўлган матнларни, асосан, қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. МашҚулотларда ҳосил қилинган назарий билим ва кўникмаларни амалда қўллаб матн яратиш. Бундай матнлар 3-4 гапдан тузилган, монолог ёки диалог тарзида қисқагина тасвир ёки ҳикоя шаклида бўлиши мумкин.
2. Берилган ёки танланган мавзу (манзара, расм, муаммо, вазият ва ҳ.к.) асосида тасвир (кичик иншо) яратиш. Бундай тасвирлар ёзма ва оҚзаки кўринишларда ўқувчиларнинг ёш ва тараққиёт даражасига мос мазмун ва ҳажмда бажарилиши лозим.
3. Иншо – матннинг олий кўриниши. ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришда **иншо**нинг аҳамияти беқиёсдир. Иншо ўзбек тили дарсларида қўлланилувчи муҳим ёзма иш турларидан саналади. Иншода иншо ёзувчи ўзининг шахсий фикр ва таассуротларини иншонинг мавзуси ва материали талаб қилган, иқтидори имкон берган тартибда ёзма равишда изҳор қилади. Иншо ёзишга ўргатиш узоқ давом этувчи, мураккаб жараён. Бу жараённинг фақат энг муҳим ўринларигагина тўхталиб ўтишни лозим топдик. Иншо учун 4 соат берилади. Ўажми – 5-7 бет (қораламаси билан).

Иншолар ўрта мактабларда, лицей, коллеж ва бошқа ўқув юртларида дидактик мақсадларига кўра икки турли бўлади:

1) таълимий иншолар; 2) синов иншолари.

Жанри ва тематик хусусиятларига кўра эса иншолар уч турли бўлади: 1) адабий, 2) адабий-ижодий; 3) ижодий.

ўоявий-услубий хусусиятларига кўра иншоларни беш турга бўлиш мумкин: 1) обзор; 2) монографик, 3) қиёсий; 4) тақриз; 5) мулоҳаза.

ўрта мактаб ўзбек тили курсида қуйидаги иншо турларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз: а) илмий иншо (тил, тарих, биология, география ва ҳ.к. фанлардан ҳар бир фан учун хос бўлган бирор мавзу ёки масалани ечиш); б) илмий-бадиий иншо (бадиий асар, ёзувчи ижоди, адабий жараёнлар таҳлилига баҚишланган иншолар); в) бадиий-ижодий иншолар (санъат асарларини ўрганишда ўқувчининг шахсий кечинмалари тасвири); г) тасвирий иншо (нарса, буюм, воқеа, ҳодиса, манзара ва ҳ.к. тасвирига баҚишланган иншо); д) рамзий иншо (бу иншо тафаккурнинг олий кўриниши бўлиб, маълум нарса, воқеа-ҳодисанинг ўқувчи онгида, унинг тасаввурида нималар билан боҚланганлиги, унинг ички ҳиссиёти ва ақлий оламида нималар билан алоқадор эканлиги тасвири); е) эркин мавзудаги иншо.

Таълимий иншолар синфда ёки уйда ўқувчи томонидан ёзилиб, назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш, ижодий фикр юритишга, уни тўҚри изҳор қилишга қаратилгандир.

Синов ишлари ўқувчининг иншо ёзиш кўникма ва малакаларини синаш учун маълум мавзулар ўтиб бўлингач, чорак ёки йил охирида, имтиҳон ва олимпиадаларда олинади.

Адабий иншолар мактабнинг адабиётдан ўқув дастурига кирган материалларга асосланган мавзулар асосида ёзилади.

Ижодий иншолар табиат, жамият, фан ва маданият, санъат асари ёки тарихий воқеа асосидаги таассуротлар изҳори билан характерланади.

Обзор иншолар адабиётдаги у ёки бу масала атрофида фикр юритишни тақозо қилади. Шу масала билан боҚлиқ равишда қатор асарлар ёки муаллифларга мурожаат қилинади.

Умумий тарзда характерли хусусиятлари кўрсатилади.

Монографик иншолар бир ёзувчи, бир асар ёки бир адабий қаҳрамон ҳақидаги мавзуга баҚишланган бўлади.

Қиёсий иншолар икки ёки бир нечта адабий қаҳрамонни, бадиий асар ёки бадиий образни чоҚиштиришга асосланади.

Тақриз характеридаги иншолар бадиий асар ҳақида, тасвирий санъат, мусиқа санъати ёки бошқа хил саньат асарлари ҳақидаги тақриз шаклида ёзилади.

Мулоҳаза тарзидаги иншода маълум масала бўйича ўқувчи ёки талабанинг шахсий мулоҳазалари, бошқа мулоҳазаларга муносабати изҳор қилинади.

Иншо ёзиш - мураккаб ақлий меҳнат жараёни. У ўқувчидан ўз фикрларини далиллар воситасига мантиқан изчил, образли, грамматик ва услубий жиҳатдан тўҚри изҳор этишни талаб қилади. ўқувчини иншога тайёрлаш учун тил ва адабиёт фани ўқитувчиси томонидан узоқ йиллар мақсадга йўналтирилган тарзда машҚулотлар тизимини ташкил этиш талаб қилинади. ўқувчиларнинг баён ва иншолар ёзиш иқтидорларини такомиллаштириб боради.

ОҚзаки ва ёзма нутқ ўстириш усулларининг барчаси комплекс қўлланилгандагина юқори синфда адабиётдан ёзиладиган иншонинг юксак савияда бўлишига эришиш мумкин.

Иншога тайёрланиш борасида иншо ёзишнинг муҳим *беш* босқичини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу босқичлар куйидагилардан иборат:

1. Иншо мавзусини танлаш.
2. Мавзуга доир материални хотирага жамлаш.
3. Жамланган материал асосида пухта режа тузиш.
4. Режага мувофиқ изчил равишда иншо ёзиш.
5. Ёзилаётган иншони ҳам мантиқий-услубий жиҳатдан, ҳам грамматик жиҳатдан назорат қилиб бориш.

Иншолар мазмунига кўра 3 хил бўлади.

Ривоя иншода воқеани изчил баён қилиш жараёнида ривоя элементи қўлланилади. Ривоя иншода шахсан бошдан кечирилган, эшитилган ёки ўқилган, расмда кўрилган воқеалар материал бўлиб хизмат қилади. Табиийки, фикр изҳори ҳикоя тарзида кетади.

Муҳокама иншода бирор мунозарали масала юзасидан ўқувчининг фикри ёритилади. Бундай иншода берилган фикрни далиллаш керак бўлади. Бундай иншода фикр баёнида мантиқий изчилликка алоҳида эътибор қилинади.

Тасвирий иншода ўқувчи оддий ва бадиий тасвирдан фойдаланиб маълум бир предмет ёки манзарани киши кўз олдида гавдалантириб бериши зарур. Кузатувчанлик, ўхшатиш ва муқояса асосидаги баён завқлантиришга, гўзаллик ва эзгуликни ҳис қилдиришга, ҳаяжонлантиришга қаратилган бўлади.

Баъзан иншони мактуб (нома) услубида ҳам ёзиш мумкин. Бунда ривоя, муҳокама ва тасвирдан заруратга кўра, мактубнинг ижодий характери талаб қилган даражада алмашлаб фойдаланиш ҳам мумкин.

Берилган расмга қараб ижодий иншо ёзишда юқорида санаб ўтилган усулларнинг хоҳлаган бирини қўллаш мумкин. Иншо учун тасвирий санъат асари танланганда расмда ифодаланган сюжетга, бўёқларнинг ёркинлиги ва таъсирчанлигига, ўқувчининг ёши, билимлар кўламига мос келишига аҳамият берилади.

IV-VIII сниф ўқувчиларига танланган расм содда сюжетли, мазмуни осон тушуниладиган, ранглар табиий қўлланилган, чуқур рамзийликдан холи бўлиши керак.

IX-XI синфлар учун рамзий маънолар, ранглар, мураккаб психологик сюжетга эга бўлган расмлар ҳам танланиши мумкин.

Хуллас, иншо ёзиш жараёнида ўқувчи ижодий иш бажаради, ўз фикр ва кечинмаларини, таассурот ва мулоҳазаларини изҳор қилади. Бунда ижодкорга қатъий чегара қўйилмайди. Мавзу моҳиятидан оҚиш, ҳажми чегарасидан чиқиб кетиш, тафсилотларга берилиш ёки, аксинча, ўта умумий тарзда фикр юритиш каби нуқсонларга йўл қўйилмайди.

ўқувчилар сўз заҳирасини бойитишнинг асосий йўлларидан бири уларга турли хил луҚатлардан, хусусан, маънодош сўзлардан фойдаланишни ўргатишдир. Турмуш тарзимизнинг ўзгариши, жамиятнинг ривожланиши, фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўсиши, янги кашфиётлар, миллатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий

алоқаларнинг юксалиши, табиийки, тил лексикаси таркибининг янги сўзлар, синонимлар каби бирликлар билан бойишига имкон беради.

Маълумки, тилнинг луҚат таркиби узлуксиз ўзгариб боради. ўқувчилар бу жараёндан доимо хабардор бўлишлари лозим. Бироқ мактаб она тили дастурларида тилнинг луҚат таркибини тўла даражада ўрганишга кам эътибор берилганлиги кузатилади.

ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ўз фикрини мантиқан изчил, саводли ифодалаш дастурий талаб экан, бу талабни амалга ошириш учун ўзбек тили дарсларидан унумли фойдаланиш лозим. ўқувчиларни кенг мушоҳада юритишга ўргатишда, айниқса, адабиёт дарсларининг аҳамияти беқиёсдир. ўрганилаётган ҳар бир бадиий асар ўз мазмун ифодаси, нафосати, бадиий гўзаллиги билан ўқувчи қалбига кириб боради. Адабиёт арабча "адаб" – "одоб-ахлоқ" сўзидан олинганлиги ҳам бежиз эмас.

ўқувчининг оҚзаки ва ёзма нутқини ўстириш учун, биламиз, уни фикрлашга ўргатиш зарур. Бунда турли хил топшириқлардан фойдаланиш мумкин. Шундай топшириқлардан бири иншодир (иншо турлари, ўтказилиш тартиби бўйича 9-маърузада тўлиқ маълумот берилган).

ўқувчилар иншо ёзиш жараёнида бирор тимсол ҳақида фикр юритадиган бўлса, унинг маълум хусусиятини ёки ташқи кўринишини нарса-ҳодисалар, уларнинг белгиси, ҳолати, миқдори, ҳаракатдаги ўзгаришлар ўзаро ўхшашликлари асосида, ўз хаёл-тасаввурларининг уйҚунлашуви асосида номи мавжуд бир нарсага бошқа бир нарса номи бўлиб турган сўздан ҳам фойдаланиши мумкин. Ёки, сўзларнинг метофора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби маъно кўчишларидан фойдаланадилар.

Нутқ ўстиришга қаратилган ижодий-амалий ишларнинг яна бир кўриниши **матннинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириб ёзишдир**. Матндаги маълум бир сўзларни унинг маънодошлари билан алмаштириш, келишикли бирикмалар ўрнига кўмакчили бирикмаларни (ёки аксинча) қўллаш, содда гапларни қўшма гапларга ёки, аксинча, қўшма гапларни содда гапларга айлантириб ёзиш, сюжетли шеърий асарлар мазмунини ҳикояга айлантириб ёзиш, диалогларни ўзлаштирма гапга айлантириш, матн мазмунини қисқартириб ёки кенгайтириб ёзиш каби ишлар шулар жумласидандир.

11-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили дарсларида ёзма ишлар, уларни ўтказиш йўллари ва усуллари. Ёзма ишларни баҳолаш мезони – 2 соат

Дарснинг мақсади: Тингловчиларга УўТДТС даги ўзгаришлар ва баҳо меъёрлари ҳақида маълумот бериш.

Натижа: Тингловчиларнинг таҳлил турларини тўҚри ажратишлари ва улардан дарс жараёнида тўҚри фойдаланишларига эришиш.

Режа:

1.Ёзма иш турлари.
2. Ижодий иш турлари.
3.Ёзма ишларни баҳолаш мезони.
4.ДТС даги талаблар ҳақида.

Республикамизда Умумий ўрта таълим мактаблари учун ДТС ишлаб чиқилганлиги муносабати билан ёзма ишларга бўлган талаблар ҳам ортмоқда. ДТС да кўрсатилганидек, ўқувчи 5-10 дақиқа ичида мустақил ижод қилиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини содда, равон тилда мукаммал ифода қилиш ва камида 20-25 та жумла ёза олиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда бу йилги битирувчи ўқувчилар олдига алоҳида талаблар қўйилмоқда.

ўзбек тили дарсларида ёзма ишларнинг ҳар хил турларидан фойдаланилади. ўқувчилар иншо-ижодий ишнинг оддий кўриниши, илмий, бадиий, эркин, рамзий иншолар, илмий иншо турлари, адабий иншолар, илмий-адабий иншо (асар таҳлили, ёзувчи ижоди, асар қаҳрамонларининг тавсифи каби), адабий ижодий иншо (адабий асар асосида шахсий таассуротлар ва мулоҳазалар (эркин иншо, рамзий иншо), бирор мавзу бўйича ўз тасаввури асосида изчил баён қилиш, ёзилган иншони такомиллаштириш йўллари, иншога тақриз ёзиш устида ишлаш каби зарур билимлар билан қуролланишлари ва амалий кўникма ҳамда малакалар ҳосил қилишлари лозим.

Ўар бир ўқувчи ижодий ишни ёзишдан олдин мавзуни тўлиқ ўзлаштирган ва мустақил таҳлил қила оладиган бўлиши керак. Танланган мавзуни далиллар асосида, манбалар билан бойитган ҳолда ижодий ёндашиб баён этиши керак.

Дарс жараёнида амалга ошириладиган ёзма машҚулотларнинг аксарияти кўчириб ёзиш, саволларга жавоб ёзиш, таянч сўзлар асосида матн яратишдир. Ёзма машҚулотлар ўқувчиларнинг ёши ва билим даражасига қараб соддадан мураккабга томон берилиши керак. Шунинг учун ҳам биз, аввало, ёзма нутқ ўзи нима, унинг таълим жараёнидаги аҳамияти, ўрни ҳақида қисқа тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ёзма нутқ фаолияти инсоният учун энг маҳсулдор тур ҳисобланади. ўқувчиларни ёзма нутққа ўргатиш унинг салмоҚини ошириш йўли билан аста–секин мураккаблашиб бориши керак. Мактабда ёзма ишлар қайси мақсадда ўтказилишига қараб икки турга бўлинади:

а) таълимий ёзма ишлар: диктант, баён, иншо;

б) текширув (назорат) ёзма ишлари.

Ёзув грамматик нутқ малакаларини ихчам шакллантириш воситаси сифатида ўқувчининг шахсий ёзма нутқини тузишда (хат, табрик сўзи, таклифнома, тажримаи ҳол, қисқа нутқлар, тезислар ва ҳоказолар) кўникма ва малакалар ҳосил қилишга хизмат қилади.

Бу машҚулотларни ўқувчиларнинг оҚзаки ва ёзма нутқини ўстириш машҚулотлари деб атаймиз. ўзбек тили дарсларида нутқ ўстириш учун оҚзаки ва ёзма нутқ ўстиришнинг алоҳида усулларидан фойдаланилади. Бу усуллар бир-бирини тақозо қилади ва бир-бирини тўлдиради.

ОҚзаки нутқ ўстиришнинг энг самарали усуллари, бизнингча, қуйидагилар:

1. Бадиий матнни ифодали ўқиш.
2. Бадиий асарни ёки унинг парчасини ёд олиш.
3. Бадиий матнни изоҳли ўқиш.
4. Тушунилмаган сўзлар устида ишлаш.
5. Бадиий матнни қайта ҳикоялаш.
6. Матн қисмларига сарлавҳалар топиш.
7. Саволларга жавоб топиш.
8. Асар Қоясига мос халқ мақолларини топиш.
9. Сифатлашлар, синонимлар ва антонимлар устида ишлаш.
10. Нутқнинг мантиқий изчиллигига ва бўёқдорлигига эришиш машқлари.
11. Режа асосида сўзлаш.
12. Бадиий асарлардан олинган таассуротларни эркин ва изчил равишда ифодалаш учун машқлар.
13. ОҚзаки иншо.

Дарсларда ёзма нутқ ўстиришнинг, асосан, уч туридан фойдаланилади:

1. Кичик ҳажмдаги ёрдамчи ёзма ишлар.
2. Баёнлар.
3. Иншолар.

Кичик ҳажмдаги ёрдамчи ёзма ишлар воситасида нутқ ўстиришни дастлабки адабиёт дарслариданоқ амалга оширишга киришилади. ўқувчиларга адабиёт дафтари тутдирилиши бу ишнинг изчиллиги ва самарадорлиги учун йўл очади. Кичик ҳажмдаги ёрдамчи ёзма ишларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. ЛуҚат устида ишлаш
2. Матндан кўчириб ёзиш.
3. Матн асосида конспектлаштириш.

4. Матн асосида тезислар тузиш.
5. Саволларга жавоблар ёзиш.
6. Бадиий асар парчаларига сарлавҳалар топиш.
7. Сифатлашлар, синонимлар, антонимлар топиб ёзиш.
8. Режа тузиш.
9. Фикрларни далиллаш учун цитата (иқтибос)лар топиб ёзиш.
10. Бадиий асарни таҳлил қилиш.
11. Эпиграфлар топиб ёзиш.
12. Образга характеристика бериш.
13. Бадиий асарга тақриз ёзиш

Бу ёзма иш турлари турли синфлардаги адабиётдан машқлар ва топшириқлар тарзида ўтказилади ва боҚланишли нутқнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дарс жараёнида ўтказиладиган кўчириб ёзиш, матн яратиш, ҳикоя тузиш каби дарсларида дарснинг маълум қисми мана шу машҚулотлар билан банд бўлади. Сўз таркибида тушириб қолдирилган ҳарфни, қўшимчани тўлдириш ёки гапда тушириб қолдирилган сўзларни топиб ёзиш сингари топшириқлар билан тўлдирилиб борилади.

Маълум ўқувчиларнинг ёши ва билим даражасига қараб, кўчириб ёзиш малакалари турлича бўлади. Уларнинг ёзиш суръати синфдан синфга ўтган сари тезлашиб боради.

ўқувчиларнинг дарс жараёнида ва уйда бажарган ҳар бир ёзувлари уларни раҚбатлантириш нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Шундан ўтказилган ёзма ишларга ҳар бир баҳо учун меъёр ва мезонлар белгиланиши ҳамда хатоларнинг характери, хили ва миқдори ҳисобга олиниши керак. Бу жиҳатдан уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) жиддий ва жузъий хатолар: б) бир хил ва ҳар хил турдаги хатолар: в) такрорий ва тасодифий хатолар: г) ўтилган ва ўтилмаган имлоларга хос хатолар.

ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини оширишда **диктант**нинг роли катта. Диктантнинг самарадорлиги мавзу ва унинг мазмуни, мақсаднинг аниқлиги ҳамда методнинг изчиллигига кўра белгиланади. Диктант ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлари талабларига жавоб бериши, унинг мазмуни муайян синф ўқувчилари учун тушунарли бўлиши ва боҚланишли матн асосида тузилиши зарур.

Назорат диктанти ҳажми:		ЛуҚат диктант ҳажми:	
V синф	- 100-110 сўз	V синф	- 20-25 сўз
VI синф	- 110-120 сўз	VI синф	- 25-30 сўз
VII синф	- 120-150 сўз	VII синф	- 30-35 сўз
VIII синф	- 150-170 сўз	VIII синф	- 35-40 сўз
IX синф	- 170-200 сўз	IX синф	- 40-45 сўз

ўқувчиларнинг ёзма нутқини шакллантириш ва фикр доирасини кенгайтириш учун **баён,** айниқса, ижодий баёнлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Мактаб амалиётида ёзма ишнинг бу туридан кўп фойдаланилади. Баёнлар бадиий асарни ёки берилган матнни ёзма равишда қайта ҳикоялаш характеридаги ёзма иш туридир. Баёнлардаги матнни қайта баён қилиш тўлиқ баён, қисқартирилган баён, кенгайтирилган баён тарзида ўтказилади. Ўар учала хил баённинг ҳам мақсади боҚланишли нутқ ўстиришдир. Лекин кенгайтирилган баённинг иншога тайёрлашдаги аҳамияти катта. У ўқувчининг фикрлаш доирасини, фантазияси ва баён услубини ўстиради ва такомиллаштиради.

Баённи баҳолаш учун қуйидагича меъёр ва мезонни жорий қилишни маъқул кўрдик. Баён вақти 2 соат.

Матндаги сўзлар миқдори:

5-синф учун 100-150;
6-синф учун 150-200;
7-синф 250-300;
8-синф учун 300-350;
9- синф учун 400-450 ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин.

«5» баҳо:

1)мавзу режага мувофиқ бўлса; 2) асар воқеалари тўҚри баён қилинган бўлса; 3) баён мантиқли ва мунтазам бўлса; 4) сўз бойлиги, ифода қурилиши ва услуби адабий тил талабларига мос бўлса; 5) саводхонликда қўпол бўлмаган битта имло ёки ишора хатоси бўлса; услубий хато бўлмаса.

«4» баҳо:

1) мавзу режа асосида ёзилиб, тўлиқ ёритилса, лекин кичик нуқсонларга йўл қўйилган бўлса: 2) фикр баёнида мунтазамлик қисман бузилган бўлса: 3) сўз танлашда ва ифода қурилишида ҳар хиллик бўлса; мазмун ва ифодада 1-2 нуқсонга йўл қўйилган бўлса; 4) саводхонликда 2 та имло ёки ишорат ва 1та услубий хато мавжуд бўлса; умумий хатолар сони 4 тадан ошмаса.

«3» баҳо:

1) мавзу тўлиқ ёритилмаган бўлса, мавзудан қисман четга чиқилган бўлса; 2) аниқ воқеаларга изоҳ беришда нуқсонларга йўл қўйилган бўлса; 3) сўз бойлиги ва ифода тузилишида ночорлик сезилиб турса; 4) саводхонликда 3 тагача имло ва ишорат ҳамда 3 та услубий хатога йўл қўйилган бўлса.

«2» баҳо:

Асар мазмунини ёритишда нуқсонлар кўп бўлса, иш режага мос бўлмаса, фикр баёнида нуқсонлар бўлса; сўз бойлиги жуда кам бўлса, мазмун ва ифодада 5-6 тагача нуқсонларга йўл қўйилган бўлса, саводхонликда 7 та имло, 7 та гача ишорат ва 7 тагача услубий хатога йўл қўйилган бўлса.

Баёнга 2 та баҳо қўйилади: 1 - мазмунига: 2 – саводхонлигига.

ўзбек тили дарсларида қўлланиладиган **<u>иншо турлари</u>** тўҚрисида аввалги машҚулотимизда суҳбатлашдик (11-маърузага қаранг).

Хотирага жамланган ва тартиблаштириган материал асосида пухта режа тузиш иншонинг мантиқий ва Қоявий савиясининг юқори бўлишини таъминлайди.

Иншо мавзусининг ўзи ҳақидагина мулоҳаза юритиб, фикрларни ихчам ва лўнда ҳолда қисқа баён қилишни режалаштирилганда содда режа тузилади. Иншо ёзувчи мавзунинг ички Қоявий йўналишидан келиб чиқибгина фикрлар изҳор қилади ва оз сонли далилларга таянади. Одатда, содда режа V-IX синф ўқувчиларининг иншоларига хос бўлади.

Мураккаб режа мавзу юзасидан атрофлича билимга эга бўлган, мавзунинг бир неча қирраларини кўра билган, кенг кўламда ёрита оладиган киши томонидан тузилади. Иншо ёзишда унинг режаси муҳим аҳамиятга эга бўлгани боис режа намунасини келтирамиз.

<u>«...Ки сен ҳам ҳур туҚилҚонсен!»</u> мавзуси юзасидан содда ва мураккаб режани кўриб чиқайлик.

Содда режа:

Режа

1. ўзбекистон – мустақил давлат.
2. Шу кунларни орзу қилганди Чўлпон.
3. Яшна, юксал, она диёрим!

Мураккаб режа:

Режа

I. Кириш: Нақадар ширин сўз - ҳурлик, эркинлик!

II. Асосий қисм:

1. Баҳорни куйламок - эркни куйламоқ.
2. Чўлпон ижодида хотин-қизлар озодлиги мавзуси.
3. Чўлпон - исёнкор шоир.

III. Хулоса: Чўлпоннинг янгроқ сози жаранглайверсин!

Иншо мавзуси: «Алпомиш» достонида қаҳрамонлик тасвири.

Режа

I. Кириш:

1. «Алпомиш» - ўзбек ҳалқ оҚзаки ижодиёти хазинасининг нодир дурдонаси.
2. Умуминсоний қадриятларни улуҚлаш – достоннинг асосий Қояси.

II. Асосий қисм:

1. Мардлик ва курашчанлик - достондаги бош масала.
2. Алпомиш - жасур ва журъатли паҳлавон.
3. Алпомиш - халқ бахти, юрт осойишталиги учун курашувчи қаҳрамон.
4. Муҳаббат ва диёнат йўлида фидоийлик - достон қаҳрамонларига хос фазилатлар.

III. Хулоса:

1. Алпомиш - халқимизнинг севимли қаҳрамони.
2. Мардлик - мангулик.

Иншо ёзишда режага амал қилинади. Ўар бир фикр пухта ўйлаб, сўнг қоҚозга туширилади. Фикрларни далиллаш бошқа манбаларга мурожаат қилишни тақозо қилади. Агар бу далил айнан келтирилса, «цитата» ёки «иқтибос» дейилади. Насрий цитаталар мисол тариқасада келтирилса, қўштирноқ орасига олинади. Шеърий матн ҳолатидаги мисоллар эса қўштирноқ орасига олинмайди, шеърий устун тарзида берилади.

ўқувчилар мактабда жанрига кўра ривоя иншо, муҳокама иншо, тасвирий иншо каби иншо турларига оид ёзма ишлар бажаришади.

Иншони текшириш ва баҳолаш

Ёзилган иншо мутахассис муаллим томонидан ўқиб, ўрганиб чиқилади, сўнг текшириб, баҳоланади. Иншо ўқилганда, ишнинг матнида мавзунинг қай даражада очилганлигига, фикрлар ва далилларнинг берилиш услубига алоҳида эътибор қилинади. Шундан сўнг иншони грамматик жиҳатдан текшириш бошланади.

ўрта мактабларнинг юқори синфларида, тайёрлов бўлимларида ва турли ўқув юртларида иншони текшириш пайтида ишнинг хато жойи тагига чизиш ҳамда дафтар ҳошиясига белгилар чиқариш йўли билан кўрсатилади ва ҳисобга олинади. Хатоларни кўрсатиш учун имло хатоси остига икки (=) чизиқ, тиниш белгилардаги хато остига бир (-) чизиқ, услубий хатолар остига тўлқинли (~) чизиқ чизилади. Бу хатоларни ҳисоблаш учун эса дафтар ҳошиясига лотин ёзувидаги ҳарфлардан қуйидагилар шартли белги сифатида чиқарилади:

/ (штрих)-имло хатосини билдиради.

V (ве)- тиниш белгисидаги хатони билдиради.

W (дубль ве) - услубий хатони билдиради.

z (зет) – абзацни, баъзан матндаги беҳуда бўш қолдирилган ёки ноўрин банд қилинган сатрларни билдиради. Шунингдек, хатоларни кўрсатишда айириб ёзиш кераклигини кўрсатувчи ва қўшиб ёзиш кераклигини кўрсатувчи ишоралар ҳам қўлланилади.

Иншони текширишда чиройли жумла, жуда ўрнида келтирилган далил рўпарасидаги дафтар ҳошиясига қавс ичида ундов белгиси (!) қўйиш билан таҳсин ёки мақтовни; нўноқ, тушунарсиз, нотўКри жумлалар, ноўрин далиллар рўпарасидаги дафтар ҳошиясига қавс ичидаги сўроқ белгиси (?) қўйиш билан эътироз ёки тушунарсизликни билдириш мумкин. Хатолар кўрсатилиб, белгилаб чиқилгандан сўнг хатолар турларга хилланиб, уларнинг сони кўрсатилади. Баҳолашда уч хил турдаги хатолар ҳал қилувчи роль ўйнайди: 1) имлодаги (орфографик) хатолар, 2) тиниш ишораларидаги (пунктуацион) хатолар; 3) услубий (стилистик) хатолар. Яқин пайтларгача бу хатоларни қисқартириб орф, пункт, стил. тарзида турларга ажратиш учун тасниф қилинарди. Ўозирда бу хатолар таснифда «имловий», «ишоравий», «услубий» тарзида ёзиш керак деб ўйлаймиз. Таснифдаги хатолар сони ва иншо мавзусининг ёритилиши ҳисобга олиниб, иншо баҳоланади.

Иншони баҳолаш мезони

Иншони баҳолаш ёзма ишнинг бу тури мураккаб ақлий меҳнат жараёни бўлганлиги

учун ҳам кўп тортишувларга сабаб бўлиб келган. Баъзи ўқитувчилар иншони иккита баҳо билан баҳолаш шарт деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, биринчи баҳо мазмуни учун қўйилади, иккинчи баҳо имлоси учун қўйилади. Балки бундай баҳолаш ўқувчилар ва ўқитувчилар учун қулайликлар туҚдирар, бироқ таълим ва саводхонлик самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ёзма нутқни ўстириш, уни такомиллаштириш масаласи ҳам мазмун, ҳам имло жиҳатдан бирдек тўҚри ва баркамал иш турларини бажаришга эришишни тақозо қилади.

Ёзма иш тури	**Баҳо**	**Сўз танлаш ва жумла тузишдаги хатолар сони**	**Имло хатолари сони (орфографик)**	**Тиниш белгиларидаги хатолар сони (пунктуацион)**	**Жами хатолар сони (якуний)**
Диктант	«5»	-	-	-	-
	«4»	-	2	2	4
	«3»	-	4	4	8
	«2»	1	7	4	12
	«1»	3	8	6	17
Баён	«5»	1	1	2	4
	«4»	3	2	2	7
	«3»	4	4	4	12
	«2»	6	7	5	18
	«1»	7	8	6	21
Иншо	«5»	1-2	1-2	1-2	2-4
	«4»	3	2	2	7
	«3»	4-5	4-5	3-4	12-13
	«2»	6	7	5-12	18
	«1»	6	8	6	20

Ўозирги кунда К. Назаровнинг «Иншони баҳолаш мезони» муҳим қўлланма ҳисобланади. Бизнинг тавсияларимиз ана шу қўлланмага таянган ҳолда юзага келган.

ўрта мактаб дастурини, норматив грамматика талабларини яхши билган, баҳолаш мезонидан хабардор бўлган мутахассисгина иншони талаб даражасида текшириши ва баҳолаши мумкин.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, бошқа турдаги ёзма ишлардагидек, иншода ҳам имло хатолари миқдори муҳим мезон саналади.

Ўозирги кунда мактаб дастурида хатоларни аниқлашнинг қуйидаги усуллари фаоллашганлиги маъқулдир:

1. Хатоларни миқдори ва сифати (тип ёки характери) жиҳатидан аниқлаш.
2. Хатоларнинг миқдори ва хусусий (индивидуал)лигини аниқлаш.
3. Хатоларни ўтилган ёки ўтилмаган қоидаларга оидлиги жиҳатидан аниқлаш.

Хатоларни миқдор жиҳатидан аниқлаш ўқувчиларнинг умумий саводхонлик даражасини белгилаш учун қулай бўлиб, билимини оширишда амалий қимматга эга эмас. ўқувчилар билимини ошириш ва мустаҳкамлаш, малакасини кенгайтиришда эса хатолар сифати (типи ва характери)га эътибор бериш муҳим илмий-методик ва амалий аҳамият касб этади.

Ўар бир баҳо учун меъёр ва мезонни белгилашда хатоларнинг характери, типи ва миқдори ҳисобга олинади. Бу жиҳатдан улар қуйидагича гуруҳланади: а) қўпол ва қўпол бўлмаган

хатолар; б) бир хил ёки ҳар хил типдаги хатолар; в) такрорий ёки тасодифий хатолар; г) ўтилган мавзуга доир ёки тегишли бўлмаган хатолар.

Қўпол (жиддий) ва қўпол бўлмаган (жузъий) хатолар қуйидаги тамойиллар асосида белгиланади:

Қўпол (жиддий) хатолар:

1. Дастур ҳажми ва талаб даражасидаги она тили ҳодисаларини яхши ўзлаштирмаслик, ҳар бир синф учун мўлжалланган ва ўтилган орфографик, пунктуацион қоидаларни пухта билмаслик, улардан ёзма ишларда тўҚри фойдалана олмаслик.

2. Содир бўлган хато туфайли сўз маъноси ва гап мазмунининг жиддий ўзгариши ҳамда фарқланиши (масалан, қаттиқ ўрнида қатиқ; даво ўрнида даъво, суръат ўрнида сурат ёзиш каби ҳолатлар).

3. ў, қ, Қ, ҳ каби диакретик белгили ҳарфларни белгисиз ёзиш (кўз ўрнида куз, қўл ўрнида кўл, кул ўрнида кўл, қўзи ўрнида кўзи, шох ўрнида шоҳ; хил-хил ўрнида ҳил-ҳил).

4. Жуфт сўзларни ёзишда, сатрдан сатрга кўчиришда дефис қўймаслик, шунингдек, дефис ўрнида тире ишлатиш ва аксинча. Шунингдек, тире ва дефисларни график жиҳатдан ҳам фарқлаб ишлатиш зарур.

5. Муайян гапга хос тиниш белгиларини қўлламаслик ёки ноўрин ишлатиш (масалан, гап охирида қўйилиши шарт бўлган нуқта, сўроқ, ундов, кўп нуқта, нуқтали вергул кабиларни тушириб қолдириш).

6. Сўз шаклларини қориштириш, алмаштириб қўллаш:

а) келишик қўшимчаларини қориштириш, фарқламаслик қўпол услубий хато саналади;

б) ясовчи қўшимчаларни нотўҚри ишлатиш: бевосита-бавосита, беобрў-баобрў; синфдош-ҳамсинф ёки ҳамқишлоқ- қишлоқдош;

Қўпол бўлмаган (жузъий) хатолар:

1) дастур доирасидан ташқари ва эслатмаларда берилган қоидаларни билмаслик ва ёзма ишларда уларга амал қилмаслик;

2) шева хатолари (она ўрнида ойи, ая, момо, чақимчи ўрнида чақимбоз, кийик ўрнида кийикча; мол бозор ўрнида ҳайвон бозор; тўхтамоқ ўрнида бостириб тўхтамоқ каби қўллашлар);

3) кўнгил, тонги, ўзингиз, яшчик, помешчик каби сўзларда нг ва шч ҳарфий бирикмаларни ажратиб кўчириш: кўн-гил, син-гил, ян-ги, тон-ги, ўзин-гиз, яш-чик, помеш-чик каби;

4) бир тиниш белгиси ўринда иккинчисини алмаштириб қўллаш ёки қўш тиниш белгилардан бирортасини тушириб қолдириш (масалан, гап ўртасида келган ундалмалар, ундовларни фақат бир томондан ажратиш; қавслар ёки қўштирноқлардан бир элементини тушириб қолдириш каби;

5) баъзи жой номлари, шахс отлари ёки персонажлар исмини нуқсонли ёзиш (Ўамробиби-Ўамробуви, Шчедрин- Шедрин);

6) тиниш белгиларнинг биргаликда ишлатилишидаги тартибнинг бузилиши ёки биттасининг тушиб қолиши:?! шаклда эмас, !? шаклда қўллаш, !... шаклда эмас, ??? шаклда ишлатиш каби;

7) составли атоқли атамаларни ёзишда бош ҳарфларни нуқсонли ишлатиш: Халқлар дўстлиги саройи - Халқлар Дўстлиги саройи; Янги Урганч - янги Урганч каби;

8) ярим қавсдан сўнг нуқта ишлатиш ёки ундан кейинги сўзни (турдош отни) бош ҳарф билан ёзиш;

9) тиниш белгиларини номувофиқ ва ортиқча ишлатиш;

10) баъзи сўзларни икки хил ишлатиш: олий қиммат, олиҳиммат, ҳамма вақт - ҳаммавақт, оби-ҳаво - обҳаво.

Бир хил ва ҳар хил типдаги хатолар:

Муайян грамматик ҳодиса ва бир орфографик, пунктуацион ва услубий қоида билан боҚлиқ бўлган нуқсонлар бир хил типдаги хатолар ҳисобланади. Бир хил типдаги хатоларнинг ҳаммаси битта хато саналади ва бу баҳолаш учун мезон бўлади. Масалан, ўқувчи беш ўринда ҳ ўрнида бир сўзда х ёзган бўлса, ҳаммаси битта орфографик хато ҳисобланади.

Агар ўқувчи кириш сўзларнинг ёзилишида олтита пунктуацион хатога йўл қўйган бўлса, ҳаммаси битта хато ҳисобланади. Борди-ю, ўқувчи вергулнинг кириш сўзларда, уюшиқ бўлакларда ва боҚловчисиз қўшма гап қисмлари орасида ишлатилиш қоидаларини билмаса, буларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида хато саналади.

Агар ўқувчи ёзма ишда қаратқич белгисини уч ўрнида нотўҚри қўллаган бўлса, битта услуб хатоси саналади.

Ёзма ишларда такрорий ва тасодифий хатолар ҳам учраб туради. Масалан, тушунмоқ, қутулмоқ, турҚунлик, сукунат каби сўзлар барча ўринларда тўҚри ёзилиб, бир ўринда тушинмоқ тарзида ишлатилса, тасодифий хато саналади. Агар қутулмоқ сўзи беш ўринда қутилмоқ тарзида қўлланса, такрорий хато ҳисобланади. Шунингдек, бир сўз нуқсонли шаклда бир неча ўринда ишлатилади: зарар сўзи зарал, тупроқ сўзи турпоқ тарзида ишлатилган бўлиши мумкин. Баъзан 1441 ўрнида 1941 ёзиб қўйилади. Бундай фактик хатолар ҳам кенг маънода тасодифий нуқсонлар типига киради. Шуни таъкидлаш зарурки, такрорий ва тасодифий нуқсонлар ёзма ишда тузатилади, лекин жиддий хато ҳисобланмайди, яъни баҳолаш мезони ва меъёрига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди.

Иншони баҳолашда ҳисобга олинмайдиган хатолар бўладими? Қуйидаги нуқсонлар ёзма ишларни баҳолашда ҳисобга олинмайди:

1. Мактаб грамматикаси доирасига кирмаган орфографик, пунктуацион ва услубий нуқсонлар.
2. Ўзли ўрганилмаган қоидаларга оид нуқсонлар.
3. Илмий-назарий жиҳатдан махсус текширилмаган ва ёзилиши жорий этилмаган нуқсонлар.
4. Индивидуал (автор) нутққа хос пунктуацион ҳолатларнинг берилишидаги нуқсонлар.

Иншони баҳо тизимида (5 баллик) баҳолаш

1) Агар иншо мавзуси батафсил режа асосида ёритилган бўлса, танланган манбадан ўринли фойдалана олинган, мустақил ижодий фикрлар билан мантиқли ёзилган бўлса, мазмунига «5» баҳо қўйилади. Имло жиҳатдан саводхон ёзилган бўлса, 1-2 та қўпол бўлмаган имло ёки ишорат хатолар бўлса, иншога «5» баҳо қўйилади. Агар саводхонлигида хатолар сони 2 тадан ортиқ бўлса, саводхонлик учун қўйиладиган баҳо пасайтирилади.

2) Иншо мазмуни батафсил ёритилган бўлса, ўқувчининг эркин фикрлаши сезилиб турса, аммо фикрни баён қилишда баъзи бир ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, мазмунига «4» баҳо қўйилади. 2 та услубий, 2-3 та имло хато ёки кўрсатилган меъёрдан ошиб кетса, унинг баҳоси пасайтирилади.

3) Мавзу асосан тўҚри ёритилган бўлса, аммо баён қилишда баъзи бир камчиликларга йўл қўйилган бўлса, фикрлашда изчиллик бўлмаса, мазмунига 3 «баҳо» қўйилади. 2-3та услубий хато, 3-4 та имло ёки тиниш белги хатодан ошса, «3» баҳо қўйилади.

4) Мавзу тўлиқ очилмаган бўлса ёки мавзудан четга чиқилган бўлса, фикрни баён қилишда жузъий хатоларга йўл қўйилган бўлса, мазмунига «2» баҳо қўйилади. 6 та услубий хато,7 тадан ортиқ имло ва тиниш белги хато бўлса, саводхонлигига ҳам «2» баҳо қўйилади. Хатолар сони 10 тадан ортиқ бўлса, «1» баҳо қўйилади.

Ихтисослашган синфларда ўқитувчи ўзи ўқувчиларнинг ўзлаштиришидан келиб чиқиб меъёрни ўзгартириши мумкин.

Иншо хатолари устида ишлаш

Иншо хатолари устида ишлаш ўқитувчидан эътибор ва ижодкорлик талаб қиладиган машҚулот туридир. Ўар бир ўқувчига иншолардаги хатони кўрсатиб қўйишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу хатоларни бартараф қилиш учун иншо муаллифи билан ишлаш керак бўлади. ўқитувчи иншо хатоларини тасниф қилар экан, ҳар бир хатонинг келиб чиқиш сабабларини тасаввур қилади. ўқувчиларнинг кўпчилигига хос бўлган ва айрим ўқувчигагина хос бўлган хатоларни ҳисобга олади. Баҳоларни эълон қилиш, журналга ўтказиш, энг яхши ва энг ёмон иншоларга тавсиф бериш каби ишлар тугагач, иншо хатолари устида ишлаш бошланади.

Бунда қуйидаги иш турларидан фойдаланиш мумкин:
1. Ўар бир ўқувчининг ўз хатолари устида ишлаши.
2. Кўпчиликка хос (типик) хатолар устида ёзув тахтасида иш олиб бориш.
3. Тахтадаги сўзлар воситасида гаплар тузиш мусобақаси.
4. Мавзуга доир луҚат диктантлари ўтказиб бориш.
5. Доимий ва муваққат саводхонлик лавҳалари ва тахталаридан фойдаланиш.
6. Берилган гап ёки жумла вариантларини тузиш мусобақасини ўтказиш.
7. Энг мақул эпиграф топиш конкурсини ўтказиш.
8. Имло луҚати билан ишлаш.
9. Берилган сўз синонимларини топиш (синонимик қатор ҳосил қилиш).
10. Берилган сўз антонимларини топиш.
11. Асар қаҳрамонларига ёки адибларга сифатлашлар топиш.
12. Устунларга ажратиб ёзиш машқларини ўтказиш.
13. Адабиёт дафтарида энг қийин сўзлар имло луҚатини тузиб бориш.
14. «Қийин сўзлар занжири» ўйинидан фойдаланиш.
15. Иншо Қояси ва мавзусига мос мақоллар топиш.
16. Бирон иншога ёки унинг парчасига сарлавҳа топиш.
17. Мўъжизалар майдони, чархпалак, бошқотирма (кроссворд) типидаги ўйинлардан фойдаланиб, қийин сўзлар ёзилишини хотирага сингдириш.
18. Энг қийин сўзларнинг ребусини тузиш.
19. Электрон ҳисоблаш машинасидаги махсус дастур асосида машқлар ўтказиш.
20. Матнлар воситасида саводхонликни кўтариш ва ҳоказо.

Иншодаги хатолар устида ишлаш жараёнида иншо матнлари учун фаол бўлган лексика - 300-400 сўз қуйи синфлардан бошлаб ўқувчиларга сингдириб борилиши, уларни тўҚри ёзишга доир машқлар узлуксиз ва тадрижий равишда ўтказилиб бориши яхши натижа беради. ўқувчининг диққати ва хотирасини ўйинлар ва машқлар воситасида саводхонлик томонга йўналтиришнинг янги усулларини ўйлаб топиш ва самарали қўллаш ўзбек тили мутахассисларига ҳавола.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Долимов С., Убайдуллаев З., Аҳмедов К. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т., 1967.
2. Долимов У., Аъламова М. Иншо устида ишлаш. – Т., 1987.
3. Долимов У. Иншони қандай ёзиш керак? – Т., 1972.
4. Долимов У. Тингловчиларни иншога тайёрлаш. – Т., 1991.
5. Ёқуббекова М. Иншо - билим ва саводхонлик мезони. – Андижон,1992.
6. Зуннунов А., Эсонов Ж. Мактабда адабиёт ўқитиш методикаси. - Т., 1985.
7. Исматов С. ўрта мактабнинг юқори синфларида иншо. – Т., 1973.
8. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? –Т.,1991.
9. Назаров К. ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёри (V-XI синфлар учун). – Т.: ўқитувчи, 1990.
10. Одилов М. Иншо таҳлили нималарни кўрсатди? //ўқитувчилар газетаси. - 1986 йил, 16 август.
11. М.Юсупова. Диктантлар тўплами. – Т.: ўқитувчи, 2001.

12-маъруза.

Мавзу: Таълимий диктант (амалий машҚулот) – 2 соат

Bir piyola choy

Choy bundan 3 ming yil muqaddam Xitoyda ma'lum bo'lgan. Afsonada aytilishicha, cho'ponlar qandaydir yashil daraxtning barglarini chaynagan qo'y va echkilar chaqqon, dadil bo'lib qolishini, tik joylarga ham charchamay chiqib ketishini payqaganlar. O'zlari ham bu o'simlikni quritib, suvda qaynata boshlaydilar.

IV asrning o'rtalariga kelib, choy ichish Xitoyda keng rasm bo'ldi. Keyinchalik choy Yaponiyaga, Osiyo mamlakatlariga tarqaldi. Yevropada birinchi marta portugallar, gollandlar choyning ta'mini tatib ko'rishgan.

Rossiyada choy ilk bor 1638-yilda paydo bo'ldi. O'shanda mo'g'ul xoni Oltinxon rus podshosiga sovg'alar bilan birga to'rt pud quritilgan choy yaprog'i yubordi. Ko'p o'tmay choy ichish Rossiyada keng tarqaladi.

Somali xalqi choy ichishni juda sevadi. Bu yerda erkaklar ko'pincha bizdagiga o'xshagan choyxonalarda choyxo'rlik qiladilar. Choy damlash ham Somali xalqida o'ziga xos. Ana shunday choydan bir piyola ichgan kishi uzoq vaqtgacha chanqamaydi. Shuningdek, choy me'dani 2-3 soat to'q tutadi. Choy - tanin moddasiga boy o'simlik. Tanin miqdori qora choyda 16 foiz, ko'k choyda esa 25 foiz bo'ladi. O'zimizning serquyosh o'lkamizda ham katta-yu kichik choyni xush ko'rib ichadi. Qaysi xonadonga bormang, albatta dasturxonga choy qo'yiladi. Choy kishiga qat'iylik ato etadi, diqqatni taassurotlarga peshlaydi, fikr yuritishga yordam beradi. Choy ichgan kishi bardam bo'ladi, tetik yuradi (180 so'z).

Yurtga fidoyilar kerak!

Azamat Haydarov

Har bir davr o’z fidoyilarini yaratadi. Bunga bizning o’tmishimiz guvoh. Bizni shu paytgacha Oktabr to’ntarishi inqilobchilari, yigirmanchi yillar komsomollari, o’ttizinchi yillar ko’ngillilaridan ibrat olishga, ulardan fidoyilikni o’rganishga da’vat qilib kelishgan.

Biz endi boshqa, yangi davrda yashayapmiz. Istiqlolimiz o’zining o’n ikki yoshini qarshiladi. Mustaqillik chinakam fidoyilar tufayli boqiydir. Chunki bu ozod kunlarni orzu qilgan, buning uchun kurashgan, jonni fido qilgan insonlar nomini tarix hech qachon unutmaydi.

Oktabr to’ntarishi ro’y bergan bir paytda millatimizning fidoyi farzandlaridan biri Cho’lpon:

“Kishan kiyma, bo’yin egma,
Ki, sen ham hur tug’ilg’onsen”, - deb yozgan edi.

Abdurauf Fitrat o’z xalqini jaholat girdobidan ozod bo’lishga chorladi. Abdulla Avloniyning ma’rifatparvar chaqiriqlarida ozodlik g’oyalari mujassam.

Ajdodlarimiz yurt, Vatan fidoyisi so’zini tilda emas, amalda isbot etganlar. Bugungi istiqlol tufayli biz ularga qayta-qayta murojaat qilmoqdamiz. Ulug’ sohibqiron Amir Temurning butun faoliyati ma’rifat-ma’naviyat ishlarini yuksaltirish bilan bog’langan. Amir Temur davrida qurilgan o’lmas va betakror obidalar bugun ham hayotimizga ko’rk bag’ishlab turibdi. Chunki buyuk jahongir o’z atrofiga fidoyi kishilarni to’pladi. Shu bois ulug’ sarkarda saltanatini butun dunyo tan oldi.

Biz hamon Amir Temur qoldirgan ulkan ma’rifat xazinasidan bahra olmoqdamiz. Ayniqsa, mustaqil vatanimizda fidoyi yoshlarni tarbiyalashda Amir Temur saboqlari qo’l kelmoqda. Mamlakatimiz Prezidenti Islom Karimov tashabbusi bilan fidoyi yoshlarni kamol toptirishga katta e’tibor berilmoqda. Yurtboshimizning rahbarligida “Umid” va “Ulug’bek” jamgarmalari tuzildi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi ishlab chiqildi. Eng salohiyatli yoshlar xorijiy davlatlarga o’qishga jo’natilmoqda.

Vatan istiqboli fidoyi kishilar tufayli o’lmas va abadiydir. Yurtga fidoyilik - eng ulug’ fazilat. Turon zaminining har qarich yerida bebaho tarix yashaydi. Bu tarixni shu zamin fidoyilari yaratishgan. Mana shu ko’hna tarixni asray bilsak, uning qadriga yetsak, kelajakni asragan bo’lamiz.

Vatan bizning qismatimizdir

Ma’naviyatimiz qo’limizda yengilmas kuchga aylansin.

Islom Karimov

Vatan aslida - biz ko’z ochib ko’rgan dunyo, shu muqaddas tuproq. Bobolarimiz shu zaminni deb kurashganlar, kerak bo’lsa, aziz jonlarini tikkanlar. Bunga olis va yaqin tarix guvohlik beradi. Shiroq, To’maris, Temur Malik, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur kabi ulug’

salaflarimizning hamisha uyg’oq so’zi bizni hushyorlikka undaydi. Vatan oldidagi farzandlik burchini idrok etmoqqa da’vat etadi.

Bugun har birimiz his etayotgan qadr-qimmatimiz aslida shu tarixiy haqiqat mevasidir.

Mamlakatimiz Prezidenti Islom Karimov mustaqil O’zbekistonning birinchi poydevorini qo’yganidan, dunyo xaritasida yangi bir davlat paydo bo’lganidan buyon o’n ikki yil o’tdi. Har bir kun tarixda yangi sahifalar ochmoqda.

“Shu mo’tabar zaminda tavallud topgan inson, o’zini aynan shu yurt farzandi deb bilguvchi inson o’z davlati va xalqi oldidagi, uni katta umidlar bilan tarbiya etgan, voyaga yetkazgan jamiyat oldidagi burchini ado etishi kerak. Bu gap menga ham, sizga ham, barchamizga birday tegishlidir! Sodda qilib aytganda, har birimiz “Shu davlat, shu jamiyat menga nima berdi?” deb emas, balki “Men o’zim Vatanimga, el-u yurtimga nima berdim?“ deb o’ylashimiz va shu aqida bilan yashashimiz kerak”.

Yurtboshimizning bu so’zlari Vatan tuyg’usini dilga jo etgan har bir yurtdoshimizni o’ylantirishi tabiiydir.

Tarixni anglash – Vatanni anglash bilan barobar deb o'ylayman. Ana shu tuyg'ugina ko'p ishda qanot bo'la oladi, shuningdek, inson burch tuyg'usini ham unutmasligi lozim. Vatanga tilda emas, amalda astoydil xizmat qilish kerak. Zero, u har birimizning qismatimizdir.

Azamat Haydarov

13-маъруза.
Мавзу: Дарс турлари. Анъанавий ва ноанъанавий дарслар – 2 соат

Режа:
1. Дарс. Анъанавий ва ноанъанавий дарсларнинг хусусиятларлари.
2. Дарснинг мақсадга кўра турлари.
3. Мустақил (ижодий) фикрлашга ўргатиш – бош мақсад.

Маълумки, умумтаълим мактабларида фанларни ўқитишнинг эскича усуллари замон талабига тўла жавоб беролмай қолди. ўқитувчиларнинг ўқитиш тизимидаги ўрнини белгилаш ҳозирги куннинг муҳим масаласидир. Ўозирги замон мактаб ўқитувчиси мумкин қадар мустақил, эркин фаолият кўрсатиш йўлидан бормоҚи лозим. Бунинг учун унда чуқур билим, тажриба, иқтидор ва шу билан бирга, болаларга билимни етказа олиш маҳорати бўлиши зарур. Зеро, «биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак». Бошқача айтганда, ўқитувчи замон билан ҳамнафас фаолиятда бўлмоҚи муҳим.

Бироқ бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боҚланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.

Тил таълими мисолида фикр юритадиган бўлсак, мактаб ўқувчиси дарс давомида турли ҳажм ва мураккабликдаги кўплаб топшириқларни бажарса-да, оҚзаки ва ёзма саводхонлиги сезиларли ўзгармаяпти. ўқувчиларнинг кўпчилик қисмида ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оҚзаки, ёзма шаклларда тўҚри, равон ифодалаш кўникмалари ҳамон паст савияда қолиб келмоқда. Бу ҳолнинг асосий сабабларини фақат ўқитувчига тўнкаш ёки мактабларнинг моддий-техникавий қашшоқлигидан излаш адолатсизлик бўларди. Мавжуд ҳолат кўп жиҳатдан ***тил таълимининг мақсади, мазмуни ва усулига*** алоқадор бўлиб, уни янгилаш ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Бу ўринда тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Шу мақсадда ўқитувчиларга баъзи назарий маълумотларни эслатиб, уларга етарли тушунча беришни лозим топдик.

Педагогик амалиётда **дарс** инсоният тўплаган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни сифатида талқин қиинади. Дарс иштирокчиларининг ролини (вазифасини) белгилаш унинг самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, таълим жараёнининг субъекти ва объектини белгилаш доим турли баҳсларга сабаб бўлган. Илгари амалда бўлган дастур ва дарсликларда ўқитишнинг ***дедуктив усули*** устун турарди, яъни қоидадан таҳлилга, умумийликдан хусусийликка бориларди. Бу усул тил материалларини ниҳоятда ихчам шаклда баён қилиш имкониятини яратса-да, ўқувчиларни пассив ҳолатга қўярди. Чунки умумий қоида, хулоса ва таърифлардан амалий ишга ўтиш жараёнида ўқувчининг фикрлаш фаолияти чегараланади. У ўрганилаётган тил материалларини ўз ақлий фаолияти жараёнидан ўтказа олмайди. Бу ҳол, шубҳасиз, болани таълим жараёнининг субъекти, яъни фаол ишловчисига эмас, балки объекти, яъни тингловчисига айлантириб қўяди.

Бугунги кунда амалда бўлган ўзбек тили дарсликлари эса ўқувчини ***индуктив усул***да ўқитишга асосланган, яъни ҳар бир хулоса, қоида, таъриф ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига таянган ҳолда, хусусий мисоллар асосида чиқарилади, ўқувчи "ўзини ўзи ўқитади". Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчини фаоллаштириш бебош дарёни ўзанидан чиқариб юбориш эмас, балки қатъий ва пухта ишланган режа асосида ўқитишдир. ўқитувчи бунда томошабин эмас, шу жараённинг фаол ташкилотчиси, раҳбаридир. Бу ҳолат ўқитувчининг ўз касбига нисбатан масъулиятини бир неча марта оширади, ундан кучли билимдонлик, педагогик маҳорат талаб этади.

Шу ўринда одатдаги **анъанавий ва ноанъанавий дарс атамалари**дан воз кечиш лозимлиги, ҳар кунги дарс ноанъанавий тарзда ўтиши зарурлигини таъкидлаш жоиз. Бунда анъанавий дарсларнинг қолипи, яъни босқичларнинг кетма-кетлиги қатъий белгиланмайди, шу билан бирга, дарсни тартибсиз, режасиз ўтказиш мумкин деган хулоса келиб чиқмайди.

Умумтаълим мактабларнинг ўзбек тили дарсларида кичик ва нисбатан йирик мавзулар ўтилади. Дарс мавзусидан, синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, дарс тури танланади. Йирик мавзуларни ўтишда дарсларнинг мақсадига кўра белгиланган қуйидаги таснифидан фойдаланилади:

1. Янги мавзу билан таништириш дарслари. Бунда дарс тўлалигича янги мавзуга баҚишланади, билим берилади.
2. Мустаҳкамлаш, умумлаштириш дарслари. ўтилган мавзу мустаҳкмланади, умумлаштирилади, қизиқарли топшириқлар бажарилади, кўникма ва малака ҳосил қилинади.
3. Назорат дарслари. Эгалланган билим-кўникма-малака даражаси текширилади.
4. Аралаш турдаги дарс. Кичик мавзулар билан таништиришда (масалан, кўпроқ қуйи синфларда, 5-7-синф ўзбек тили дарсларида) фойдаланилади. Бир дарс давомида юқоридаги босқичлар мужассам этилади.

Янгиланган таълим мазмуни янги дастур ва дарсликларда ўз аксини топди. Бугунги кунда ўзбек тили дарсликлари тил таълимига жадал кириб келаётган коммуникатив тамойилга асосланган. Бу тамойил ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг оҚзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш, уларда мустақил тадқиқот малакаларини шакллантириш ва ривожлантириб боришдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг йирик услубшунос олимлари, кўплаб етук ўқитувчиларнинг тажрибалари ўқувчиларни ўзбек тили дарсларида мустақил фикрлашга ўргатишнинг энг мақбул усулидан суҳбат-мунозара, баҳс, хилма-хил ноанъанавий дарсларда синфни фаол иштирок эттириш эканлигини узил-кесил аниқлаб берган. Бундай шакллардаги дарслар, аввало, ўқувчиларни ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо, савол, вазифа устида ўйланишга, жавоб излашга сафарбар этади. Шунинг ўзи ижодий жараён бўлиб, ўқувчидан ўз билимларини фаол ишга солиш, хилма-хил жавоб вариантлари устида бош қотириб, изланиб, тўҚри хулоса чиқаришни талаб қилади. Албатта, ўқувчи бу жараёнда ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар, дарсликдаги тайёр кўрсатмалар доирасида чегараланиб қолмай, уларни тўлдиришга интилиши, ўқитувчи ҳам уни худди шу хил фаолиятга йўналтириб бориши зарур. Шундагина биз ҳар бир масала юзасидан ўз мустақил фикрига эга, саводли,

баркамол шахсни тарбиялашга эришамиз. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, «ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўҒрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай Қаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади».

Фойдаланилган адабиётлар:
1. Умумий ўрта мактабларнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. ўзбек тили // ўзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. – 1999, 1-махсус сон.
2. А.ўуломов, Ў.Неъматов. Она тили таълими мазмуни. – Т.: ўқитувчи, 1995.
3. А.ўуломов. Она тили ўқитиш жараёнида фаоллик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. – Т., 1989.
4. А.ўуломов. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. – Т., 1992.
5. М.Абдураимова. Она тили таълимида янги педагогик технология. – Т., 2001.

14-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили дарсларида таълимнинг янги шакллари. ИлҚор педагогик технологиялар. Инновацион таълим усуллари – 8 соат

Режа:

1. Технология. Замонавий ахборот технологиялари.
2. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологияларнинг моҳияти ва муаммолари.
3. Инновацион таълим усуллари. Педагогик технологиялар ва таълим методлари.
4. Таълимни технологиялаштиришда ўқитувчиларнинг ўрни ва роли. Педагог таълим жараёнини лойиҳаловчиси, юритувчиси ва уни бошқарувчиси сифатида. Новатор (ижодкор) ўқитувчига хос сифатлар.
5. Интерфаол усуллар.

> ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу - мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.
>
> Ислом Каримов

ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли иштирок этиши инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигининг ошишида қандай роль ўйнашига боҚлиқ.

Шубҳасизки, XXI аср мисли кўрилмаган тезкор ривожланиш асри бўлади. Бундай ривожланишни компьютерлар ва ахборот тизимлари, маҳаллий ва глобал тармоқлар, «Интернет» умумжаҳон тармоҚи, мультимедиали технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ахборотлаштириш кишилик жамиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Замонавий ахборот технологиялари тезкор ва мувофиқ равишда бошқаришга, ахборот коммуникацияларини ўрнатишга имкон беради.

«Ахборот» тушунчаси лотинча «informatio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, бирор бир далил, воқеа-ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни билдиради. Агар маълумотлардан бирор нарса тўҚрисидаги мавҳумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти туҚилса, маълумотлар ахборотга айланади.

Ахборот технологиялари - билимлар кўринишидаги ахборотларни ишлаб чиқиш, сақлаш, узатиш ва фойдаланишнинг машиналаштирилган усулларидир.

"Технология" тушунчаси, умуман, меҳнат усуллари, ишлаб чиқаришнинг моддий, техник, энергетик, меҳнат заҳираларида гавдаланган илмий ва инженерлик билимларининг мажмуаси, белгиланган талаблар, андозаларга жавоб берувчи маҳсулот ёки хизматларни яратиш учун уларни бирлаштириш усулларини ўз ичига олади.

Технология сўзи юнонча бўлиб, «техне» – маҳорат, санъат; «логос» – тушунча, таълимот маъноларини англатади. Технология сўзи саноатда ёки қишлоқ хўжалигида тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган усул ва методлар йиҚиндисини англатади. Бирор маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришда қўлланиладиган амалларнинг барча таркибий қисмлари – хом ашёни қазиб ёки йиҚиб олиш, ташиш, тахлаш, ишлов бериш, зарур шаклга ёки тайёр маҳсулот ҳолига келтириш ва уни сақлаш жараёнида амалга ошириладиган ишларнинг барчаси технология дейилади. Технологиялар сафига ишлаб чиқариш жараёнини тасвирлаш, уларни амалга ошириш бўйича тайёрланган қўлланмалар, ишлаб чиқариш қоидалари ва талаблари, жадваллари ҳам киради. Саноатда бирор маҳсулотни ишлаб чиқишнинг юзлаб технологиялари мавжуд. Қишлоқ хўжалигида, масалан, бугунги пахтачиликда «Андижон технологияси» деган тушунча кенг тарқалган. Мана шу термин асосида андижонликларнинг йил охирида ерни кейинги йил ҳосилига тайёрлашдан тортиб то пахтани йиҚиб-териб олгунга қадар бўлган барча ишлари тушунилади. Агар Тошкентда пахтани «Андижон технологияси» асосида етиштирмоқчи бўлинса, тошкентлик деҳқонлар андижонлик ҳамкасбларининг пахтани етиштиришда қўллаган барча усулларини ўз қонун-қоидалари билан яхлитича ўзлаштиришлари ва ўз фаолиятларида қўллашлари керак бўлади. Акс ҳолда кутилган натижага эришолмайдилар. Бундан ташқари, ернинг ўзига хос хусусиятлари, иқлимдаги ўзига хосликларни ҳам ўрганиш ва иш жараёнида уларни инобатга олиш керак бўлади. Демак, деҳқончилик ҳам ўзига яраша билимни тақозо қилади. Шунда иш ким томонидан ва қаерда бажарилишидан қатъи назар, маҳсулот сифати ҳамда натижаси кафолатланади. Кўр-кўрона кўчириб олавериш билан иш битмайди.

Ўозирги замон ахборот технологияларининг асосини 3 та техника ютуҚи ташкил қилади:

1) ахборотнинг машина ўқийдиган воситаларда жамланиши (магнит тасмалар, кинофильмлар, магнит дисклар);
2) ахборотни масофа ва вақт бўйича чеклашларсиз етказиш имконининг туҚилиши (радио, телевидение, йўлдош алоқа, телефон тармоҚи ва ҳ.к.);
3) ахборотни компьютерлар ёрдамида ишлаб чиқиш имкони.

Энди бу ҳолатни бевосита таълим жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқиш (ўқувчи томонидан қилинадиган ишлар) – ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) жараёнининг ўзаро узвийлигини, алоқадорлик босқичларини ажратиш; таълим-тарбия жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бажариладиган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг кетма-кетлиги, босқичма-босқичлигини таъминлашни; лойиҳалаштирилган (режалаштирилган) барча ишлар ва амалларни бирдек, талаб даражасида бажариш назарда тутилади. Замонавий ахборот технологиялари таълим тизимига ҳам жадал кириб келмоқда. Ахборот узатишга доир технология тарафдорлари ўқитиш жараёнини қулайлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу қулайлик педагогик технология усулларини эгаллаш орқали яратилади.

«Педагогик технология» тушунчаси 1940 йилларда техник жиҳозларнинг яратилиши ва ўқув жараёнида қўлланилиши билан боҚлиқ ҳолда юзага келган эди. 1965 йилда ташкил этилган «ўқув қуроллари ва ўқитишнинг техник жиҳозлари» номли илмий тадқиқот институти фаолияти бу борадаги илҚор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилди. Шундан сўнг ўқитиш жараёнида педагогик технология методлари ишлаб чиқилди.

Тарбияшунослик амалиётида қўлланиладиган технологиялар – усуллар, методлар – инглиз тилидан олинган бўлиб, бизнинг амалиётимизга «таълим технологияси» атамаси

билан кириб келмоқда. «Педагогик технология» атамаси таълим жараёнига янгича, ўзига хос белги ва хусусиятларга эга бўлган, тизимли ёндашувга асосланади. Бу таълим жараёнига инновацион[1] ёндашув демакдир. Яъни таълимни ташкил этишда жаҳон педагогикаси амалиётида қўлланиладиган қатор метод ва усуллар, илмий техника ютуқлари ва илҚор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳаларнинг фаолият доираларида қўлланилиши, ўқитишнинг шаклларини миллий тарбияшуносликка ҳар бир ўқувчи шахси, руҳий ўзига хосликлари, интеллектуал имкониятлари, миллий ва ижтимоий хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб кириш демакдир.

Қатор адабиётларда кўрсатилишича, «Педагогик технология» тушунчасига кўпчилик мутахассислар ўзларича ҳар хил таъриф берганлар. Педагогик технология – «амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир», «таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш учун ўқув жараёнида қўлланиладиган усуллар, воситалар мажмуидир», «олдиндан белгиланган, лойиҳалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини изчил амалга оширишдир» сингари вариантлари мавжуд. ЮНЕСКО ташкилоти бу борада: «Педагогик технология – таълим шаклларини оптималлаштиришни(энг қулай усулларини топишни) ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолда ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техника воситалари, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда аниқлаш ва ташкил этишнинг методлари тизимидир» деган таърифни маъқуллаган.

Педагогик технология бу – ўзаро боҚлиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи бўлимлар ва тизимлар мажмуаси. У таълим тизими маълум босқичининг битирувчиси шахсига хос бўлган хусусиятларни юзага келтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Педагогик технология муаммоларини ҳал этишда, биринчи навбатда, ўқитишнинг янгича ўзлаштириш усулига алоҳида эҳтибор бериш лозим. Бу борада педагогик технология вазифаларини алоҳида ажратиш ва кўпчилик тушунчасидаги «òåõíîëîãèÿ» атамасининг техник тараққиёт эмаслигини қайд этмоқ зарур. Педагогик технологиянинг мақсади аниқ масалалар қўйиш орқали ўқувчини ўйлашга, мустақил фикрлашга одатлантиришга қаратилгандир, зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, «**таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз**».

Замонавий педагогик технологиялар лойиҳаларининг таркибий тузилиши. Педагогик технология таркибига умумлаштириб айтганда қуйидагилар киради:

1. Таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масалалари таснифи.
2. Хусусий мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш.
3. Таълим мақсадини назорат топшириқларига айлантириш.
4. Мақсадларга эришиш усуллари.
5. Таълим мақсадига эришганликни баҳолаш.

Буларнинг ҳар бири педагогик амалларнинг қулайлаштирилган тизимидир.

Педагогик технологияларнинг умумий тузилмаси қуйидагиларни қамраб олади:

- маълум ўқув фани бўйича мақсад ва вазифалар тизимини ишлаб чиқиш (бу ўқув фани бўйича таълим концепцияси, стандарти ва дастурини яратувчи мутахассислар томонидан белгиланади);
- таълим мақсадини назорат (тест) топшириқларига айлантириш (бу ҳам соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилади);
- таълим мақсадига эришиш усуллари (мутахассислар томонидан методик тавсиялар шаклида, ўқув фани ўқитувчилари томонидан амалий тарзда белгиланади);

[1] Инновация – илмий техника ютуілари ва илІор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошіариш ва меџнатни ташкил этиш каби соџалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соџалар ва фаолият доираларида іґланилиши (¤збекистон Миллий энциклопедияси. 4-том. 169-бет).

- таълимнинг мақсадига эришилганликни баҳолаш (ўқитувчи томонидан амалга оширилади);
- хатони тузатиш (хусусий ўқув мақсадлари учун ўқувчи ва ўқитувчи билан биргаликда амалга оширилади);
- жорий назорат натижаларига асосланиб хатоларни тузатиш.

ўқув машҚулотларини лойиҳалаштиришнинг умумий тузилмаси қуйидагича:

Мавзунинг номи.

Ахборот манбалари, таълим жиҳозлари: дарслик, ўқув қўлланмалар, аудиовизуал воситалар, компьютерга киритилган ўқув материаллари, ўқитишнинг замонавий автоматлаштирилган компьютер тизимлари, мультимедиа ва бошқалар.

1. Мавзунинг умумий мақсади ва мазмуни (дарснинг мақсади сифатида умумий мақсадлар ва мавзунинг муҳим жиҳатлари кўрсатилади): 1, 2, 3;…
2. Мавзунинг мазмунини ойдинлаштирувчи мақсадлар, яъни ўқувчининг мақсадлари сифатида ўқув топшириқлари – турлари; ўқувчининг кузатиладиган, ўлчанадиган фаолияти шаклида, яъни тест саволлари, ўқув вазифалари, топшириқ шаклида ифодаланади: 1, 2, 3;…
3. Аниқ мақсадларни тест вазифаларига айлантириш: 1, 2, 3;…
4. ўқиш (ўқувчи) – ўқитиш (ўқитувчи) жараёни (дарсни қандай ўтиш) стандартлаштирилмайди. Дарсни ҳар бир ўқитувчи ўз маҳорати ва синфдаги ўқувчиларнинг имконияти даражасида ўтказади. Педагогик технологиянинг қоидалари, ўқитиш тамойилларидан фойдаланади.
5. ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштирганлик даражасини, яъни таълимнинг режалаштирилган натижасига эришилганлигини баҳолаш (шу мавзу бўйича тайёрланган тест топшириқлари орқали оҚзаки ёки ёзма тарзда аниқланади).

Педагогик тизимнинг ҳозирги ва эртанги кун талабларига тўла жавоб берадиган янги сифатга ўтишини тезлаштириш учун инновацион таълимни, ундан келиб чиқадиган билишнинг илмий воситаларини ишлаб чиқиш, илҚор педагогик тажрибани таҳлил қилиш ва ёйишни жадаллаштириш зарур.

Француз олими Э.Брансуик педагогик инновацияларнинг уч турини ажратади:

1) мутлақо янги ва илгари номаълум бўлган таълимий Қоялар;
2) янгиликларнинг энг кўп миқдори мослаштирилган, кенгайтирилган ҳамда қайта ишланган Қоялар, ишлар бҳлиб, улар маълум муҳит ва вақт ичида алоҳида долзарб бҳлади;
3) мақсадлар ўзгарган шароитларда такрорий қўйилиши муносабати билан баъзи илгари мавжуд бўлган усуллар қайта янгиланади.

Инновацион таълим усулларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш бўйича мамлакатимиз ўқув муассасаларида бирмунча ижобий тажриба вужудга келди. Бунда «Интернет» хизматидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумотларга қараганда, республикамизда 1498 юридик ва 2387 нафар жисмоний шахс интернет-провайдерлар хизматидан фойдаланиб, 6924 киши «Интернет»нинг обуначиси, тахминан 140000 киши ундан умумий фойдаланувчи ҳисобланади. ўзбекистонда мавжуд 9665 та мактабнинг ярми компьютер синфларига эга, улардан 22 таси Интернетга уланган.

«Интернет» орқали билим олиш **масофавий таълим** деб ҳам аталади. ўтган асрнинг 60-йилларида Америка университетларида дунёга келган бу усулдан ҳозирги кунда жаҳон миқёсида жуда кенг фойдаланилади.

Масофадан ўқитиш тизими анъанавий ўқитиш тизимига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Бунда киши ўзи учун қулай вақт ва қулай жойда таълим олиши мумкин. ўқув маълумотлари манбаларига (электрон кутубхона, маълумотлар банки, билимлар базаси ва ҳ.к.) кўп сонли ўқувчиларнинг бир вақтда тармоқ орқали мурожаат қилиш имконияти туҚилади. Тармоқ орқали ўқувчи билан ўқитувчининг тўҚридан тўҚри мулоқоти ўрнатилади.

Аммо ўқитишнинг бу тизимини жорий этишни маълум бир муаммолар кечиктиряпти:

- ўқув муассасалари техник базасининг ночорлиги;
- мукаммал дастурий таъминот танқислиги;
- тайёргарлик муаммолари - мутахассисларнинг техникадан фойдаланиш малакаси шаклланмаганлиги.

Ўзозирги кунда жуда кўп методист ва педагог олимлар янги педагогик технологиялар ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла кафолатлайди деб қарашмоқда. ТўҚри, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологияни ўзлаштириш ёрдамида қўйилган мақсадга тўла эришиш мумкин. Лекин бу назарияни педагогик технологияда тўлалигича қўллаб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги таклиф қилинаётган технологияни бутунлай қабул қилмасдан, аксинча, уни инкор қилиши мумкин. Шунинг учун замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчи кўзланган мақсадга эришишнинг бош кафолатчиси бўлади.

Шу ўринда қуйидаги фикрни таъкидлаш жоиз: бугунги кунда ўқувчини таълим-тарбия жараёнининг пассив объектидан фаол субъектига айлантириш Қояси барчага маълум ва бу Қоя кўп ҳолатларда ўзининг ижобий ечимини топмоқда. ўқитувчининг вазифаси ўқувчини ахборот билан таъминлаш эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи билим олиш йўлини кўрсатади.

ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўқитувчиларнинг янгиликларга муносабатига нисбатан уларнинг ушбу категорияларини ажратиш мумкин:

- новаторлар (янгилик яратувчилар);
- янгиликни ҳаётга татбиқ этувчилар;
- хайрихоҳлар (эргашувчилар);
- иккиланувчилар.

Таълим инновациялари муаммоларини ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти ҳақидаги масала ҳозирги вақтда энг долзарб бўлиб қолмоқда.

Таълимни технологиялаштиришда ўқитувчиларнинг ўрни ва роли. Педагог таълим жараёнини лойиҳаловчиси, юритувчиси ва уни бошқарувчиси сифатида.

Таълим жараёнида қўлланиладиган ҳар бир методдан фойдаланиш ва унинг шаклини белгилаш асосан ўқитувчининг зиммасида бўлади. Бугунги тарбияшуносликда қуйидаги Қоялар етакчилик қилиши керак:

- **бола шахсини биринчи ўринга қўйиш.** Дарс жараёнида болага билим беришни эмас, уни шахс сифатида, индивид сифатида биринчи ўринга чиқариш етакчилик қилиши лозим. Бу - шаклланиб келаётган инсонда мутахассис эмас, Одам тарбиялаш, уларда инсоний фазилатларни шакллантириш, асар қаҳрамонлари кўмагида одамни англаш, шу аснода ўзлигини кашф қилишга ўргатиш демак. Таълим жараёнида ҳамма - ўқитувчи ҳам, дарслик ҳам, дарс ҳам, ўқувчининг ўзи ҳам боланинг руҳий тарбияси, унинг ўзлиги учун ишлаши керак;
- **дарсларда маънавиятни шакллантиришнинг устуворлигини таъминлаш.** Дарсларда ўқувчини сўздан таъсирланишга, уни туйишга, ундан баҳра олишга ўргатиш, бадиий сўз ёрдамида гўзал сифатлар, ижобий фазилатларни тарбиялаш лозим бўлади. Гўзал хулқли кишиларнинг сўзлари ҳам, ишлари ҳам ўзларига муносиб эканини, тоза кўнгил соҳиби ҳамиша раҚбатлар ва марҳаматларга муносиблиги адабиёт орқали англашилади. Шуни англаб етган бола ўзини ўзи назорат қилиб, маънавий камолот сари интилади. Бу ишлар бевосита асарлар таҳлили, асарлар юзасидан тузилган савол-топшириқлар устида ишлаш йўли билан амалга оширилади. Дарсликларда тақдим этилган савол-топшириқлар зиммасига маънавият шакллантиришдек юк ортилиши керак. Матн замиридаги бола маънавиятини шакллантиришга у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бирорта ҳам детал ўқувчининг назаридан четда қолиб кетишига йўл қўйилмаслиги, дарсликда ўқувчи диққатини шунга ундовчи савол ёки топшириқ бўлиши, йўқ бўлса, ўқитувчи ўзи ишлаши керак бўлади;
- **мустақил фикрлашга ўргатиш.** Дарсликларнинг асосий дидактик ашёси ҳисобланган савол-топшириқлар, мисол-масалалар ҳар бир болани мустақил фикрлашга,

асардаги воқеа-ҳодиса ёки инсон шахсига, унинг хатти-ҳаракати ва кечинмаларига ўз муносабатини билдиришга ундаши лозим. Дарсликларда муаллифлар позицияси кўрсатилмаслиги керак. Асар устида ишлаб бўлингандан сўнг асар ёки адабий қаҳрамон ҳақида синфдаги ҳар бир боланинг ўз фикри, ўз қараши, ўз муносабати, ўз хулосаси бўлиши лозим;

- **болани ўз маънавиятини шакллантириши ва тарбияланиши учун ўзининг иштирокини таъминлаш.** Адабиёт дарсларида бадиий асар таҳлилида, воқеа-ҳодисалар муҳокамасида, адабий қаҳрамон шахси, хатти-ҳаракати, изтироблари, хурсандчилиги мунозараси жараёнида ўқувчи фикр айтишга ва муносабат билдиришга, бирор қараш ёки хатти-ҳаракатни ёқлаш ёхуд қоралашга ундалади. Бу дарсликда асар матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар кўмагида амалга оширилади. Саволларга жавоб бериш йўлида ўқувчи асар матнига қайта-қайта мурожаат қилади, изланади, ўртоқларини эшитади, ўз қарашларини асослашга уринади, хулоса чиқаради. Ўақлигини исботлай билганда хурсанд бўлади, маҚлубиятини ҳис қилганда изтироб чекади. Мана шундай фаолият жараёнида бола ўзи сезмаган ҳолда ўз маънавиятини шакллантириш йўлида меҳнат қилади. Болани сўз хазинасига ўз ихтиёри билан киришини таъминлаш унда ўз-ўзини тарбиялашни амалга оширади. Фикр айтиш билан унда ўз қараши, ўз муносабати, ўз нуқтаи назари шакллана боради. Буни назорат қилиш ўқитувчининг вазифасига киради;

- **болага кашф этиш лаззатини туйдириш.** Бадиий асарга унинг муаллифи томонидан киритилган, дарслик муаллифлари томонидан илҚанган ҳақиқатларни ўқувчи ўзи учун ўзи кашф этиши керак. Кашфиётнинг лаззати қанчалар тотли эканини ҳар бир катта одам билади. Нега мана шу лаззатни болага вақтлироқ туйиш имконини бермаслик керак? Мана шу туйҚу уни асар моҳиятига чуқурроқ киришга, унда янги-янги кашфиётлар қилишга ундайди. Туйилган лаззат уни ўз маънавиятини шакллантириш йўлида олҚа етаклайди. Ахир одам ўзига ҳузур берган ишни яна ва яна қилгиси, ўша ҳузурни қайта туйгиси келади. Дарсларнинг одамга хос бўлган мана шундай табиий сифатлар билан ҳамоҳанг кечиши болага адабиётни суйдиради, сўзни туйдиради;

- **таълим жараёнида педагогик ҳамкорликка эришиш.** Таълим тизимида ҳамиша, ҳатто бугун ҳам синфда ўқитувчи ҳоким. У дарснинг эгаси. Унга ўқитиши, тарбиялаши керак бўлган **субъект**, синфдаги 30-40 та болага эса ўқиши, тарбияланиши керак бўлган **объект** деб қаралади. Бугунги таълим жараёни учун, айниқса адабий таълимда бундай муносабат тўҚри келмайди. Бугунги дарсликлар ўқитувчининг ҳокимлигига йўл қўймаслиги керак. Унда ўқитувчи ўқитиши керак бўлган, айтиб бериши зарур бўлган нарсанинг ўзи йўқ. ўқитувчининг дарсдаги вазифаси асар матнини қироати билан ўқиб бериш, дарсликда асар матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқларни навбат билан ўртага ташлаб жавобларни, болаларнинг ўзаро муносабатини назорат қилиш, ўқувчиларнинг асосий мавзудан чалҚиб кетишларига йўл қўймасликдан иборат. Зарур бўлиб қолганда, ўз муносабатини тенг ҳуқуқли, фақат катта ёшли ҳамкор сифатида ўртага ташлаш, болаларни фикр айтишига йўналиш бериб юбориш, уларнинг муносабатини уйҚотиш керак, холос. Дарс жараёни тенг ҳуқуқли ҳамкорларнинг биргаликдаги фаолиятига айланиши керак.

Педагогик жараёнда ўзининг янги Қояларини ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчигина иқтидорли ҳисобланади. Новаторлик, инновацион фаолиятнинг олий кўриниши сифатида, педагог шахсига жуда кучли талаблар қўяди:

- руҳий барқарорлик, босиқлик;
- мавжуд ижтимоий меъёрларни қабул қила олиш;
- софдиллик, виждонлилик, маънавий етуклик;
- касбий маҳорат, билимдонлик;
- ўз кучига ишонч, таваккалчилик;
- қизиқувчанлик, ҳур фикрлилик;
- тафаккурнинг эгилувчанлиги ва б.

ўқитувчининг педагоглик маҳорати анъанавий ўқитиш усулларини доимий такомиллаштириш, уларга янгича ёндашиб, ноанъанавий усуллардан ҳам дадил фойдаланишда намоён бўлади.

Педагогик технологиялар ва таълим методлари.

Дарсларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда муаммоли таълим, суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив каби мантиқий методларидан фойдаланиш йўллари миллий тарбияшуносликда етакчилик қилади.

Инсон тафаккури мустақиллигининг шаклланиши ва ривожланиши ўз-ўзидан, автоматик равишда амалга ошавермайди. Бунинг шарти таълим тизимига билимларни янгича ўзлаштириш йўллари ва бунинг учун зарур бўлган топшириқларни олиб киришдан иборат. Булардан бири муаммоли таълимдир.

Муаммоли таълим хусусидаги қатор адабиётлар билан танишиш, унинг ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишдаги ўрнини аниқлаш юзасидан қилинган тадқиқотлар ва ўтказилган тажриба-синов натижаларига таяниб, шуни айтиш мумкинки:

- ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни ўзларининг иштирокида, уларнинг меҳнати билан ўргатиш мақсадида тарбияланувчи олдига ўша билимларни муаммо шаклида қўйиш йўли билан амалга ошириладиган ўқитиш жараёни **муаммоли таълим** деб аталади;

- муаммо тарзида ўзлаштирилиши лозим деб топилган, ўқувчи олдига муаммо шаклида қўйса бўладиган масала ёки топшириқни **муаммоли масала** дейиш мумкин;

- анъанавий методлар билан ўзлаштирилиши қийин бўлган ёки моҳиятига чуқурроқ кириш лозим деб топилган бирор мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан атайлаб ташкил қилинадиган дидактик вазиятни **муаммоли вазият** деб аташ мумкин. Бундай вазият ҳар хил муаммоли саволлар ва топшириқлар ёрдамида ташкил қилинади;

- муаммоли таълим асосида ўрганиладиган, муаммоли масала тарзида фойдаланса бўладиган, муаммоли вазият ҳосил қилишга, тортишувларга асос бўладиган, фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқаришга арзийдиган ҳодиса **муаммо** саналади.

Муаммоли таълимда ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири болада интеллектуал ақлий зўриқишга эҳтиёж ва қизиқиш уйҚотишдир. Бунинг учун ўқувчи дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тўҚри ҳисобга олиш керак: бола учун ҳамма муаммоли масала ҳам қизиқ бўлавермайди. Боладан ақлий зўриқишни, билим, зеҳн ва онгли изланишни талаб қиладиган масалаларгина унинг учун қизиқ бўлади. ўқитувчи қийинчиликларни чамалаганда боланинг интеллектуал имкониятини ҳам ҳисобга олиши керак. Айрим ўқувчилар учун масала қанча қийин бўлса, шунча қизиқарли бўлади, бошқаларнинг дарров “тарвузи қўлтиҚидан тушади”. Шунинг учун масаланинг объектив қийинлигидан ташқари ечилишининг субъектив имкониятларини ҳам инобатга олиш керак. Гап фақат ўқувчилар тайёргарлиги даражасининг ҳар хиллиги ҳақида эмас, улар ақлий фаолиятининг индивидуал хусусиятлари ҳақида ҳам кетяпти. ўқувчининг олдига муаммо қўйишдан мақсад шуки, у аста-секин ўзи мустақил равишда муаммо шакллантира оладиган даражага етиши керак. Бу унинг шундай ишларни бажаришга бўлган эҳтиёжи даражасига боҚлиқ.

Сизнинг эътиборингизга дарсда қўллаш мумкин бўлган бир неча усулларни тавсия этамиз.

Таълим-тарбия жараёнига **«интерфаол методлар»** номи билан кириб келаётган методлардан бири бўлган **ақлий ҳужум**нинг мақсади ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммани бир хил қолипда фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашувни таъминлашдан иборат. Америкалик мутахассис А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган бу методда ўқувчилар олдига улардан ақлий зўриқишни талаб қиладиган муайян бир масала қўйилади. Шу масала бўйича ишлаётган ҳар бир ўқувчи томонидан айтилган фикрни

раҚбатлантириш ва қайд этиб бориш, иштирокчиларнинг эркинлигини таъминлаш, билдирилган фикрлар асосланишини талаб этиш, баҳс давомида бирорта фикрни эътирозсиз қолдирмаслик талаб қилинади. ўқувчилар томонидан айтилаётган фикрларга эътиборсиз қараш уларни танқид қилиш ёки фикрларидан кулиш таъқиқланади.

Ақлий ҳужум - ўқув муаммоларини ҳал қилишда кенг қўлланиладиган метод. У қатнашчиларнинг тасаввурлари, бор билими ва имкониятларидан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Мазкур метод ўқувчи олдига қўйилган ҳар қандай муаммоли масалага кўп сонли ечимлар топишга имкон яратади.

Ақлий ҳужумдан фойдаланилганда қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. ўйлаш жараёнида ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўйилмайди. Агар бу жараёндаги Қоялар баҳоланадиган бўлса, қатнашчилар моддий манфаатдорлик йўлига тушадилар ва ўз фикр-Қояларини ҳимоя қилишга урҚу берадилар. Янги фикрлар, янгича кашфиётлар хусусида ўйламай қўядилар.
2. Ўар бир ўқувчи битта масала юзасидан хилма-хил мулоҳазалар юритишга йўналтирилади. ўқувчиларда кутилмаган фикр, фавқулодда Қоялар туҚилмаса, қатнашчилар ўз фикрларини қайта қўллашга, бир-бирларини такрорлашга мажбур бўладилар.
3. ўоя ва фикрларнинг миқдори раҚбатлантирилади. Маълумки, миқдор одатда ўсиб сифатга айланади. Тезкор изчилликда катта миқдордаги Қоялар пайдо бўлганда уларни баҳолаш мумкин. Қатнашчиларнинг ўз тасаввурларига эрк беришига имконият яратилиши керак. Бу эркинлик натижасида яхши, бетакрор ва кучли Қоялар туҚилади.
4. Ўар бир ўқувчи ўзгалар Қоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Чунки фикрдан фикр туҚилади. Аввал таклиф этилган Қояларни бириктириш ёки ўзгартириш кўпинча асос бўлган фикрдан кучлироқ, яхшироқ Қояларни келтириб чиқаради.

Ақлий ҳужумдан фойдаланиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1. ўқувчилар эркин ўтирадиган қилиб жойлаштирилади.
2. ўқувчиларнинг Қоя ва фикрларини ёзиш учун варақлар тайёрлаб қўйилади.
3. Ўал этилиши лозим бўлган муаммо аниқланади.
4. Иш жараёни белгилаб олиниб, ўқитувчи «ИлҚаб олинг, Қояларга асосланинг, қўшинг, кенгайтиринг, ўзгартиринг» каби луқмалар орқали баҳс-мунозарани бошқариб туради.
5. Қўйилган муаммо юзасидан барча фикрлар тингланади ва ёзиб борилади.
6. ўзгаларнинг фикрларидан кулиш, киноялы шарҳларга асло йўл қўйилмайди.
7. Варақлар Қоя ва фикрлар билан тўлганда, улар кўринарли ерга осиб қўйилади.
8. ўоялар тугамагунча иш давом эттирилаверилади.
9. Барча фикр ва Қоялар тингланган янги, кучли, асосли ва оригинал Қоялар ўқитувчи томонидан раҚбатлантирилади, баҳоланади.

«Фаолият ўйини» деб аталадиган метод янги соҳани ўзлаштириш, масалан, тил ўрганишда ижодий тафаккур фаолиятини жадаллаштириш мақсадида алоҳида аҳамиятга эга. Бу усулнинг қимматли хислати шуки, фаолият моделини ижро этиш орқали ўқувчи-талабага бирор бир касб-ҳунар ҳақида тушунча бериш, шунингдек, мазкур соҳада ижодий мулоҳаза юрита олишни, воқеа-ҳодисаларни жонли, динамик равишда тасаввур қила олишни ўргатиш мумкин. Натижада салоҳиятли, етук мутахассисларни тарбиялаш имкони яратилади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган усулларни қўллашда ўқитувчидан юқори малака ва ўқувчи-талабалар фикрларининг тўҚри-нотўҚрилигини баҳолаш, шарҳлаб бориш талаб қилинади. Бирор кўринишда баҳоланган фаолият янада жонланиш, фикрлаш жараёнини фаоллаштириш хусусиятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тараққиётида педагогик технологияни тўлиқ ўзлаштириш назарияси ва амалиёти таълим соҳасида янгича фикрлашга олиб келиши шубҳасиздир.

Янги ахборот технологияларининг жорий этилиши натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин бўлади:

- ўқув жараёнини (ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, қобилиятлари, янги материални ўзлаштириш суръатлари, қизиқишларини ҳисобга олиб) индивидуаллаштириш;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўз билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга интилишларини қўллаб-қувватлаш;
- ўқитишда фанлараро алоқаларни кучайтириш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига доимий янгилаш;
- таълим макони ва вақтини кенгайтириш;
- анъанавий ўқитиш усулларини замонавий ўқитиш усуллари билан тўлдириш;
- ўқув жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

ўзбек тили дарсларида қўллаш мумкин бўлган топшириқлар намуналари:

1. Ақл пешлаш - бунда дарсда ўтилиши керак бўлган мавзу топишмоқ шаклида уюштирилади.
2. Бир ундош ва икки унлидан иборат бўлган от, сифат сўз туркумига хос сўзлар тўплаш ўйини.
3. ***Меҳрибонликларимизнинг*** сўзидаги ҳарфлардан фойдаланиб, сўзлар ясаш (Топшириқни бажариш муддати 5-10 дақиқа).

4.

2	7	6
9	**5**	1
4	3	8

1 дан 9 гача сон берилади. Шулардан 5 рақами ўзгармас. Ихтиёрий йўналишлар бўйича бир хил 15 рақамини ҳосил қилиш ва соннинг турларини айтиб бериш. (Топшириқни бажариш муддати 5 дақиқа)

5. Лексик синонимлар берилиб, уларнинг фразеологик синонимларини топишга ўргатиш ва улар асосида матн яратишни йўлга қўйиш каби топшириқлардан фойдаланиш.

6. Танловчанлик ва диққатни тўплашга оид тест.

Ўарфлардан иборат ушбу матн орасида от туркумига оид сўзлар бор. Ўарфлар орасидан шу сўзларни топиб, жавоблар вараҚига ёзинг (бажариш вақти - 3 дақиқа).

АБОНАВТГБОЛАКНПАНОЎЕЗЕБОМАКТАБЮЖЗХБОўБОНЖХЗУЎРАДВБГУЛЗОРСОТИ
ОЙТВПГАВЎАРМТАМЕЎРСЪБЮЖЛОЛАМТРАХБОРОТМТАЧКУНМВЛОДЕЛИМСЕРЁН
ўОҚЛАТЖАНЎОРКПРИУЛЗАМОНФУТИКАНТРИЛМИСВЎҚУВЧИСТФЦДУРАДГОРФТК
ИТРЛГТУХУМСУФСУВЧИМБЮЗАДРШАФТОЛИИРГИЛОСЗВФНОКВЕЖАВТОБУСВОТ
ЖАЛАЯЧСАВОЛПРЕГТОКИРДБУРГУТПЙШУЦЕЛЖЛАГАНРВФОЖЭЛАКМИНТАҚАСЧ
УЛВАННАДЖОЛМАШИНАФХОЗЧОЙКУЛПИЁЛАТККЎЗТИОНАМРТУНВОЛИДАДАҚА
ЛАМУТУЗЕБОЎОЛИДАКУЛАДИТМ

ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ундашда таълимнинг **<u>суҳбат методи</u>** ўзига хос аҳамият касб этади. Методика илмида суҳбат методига баҚишланган анчагина ишлар мавжуд. Бугун таълим тизимида янги билим ва маънавий сифатларнинг қайта кашф этилиши ўқувчилар иштирокида ўқитувчи томонидан эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ўқитувчи ёрдамида амалга оширилиши талаб қилинмоқда. Бундай қайта кашфиётлар асар устида ишлаш давомида ўқитувчи ва ўқувчининг жонли мулоқотида, том маънода изланувчи суҳбатларда амалга ошади.

ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашга қаратилган суҳбатнинг асосий талабларидан бири – саволларнинг шакл томонидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ҳар хил бўлиши. ўқувчини ўйлантирадиган, мустақил равишда мулоҳаза юритишга ундайдиган саволларни тайёрлаётганда ўқитувчи синфдаги барча ўқувчиларнинг ривожланганлик, ижодкорлик даражасини назарда тутиши лозим. Таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида ташкил қилинган суҳбатларда ўқувчилар ҳамиша ҳам асосланган, жиддий жавобларни бераверишмайди. Саволларга ўқувчиларнинг тўлақонли жавоблар беришида ўқитувчининг ёрдамчи саволлари қўл келади. Бундай вазиятларда битта фикрга аниқлик киритувчи бир нечта ёки ўша фикрни ривожлантирувчи туркум қўшимча саволлар берилади.

ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга ундовчи суҳбатларни муваффақиятли ташкил этишнинг шартларидан бири – уларнинг жавобларига эътибор, ҳурмат ва чуқур мулоҳаза билан ёндашишдир. Жавоб бераётган ўқувчининг фикрлари чалкашиб кетиши ёки ноаниқ бўлиши табиий. ўқитувчининг вазифаси уни бутун синфга тушунарли қилиб шарҳлаб бериш эмас. Бу таълим методикасида мутлақо нотўҚри ҳодиса. ўқувчи айтмоқчи бўлган фикрини қийналиб, изланиб, муносиб сўзларни топиб, ўзи ифодалаши керак. ўқувчининг фикрини айтишга ўринсиз кўмаклашиш уни ўйламасликка ўргатиб қўяди. Агар ёрдам бериш керак бўлса, қўшимча саволлар билан ўқувчининг ўз фикрини аниқроқ, тиниқроқ ифодалашига имкон яратиш мумкин.

ўқувчи нутқи ҳақида шуни айтиш мумкинки, ўқитувчи жавоблардаги силлиқликни биринчи ўринга кўтармаслиги керак. ўқувчининг жавобларини мунтазам равишда тузатиб, тўлдириб туриш ҳам мутлақо нотўҚри. Албатта, ўқувчининг фикри олим ёки ўқитувчининг фикридек тўкис бўлмайди. ўқувчининг фикри – мана шу тўмтоқлиги, жўнлиги, жайдарилиги, тарқоқлиги билан олимникидан қадрлироқ, ўқитувчиникидан қимматлироқ. ўқитувчининг вазифаси фикр ифодалашда мантиқ, мустақиллик, изчиллик, маданият ва билимлиликни тарбиялашдир.

Таълим жараёнида қўлланилган **эвристик метод** тафаккур мустақиллиги нисбатан юқори бўлишини таъминлайди, ўқувчиларда мустақил мулоҳазалар уйҚотади, муҳокама қилишга, хулоса чиқаришга ундайди. Бу методнинг асосий акти ва шакли муҳокама ҳисобланади. Суҳбат методида ўқитувчи кўпроқ сукут сақлаши, эшитиши талаб қилинса, эвристик методда адабий ҳақиқатлар ўқитувчи билан фикр алмашишлар, биргаликдаги тадқиқот ва кузатишлар орқали ўзлаштирилади. Эвристик метод ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз ҳолича ишлаш ва яратиш хусусиятларини қўзҚатади.

Таълимнинг **тадқиқот** методида ўқувчилар олдига уларнинг билимини орттирадиган масалалар қўйиладики, бу масала ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан ечилиб, янги билимлар ўзлаштирилади. Тадқиқот методи ўқув жараёнида ўқитувчи томонидан баланд даражадаги муаммоли назарий ва амалий тадқиқий масалалар кўтарилишини назарда тутади. Бу билим олишнинг ҳар бир босқичида таълимнинг маҳсулдор-амалий ва изланиш усулларини мустақил равишда қўллаш орқали амалга оширилади. Мазкур методда ўқувчилар амалий ишни далиллар тўплаш, уларни назарий таҳлил қилиш, тизимга солиш ва умумлаштириш билан биргаликда бажарадилар.

Таълимда ташкил этилган тадқиқот методининг эвристик методдан фарқи шундаки, унда “кашфиёт” мустақил равишда ажратилган ҳодиса таҳлилидан кейин, далилий ашёлар, олинган натижалар солиштирилиб, умумлаштирилади, сўнг амалий иш жараёнида содир бўлади. Бунда тадқиқот топшириҚи сифатида ўқувчилар мустақил равишдаги ўқув-билув фаолиятининг тўлиқ цикли - маълумот тўплашдан тортиб унинг таҳлилигача, мустақил равишда муаммо қўйиш ва уни ҳал этиш, масаланинг ечими ва янги билимларни амалиётда қўллашга қадар қамраб олинади.

ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш учун уларни ижодга ундаш мақсадга мувофиқ. Масалан, барчага яхши таниш бўлган «Зумрад ва Қиммат» ёки «Ур тўқмоқ» эртакларининг номини айтмасдан уларда кўп қўлланиладиган бешта таниш сўзни келтириш: «меҳнаткаш», «эрка», «ўгай она», «ўрмон», «сеҳргар кампир» ҳамда олтинчи бегона сўз - «вертолёт» кўмагида эртак тузиш вазифасини топшириш мумкин. Ёки «очил дастурхон», «лайлак», «шум болалар», «қайнар хумча», «чол» ва бегона сўз -

«учар гилам» кўмагида янги эртак тўқишга йўналтириш мумкин. Ёхуд тугаган эртакни давом эттириш, қаҳрамонларнинг кейинги ҳаётини тасаввур қилишни талаб этиш ҳам ўта фойдали ижодий иш тури ҳисобланади. Муҳими, бу билан ўқувчида мустақил ижодий фикрлаш кўникмаси пайдо бўлади.

Эртак қаҳрамонлари характерини ўзгартириш билан ҳам болаларни эртак тўқишга ўргатиш мумкин. Болаларнинг хаёлот олами ўта кучли. Бундан дарсларда унумли фойдалана билиш керак. Масалан, таниш эртак сюжети асосида янги эртак яратиш, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа эртак тўқиш; синфда ҳикоячи ролини ўйнаш - ўйлаб топилган воқеани синфдошларга айтиб бериш сингари топшириқлар ҳам ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтиради.

Бундан ташқари, дарстахтага бирини кўрсатиб, бирини кўрсатмай сўзлар ёзиш, шу икки сўз ёрдамида ҳикоя тузишни ташкил қилиш ҳам мумкин. Масалан, ёруҚлик-(қалам), шкаф-(ит) сўзлари иштирокида ҳикоя тузишда болалар иккинчи сўзнинг нима эканини билмайдилар. Шу иккинчи сўзни қидириб дунё-дунё воқеаларни айтиб юборадилар. Буни ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Кимнинг эртагида мана шу иккинчи сўз иштирок этганини ўқитувчи белгилаб бориши, ўйиннинг охирида буни юзага чиқариши, муваффақият қозонганларни, албатта, раҚбатлантириши керак бўлади. Мустақил фикрлашга ўргатишнинг бу туридан мақсад беркитилган сўзни топиш эмас, шу сўз кўмагида ўқувчиларни ижодга, мустақил мулоҳаза юритишга ундашдир.

Ёки ўқувчиларга «Нима бўларди агар» (давоми кутилмаган саволлар) - дунёда пул бўлмаса; дунёни пул босиб кетса; Тошкент ўзга сайёрага учиб кетса; сиз динозавр билан тўқнашиб қолсангиз; сиз сув ости мамлакатига тушиб қолсангиз; сиз парилар маконига бориб қолсангиз; сиз сеҳргар бўлиб қолсангиз ва ҳоказо Қайриоддий, хаёлпарастликка ундайдиган саволларни бериш билан уларни ижодга йўналтириш, шу асосда бошланҚич синфлардан бошлаб мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш мумкин.

ўқувчиларга уларни ўйлантирган, қийнаган ёки севинтирган туйҚуларга ҳамоҳанг мавзуларда иншолар ёздириш керак. Масалан, маълум шахс ҳақидаги иншо мавзулари: «ўртоҚимнинг тавсифномаси», «Дўстим менинг – фахрим менинг»; ўрганилган асарлар юзасидан: «Менинг севимли саҳифам», «Ўуришни эплолмаган кучукчага муносабатим», «Ж. Родари ижодидан олган таассуротларим», «Асарда менга энг ёққан нарса ва бунинг сабаблари», «Менда «Дунёнинг ишлари» уйҚотган фикр, туйҚу ва орзулар», «Х.Тўхтабоев ижодида мен нимани қадрлайман ва яхши кўраман» каби мавзуларда ёзилган иншолар истисносиз ижод маҳсули саналади. Бундай иншоларни ўқув йилининг бошида, бир оз таҳлилдан кейин, ўқув йили ўрталарида ва охирида ёздириш болаларнинг фикрлашидаги ўсиш даражасини назорат қилиш имконини беради.

Таълим жараёнига жалб этилган мустақил ишлар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга маълум мавзу юзасидан муайян вақт оралиҚида бажариш учун берилган топшириқларни ўз ичига олади. Бу хил топшириқлар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ўқувчилар томонидан мустақил равишда бажарилиши билан характерланади. Бунда ўқувчилар қўйилган мақсад сари онгли равишда ҳаракат қиладилар, ўзларининг ақлий ва жисмоний кучлари, имкониятларини у ёки бу шаклда ифодалашга уринадилар. Ишнинг мустақил равишда бажарилиши учун ўқувчининг фаолиятига ҳеч ким аралашмаслиги, унинг ўзи ўз хатти-ҳаракатларини тўҚри йўналтириб, имкониятларидан оқилона фойдаланиб, олдида турган масалани ўзи мустақил ҳал қилишига мувофиқ шароит яратилиши лозим. Шу жараёнда бола мустақил равишда фикрлайди. Чунки унинг бундай фаолияти мустақил фикрлагандагина амалга ошиши мумкин бўлади. Унга ҳеч ким йўл-йўриқ ҳам кўрсатмайди, ёрдам ҳам бермайди. Юқоридаги иншо мавзуларини ўқувчиларга мустақил иш тарзида топшириш мумкин.

ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган ишлардан яна бири – уй вазифаларининг берилиши ва бажарилишидан иборат. Уйга бериладиган топшириқлар шаклан дарслик сарлавҳаларини такрорламаслиги керак. Акс ҳолда бу ўқув материалини механик тарзда эслаб қолишга олиб келади. Уй вазифалари ўқувчининг синфдаги фаолиятидан шуниси билан фарқ қиладики, унинг барча топшириқлари ўқувчининг ўзи томонидан мустақил равишда бажарилади. Таълимнинг бу туридан ўқувчиларда дарс жараёнида тарбияланган

тафаккур фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдаланиш лозим. Уй вазифасининг маълум режа асосида тайёрланиши ҳам ўқувчилар ақлий мустақиллиги ва фаоллигини оширади. Уй вазифасини тайёрлашни тўҚри йўлга қўя билган ўқувчи ундан мустақил мулоҳаза талаб қиладиган муҳокамаларга ўзига ишонган ҳолда қатнашади.

Дарс жараёнини ўқувчиларни **кичик-кичик гуруҳларга умумлаштириб** ҳам ташкил этиш мумкин. Бу метод Ж. Дональд томонидан ишлаб чиқилган. Синфдаги ўқувчилардан кичик гуруҳлар ташкил этишда:

1. ўқитувчи гуруҳларни белгилаб олади.
2. Гуруҳга раҳбарлик қила оладиган ўқувчи ва гуруҳнинг барча аъзолари ҳақида яхшилаб ўйлаб олинади.
3. Ўар бир гуруҳда зеҳнли ва қобилиятли ўқувчилар бўлишига ҳаркат қилинади.
4. Бўшроқ ўзлаштирадиган ўқувчилар ҳам гуруҳларга имкон қадар тенг тақсимланади.
5. Гуруҳлар бир-бирига мутаносиб аъзолар билан тўлдирилади. Гуруҳ аъзоларининг вазифалари белгиланади.
6. Гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг вазифалари тушунтирилади.
7. Ўар бир гуруҳ доира шаклида ўтириши, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бир-бирини кўриб туриши шарт.
8. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, Қояларига эътибор бериб борилади. Яхши Қоя эгалари раҚбатлантирилади.

Бундай гуруҳларни ташкил этишдан аввал: ўқувчиларнинг шу ишни бажаришга билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш; гуруҳларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш; вазифанинг бажарилиши учун етарли вақт ажратиш; ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган гуруҳнинг бандлигини таъминлашга тайёр бўлиш; қўйиладиган масала мураккаб бўлганда гуруҳ аъзолари сонини кенгайтириш; баҳолаш ва мукофотлаш жараёнининг гуруҳ аъзоларига таъсирига тайёрланиш; кучли гуруҳларни мукофотлаш; бажарилган иш натижасини қандай топшириш йўллари ҳақида ўйлаб кўриш ва маълум қилиш; жамоанинг эркинлигига имконият яратиш керак бўлади.

Бугунги таълим жараёнида қўлланилаётган методлардан яна бири **«Кластер» методидир**. Унинг асосчиси - Д. Кластер. Бу методдан ҳам гуруҳлар ташкил этиш йўсинида фойдаланиш мумкин. Унда гуруҳ аъзолари томонидан айтилаётган фикрларни уйҚунлаштириш ва улар орасидаги умумийликни топиш имконияти пайдо бўлади. «Кластер» методидан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

1. ўқувчилар маълум мавзу хусусида ниманики ўйлаган бўлсалар, шуни қоҚозга туширидалар. Бу ерда фикрнинг сифати ва мантиқининг ҳам, хатоларнинг ҳам аҳамияти йўқ.
2. ўқувчилар белгиланган вақт тугамагунча фикрларини ёзаверадилар. Агар фикр келмаса, бирор нарсанинг расмини чизадилар. Бу ҳаракат мавзу ҳақида янги бир Қоя туҚилгунга қадар давом эттирилаверилади.
3. Муайян мавзу доирасида имкон қадар кўпроқ фикрлар илгари суришга ҳаракат қилинади. Улар йиҚиндисининг сифати ва орасидаги алоқадорлик, уйҚунликни кўрсатиш чекланмайди.

Навбатдаги метод **«Қарорлар шажараси»** (Қарорлар қабул қилиш технологияси) деб номланади. Унинг асосчиси - Д. Колб. Бу метод маълум мураккаб мавзуни ўзлаштириш, ундаги Қояларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилган бир нечта хулосалар орасидан энг мақбули ва тўҚрисини ажратиб олишга йўналтирилган. Қарорлар шажараси методи ўқувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини бир жойга жамлаш ва баҳолаш имконини беради.

М У А М М О

1-Қоя	2-Қоя	3-Қоя

Қ А Р О Р

Гуруҳларга аввал муаммо тақдим этилади. Гуруҳлар томонидан мазкур муаммо бўйича қабул қилинган қарорлар алоҳида ёзиб борилади. Мавзу юзасидан гуруҳлар томонидан чиқарилган қатор қарорларнинг мақбул жиҳатларини ажратиш ва таҳлил қилиш иккинчи гуруҳга топширилади. Ўар бир гуруҳнинг қарори иккинчи гуруҳ томонидан баҳоланади. Белгиланган вақт тугагач ҳар бир гуруҳдан бир аъзо ўз гуруҳининг қарори ҳақида ахборот беради. Зарур бўлганда қарорлар таҳлил қилинади, саволлар туҚилганда жавоб берилади, аниқликлар киритилади.

«Қарорлар шажараси» методи қуйидаги лойиҳага асосланади:

У М У М И Й М У А М М О

1-қарор варианти	2-қарор варианти	3-қарор варианти
афзаллиги/камчилиги	афзаллиги/камчилиги	афзаллиги/камчилиги

Қ А Р О Р

ўзбек тилини ўқитишда қўллаш мумкин бўлган яна бир интерфаол усул **“6x6x6“ методи** деб номланади. Бу метод Е.А.Александров томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Г.Я.Буш томонидан такомиллаштирилган.

Бунда синфдаги ўқувчилар олтита-олтитадан гуруҳларга бўлинади. Жами 36 ўқувчи иштирок этади. Ўар бир гуруҳга муайян ном берилади. Мавзу эълон қилиниб, маълум вақт белгиланади. ўқувчилар мавзу атрофида баҳслашадилар, ўз муносабатларини билдирадилар. Вақт якунлангач, ўқитувчи гуруҳ аъзоларини алмаштиради. Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вакил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзу юзасидан чиқарган хулосасини янги гуруҳга баён қилади. Янги гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳ фикрларини ўрганадилар, унга муносабат билдирадилар. Қисқа вақт ичида ўқувчилар бир-бирларининг фикрларини ўрганиб, таҳлил қиладилар ва баҳолайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. ўзбекистон XXI аср бҳсаҚасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари// ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: ўзбекистон, 1998. – Б. 626.
2. И.А. Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин.// Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999. - Б. 42.
3. М.Абдураимова. Она тили таълимида янги педагогик технология. – Т., 2001.
4. Э. Абдувалидов. Янги педагогик технология нима? - Т.: ТДПУ, 2001. - Б. 3-4.

5. А.Я. Бобомуродова. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш: педагогика фанлари номзоди...диссертацияси. - Бухоро, 1996. - 145 б.; И.А. Зимняя. Психология обучения неродному языку. - М.: Русский язык, 1989. -212 с.; Қ.Б. Йўлдошев. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: педагогика фанлари доктори... диссертацияси автореферати. - Т., 1997. - 50 б.; А. Fуломов, Б. Қобилова. Нутқ ўстириш машҚулотлари. - Т.: ўқитувчи, 1995. - 158 б.; Б.Л.Фаберман. ИлҚор педагогик технологиялар. - Т.: Фан, 2000. – 130 б.; Ф.М. Юсупов. Педагог, ищущий новое: штрихи к психологическому портрету //Вопросы психологии. - 1991. № 1. - С. 53 - 59.
6. Масофадан ўқитиш - янги имконият // ўзбекистон овози. - 1997 йил 13 декабрь; Дунё тажрибаси сари // Маърифат. -2001 йил 21 ноябрь.
7. О.Охунжонова. Давлат тили дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш //Тил ва адабиёт таълими. - 2002, 4-сон.
8. Д. Ревин. Оценка готовности Узбекистана к информационному обществу //Экономическое обозрение. – 2001. № 11. – С. 25-26.
9. М.Тожиев, Р.Салахутдинов, М.Баракаев, С.Абдалова. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари (Методологик аспект: янги педагогик технологиялар, ечимлар ва баҳолаш методлари). - Т.: ўзПФИТИ, 2001. - Б. 48.
10. Ф.Умарова. Таълим тараққиётида замонавий ахборот технологиялари. – Т.: ТДЮИ тўплами, 2003.
11. Б.Р.Қодиров. Ақлий истеъдод XXI асрнинг энг қимматли мулкидир. - Т.: ўзбекистон, 1999. - Б. 13 - 14.
12. С.С. Fуломов ва б. Ахборот тизимлари ва технологиялари (С.С.Fуломовнинг умумий таҳрири остида). - Т.: Шарқ, 2000. - Б. 133.
13. Қ.Ўусанбоева. ўқитишнинг замонавий методлари ва адабий таълим //Тил ва адабиёт таълими. – 2003, 2-сон.
14. Қ.Ўусанбоева. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Т.: ўзинкомцентр, 2003ёт таълими. - 2002, 4-сон.

15-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили дарсларида бадиий асар таҳлили – 2 соат

Режа:

1. ўзбек тилини ўрганишда бадиий асар таҳлилининг ўрни.
2. Бадиий асарнинг қиммати.
3. Асар мазмунини ўрганиш босқичлари.

Умумтаълим мактабларда ўзбек тили дарсларида бадиий асар таҳлилига ҳам катта аҳамият берилади. Узлуксиз таълимнинг мазкур бўҚинида бадиий асарнинг ўзига хос сюжети ва композициясини, тасвир усулини, асар қаҳрамонларини ўрганиш орқали муаллиф нуқтаи назарини мушоҳада қилиш, эпик асарнинг бадиий тафаккур тарзини таҳлил этиш ва асарга эстетик баҳо бериш меъёрларини ўқувчиларнинг ўзлаштириб олишларига эришиш - асосий таълимий мақсадни ташкил этади. Ёзувчиларнинг турли жанрларда яратилган эпик асарларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар адабий асарлар муайян жанр талаби асосида яратилишини ўзига хос композицион қурилишига, бадиий тасвир усулига, баён тарзига, ҳаётий ҳодисаларни қамраб олиш хусусиятига эга эканлигини тушуниб оладилар. Улар, шунингдек, муайян бир жанрда ижод қилган ёзувчиларнинг асарлари ўзига хос услуби, тафаккур тарзи, мавзуси, ҳаётий материали, муаммолари, сюжети, қаҳрамонлари, бадиий тили каби қатор унсурларга кўра бир-биридан фарқ қилишини англаб етадилар. Айни пайтда улар ҳар қандай бадиий асар марказида инсон тимсоли туришини, насрий асарларни ўрганишда уларга ҳам бошқа адабий турга мансуб асарлар каби бадиият талаблари асосида ёндошиш лозимлигини тушуниб оладилар. Ўаётий ҳодисалар ва бадиий тимсолларнинг таъсирчанлиги, ижодкорнинг бадиий бўёқлардан фойдаланишдаги санъаткорлиги, бадиий

асарга эстетик баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Эпик асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш воситасида ўқувчиларнинг оҚзаки ҳамда ёзма нутқлари такомиллашиб боради, улар асардан бадиий завқ олишга, ҳайратланишга ўрганадилар. Энг муҳими, ўқувчининг эстетик диди шаклланиб боради: гўзаллик ё даҚаллик, нозиклик ё қўполлик тушунчаларига нисбатан ўқувчи муносабати таркиб топдирилади. Зеро, ҳар қандай таълим-тарбия ёшларнинг ҳаётга, одамларга, эл-юртга, эзгу мақсад ва тилакларга соҚлом муносабатини шакллантиришга йўналтирилсагина самарали якунланади.

"Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури"да ҳам бош мақсад бадиий жиҳатдан юқори талабларга жавоб берадиган асарларни ўрганишга қаратилган. Шунинг учун ўқитувчи қайси синфда машҚулот уюштиришидан қатъи назар бадиий адабиётнинг сўз санъати эканлигини, санъатнинг эса аввало эстетик дидни шакллантириш воситаси эканлигини ёдда сақламоҚи лозим.

Бизнингча, бу вазифани амалга оширишда санъат асарини баҳолаш мезонига суяниш яхши натижа беради. ўқитувчининг ўқувчи онгида ҳосил қилиш керак бўлган асосий тушунчалардан бири санъат асарининг қимматини унинг ҳажми, жанри, образларнинг кўплиги билан эмас, балки бадиий мукаммаллиги билан белгиланишидир. ўқитувчи сўз санъатининг санъат тури эканлигини, санъат сўзи маҳорат маъносини англатишини машҚулотлар давомида ўқувчилар онгига сингдиради. Маҳорат, ўз навбатида, адиб фаолиятининг бир неча йўналишларида намоён бўлади. Хусусан, адиб аввало ўз асарида албатта бирорта янги фикрни ифода этиши лозим. Ўаётни кузатиш оқибатида оддий инсон эътибор бермаган янги бир қонуниятни кашф этиш адибнинг фазилатларидандир. Масалан, пиёланинг пешонасидан одамнинг ўпиши, янги кўз очган булоқнинг дарёга туташиш учун қилаётган ҳаракатларига одамлар ёрдам бермаслиги лозимлиги, қолаверса, пиёла ва булоқ ҳақидаги шеърларнинг заминида пиёла эмас, камтар инсон, булоқ эмас, мустақил ҳаётга биринчи қадам қўяётган инсон қиёфаси яратилганини эътироф этиш мумкин. Бинобарин, фикр юритаётган асарларимизда шоирлар ўзига хос янги фикрни ифода этганлар. Бу қарашлар оддий китобхон учун янгиликдир. Шунинг учун ўқитувчи, бизнингча, синфда ўқилаётган ҳар бир асарда китобхонни қандай янгилик кутаётганини тушунтириши лозим. Маълум машқлардан кейин бу янгиликни ўқувчининг ўзи топа оладиган бўлиши талаб қилинади. Адабиёт ўқитишдаги янги технологияда субъект сўзи алоҳида мазмунга эга. Субъект деганда ўқувчининг асарни мустақил ўқиши, мустақил баҳолаши, мустақил мушоҳада юритиши назарда тутилади. Айтиш жоизки, стандартдаги асосий талаб ана шу нуқтаи назарни тасдиқлайди.

Стандартдаги бош йўналиш синфда ўқитиладиган асарларнинг матни устида махсус ишлашни тақозо этади. Асар матни устида ишлаш эса бир неча босқичлардан иборат бўлади. Аввал айтиш лозимки, XX аср адабиёти намуналарини тил жиҳатидан тушуниш мумтоз адабиётга нисбатан анча қулай. Аммо бу фикр ўқувчи билан асар мазмунини ўзлаштириш устида ишлаш керак деган хулосага олиб келмайди. Асар мазмунини ўзлаштириш ва таҳлил қилиш жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Асарни ифодали ўқиш.
2. Образларни тавсиф қилиш.
3. Адибнинг мақсадини аниқлаш.
4. Бадиий тасвир воситаларини белгилаш.
5. Асарнинг адиб ижодидаги, ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилаш.

Қайд этилган моддаларни синф хусусияти ва ўқитувчи билим, тажрибасига кўра кенгайтириш ҳам мумкин. Аммо, бизнингча, умумий таҳлил босқичларининг асосий йўналиши унда акс этган, деса бўлади. Ўар бир моддани қисман шарҳлашдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган асарни умумий ва конкрет таҳлил қилиш йўлларини белгилаш ҳам ўқитувчи ихтиёридадир. 90-йилларгача давр талаби билан бадиий асарнинг синфийлиги, партиявийлигини кенгроқ ёритиш имкони яратилар эди. Шу билан бирга асарнинг бадиий жиҳатдан у қадар мукаммал эмаслигини ҳам яшириш ёки умуман четлаб ўтиш мумкин бўлар эди. Ўозирги пайтда тажрибалар шуни кўрсатадики, бадиий асарни

конкрет таҳлил қилиш ўқувчи у ҳақида чуқурроқ, тасаввур ҳосил қилишига имкон яратар экан. Иккинчи томондан, асарнинг бадиий даражаси ҳақида кенгроқ тушунча ҳосил бўлишига олиб келар экан. Фақат бу ўринда эслатаб ўтамизки, ўқитувчи конкрет таҳлил жараёнига берилиб кетиб, асарнинг умумий кўламини хаёлдан четда қолдирмаслиги керак.

Умумий ўрта таълимда ифодали ўқиш жараёни фақат ўқувчида ҳарф таниш, бадиий асарни тез ва ифодали ўқиш кўникмасини шакллантириш билан чекланмайди. Бу жараёндан ҳақиқий мураббий ўқувчи эстетик дидини шакллантиришда, бадиий асарни тушуниш имконини кенгайтиришда, қолаверса, илҚор фикрли ўзбек зиёлилари ўртасида кенг тарқалган навоийхонлик, машрабхонлик анъаналарига садоқат фазилатларини шакллантиришда ҳам фойдаланади. ўрганилаётган асар матнидаги сўзларни аниқ талаффуз қилиб, асарни ортиқча ва сунъий эҳтиросларга берилмай самимий ўқишга ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти ҳам борлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ифодали ўқиш жараёнини методик жиҳатдан тўҚри ташкил этиш билан асар мазмунини ўзлаштириш асоси яратилади.

Бадиий асар ифодали ўқилгандан сўнг унинг мазмунини ўзлаштириш жараёни бошланади. Имконият даражасидан келиб чиқиб, ўқитувчи асар мазмунидаги қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари акс этган лавҳаларга кўпроқ эътибор берса, бугунги кун талабларидаги асарнинг бадиий жиҳатларини алоҳида диққат билан ўрганиш асослари яратилади. Шу билан бирга матн устида ишлаш жараёни ҳам самарали амалга оширилади. ўқитувчи томонидан асар мазмуни ҳикоя қилинганда асардаги ёрқин характерли ўринларга, сифатлаш, ўхшатиш, табиат манзараси ифодаларига кўпроқ диққатини қаратади. Табиат манзараси билан образ кайфиятидаги уйҚунликни яхшироқ баён этишга уринади.

Бизнингча, XX аср ўзбек адабиёти юзасидан маълумот беришда ўқувчи бадиий адабиётнинг жинс турлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишини назарда тутиб иш юритиш зарур. Бугунги кунда баъзи ўқувчилар назм, наср ёки проза, поэзия каби жинсларнинг бир-биридан фарқини яхши тушунмайдилар. Бунинг учун, аввало, лирик, эпик, драматик асарлар моҳиятини тушунтиришга эринмаслигимиз лозим. Достонлар шеърий тарзда ёзилса ҳам, эпик асарлар силсиласига тааллуқли экани, аммо ички ҳис-туйҚу акс этган асарлар лирика намунаси бўлиши мумкинлиги ўқитувчи томонидан ўқувчига таъкидланиши лîзим.

Ўар қандай адабий асар таҳлили ундаги **қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш орқали амалга оширилади.** Эпик адабий турга мансуб ҳикоя, қисса, роман, эпопея сингари жанрларда яратилган асарларнинг сюжет, композиция унсурлари марказий қаҳрамонлар тимсолини ёритишга йўналтирилган ҳолда шаклан яхлит ва узвий бирликни ташкил этган бўлади. Бош қаҳрамонлар тимсоллари орқали ўқувчилар ёзувчининг ҳаётий муаммоларга, инсон шахсига, зиддиятли ҳодисаларга муносабатини англаб боради. Асарнинг барча шаклий унсурлари билан унинг мазмунини ёритишга хизмат қилувчи воситалар эпик тафаккур миқёсини юзага келтиради. Инсон ва уни қуршаб турган оламдаги чигал муносабатлар, ҳаётий зиддиятларни ўқувчи кузатиб, бу ҳодисаларнинг жонли гувоҳига айланади, ҳар бир масалага ўз муносабатини билдириш имконига эга бўлади. Бошқа адабий тур ва жанрларда яратилган асарлардан фарқли равишда эпик асарлардаги қаҳрамон тимсоли амалий иш олиб бориш учун ўқувчига катта имконият беради.

Эпик асардаги қаҳрамон тимсоли устида иш олиб борилганда ўқитувчи икки муҳим жиҳатга эътибор бериши зарур:

1. Асардаги қаҳрамонлар тимсоли инсоннинг типик тимсолини намоён этади.
2. Асар қаҳрамони ёзувчининг ижодий фантазияси, санъаткорлиги натижасида яратилган бадиий тимсолдир.

Демак, ўқувчи онгида ана шу икки тасаввур ва тушунчани тимсоллар таҳлили давомида уйҚунлаштиришга эришиш лозим. Шундагина ўқувчи бадиий асарларни ўрганиш маънавий эҳтиёжга айланиши зарурлигини англаб етади. Нима учун ҳамиша эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш кечади? Нима учун Инсон муаммоси ҳамиша адабиёт ва санъатнинг бош масаласи бўлиб келган? «Адабиёт инсоншуносликдир», дейилишининг боиси нимада? каби саволларга ўқувчилар асар марказидаги тимсолларни ўрганиш орқали жавоб топишлари мумкин. Айни пайтда, тимсоллар устида амалий иш олиб бориш давомида ўқувчининг ҳар бир тимсолга нисбатан муносабати, уни баҳоловчи

маънавий меъёрлари, шахсий хулосаси юзага келади. У ўзининг мустақил қарашларини далиллар асосида баён этишга ўрганади.

Эпик асарларни ўрганиш қуйидаги йўналишда ташкил этилади:

1. Асар матни устида ишлаш (Асардаги нутқ қатламларини ўрганиш, портрет, пейзаж, жой ва бадиий деталлар тасвирига эътиборни қаратиб, ёрқин манзаралар тасвирини ифодали ўқиш ва шарҳлаш кабилар).
2. Асарнинг бадиий тил хусусиятларига эътиборни қаратиб, ёзувчи услуби ва маҳоратини ўрганиш.
3. Асар сюжети, композицияси, тимсолларини узвийликда ўрганиш.

Эҳтиросли Қоя руҳи сингдирилган бадиий тасвир образли ифодалар воситасида ўқувчига таъсир кўрсатади, қаҳрамоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи, ҳолати орқали англашиладиган мазмунни чуқур тушунишга йўллайди. Ўолатлар, кечинмалар, ҳаракатларнинг ҳаққоний тасвири китобхонда ҳам ҳамдардлик туйҚуларини ҳосил қилади ёки табиий равишда Қазаб-нафрат ҳиссини қўзҚаб, эзгуликни улуҚлашга чорлайди.

ўқувчиларга сингдирилиши лозим бўлган амалий кўникма ва назарий билимлар бадиий ижоднинг муҳим қонуниятларини чуқур тушунишлари учун имкон яратмоҚи шарт. Бунинг учун ўқитувчи ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

1) эпик асар тимсоллари, сюжети ва композицияси, эпизодлари устида иш олиб бориш орқали асар Қоясини, қаҳрамоннинг руҳиятини ёритишга ва адабий тимсол қиёфасини гавдалантиришга хизмат қилувчи тасвирларни танлаш, ифодали ўқиш, шарҳлаш;
2) ўқувчиларни асар матни устида ишлаш жараёнида бадиий тил хусусиятини ўрганишга йўллаш;
3) ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга эришиш воситасида ўқувчиларни санъат асарларини бадиийлик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида баҳолашга ўргатиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. ўзбек тили - ўзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. – Т.: Шарқ, 1999, 1-махсус сон.
2. А.Ўожиаҳмедов, Ў.Тожиев, О.Мадаев. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва янги ўқув дастурини амалга татбиқ этиш бўйича услубий тавсиялар. 5-9-синфлар. – Т.:ТВПҚТМОИ, 2000.

16-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили дарсларида ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. ўзбек тили дарсларида бадиий асар матни устида ишлаш – 4 соат

Режа:

1. ўзбек тили дарсларида бадиий асар матни устида ишлаш методикаси.
2. Мумтоз жанрлар, шеърий санъатлар, бадиий ифода воситалари.
3. Назм, мушоира, семинар дарслари.

Ўозирги даврда мактаб олдидаги энг асосий вазифалардан бири жамиятимизнинг ижтимоий фаол аъзоларини - ҳамма жабҳада ўзининг мустақил қарашлари, фикрларига эга бўлган, ҳар қандай шароитда мустақил ҳаракат қила олгандагина турли ижтимоий-сиёсий ва маърифий-ахлоқий муаммоларни ўз билими ва ҳаётий тажрибалари заминида тўҚри ҳал қила билувчи фуқароларни тарбиялаш эканлиги барча ўқитувчиларга маълум. Ушбу муҳим вазифани бажариш улардан ҳар бирининг жамиятимиз олдидаги шарафли бурчи саналади. Мустақил фикрловчи фуқароларни тарбиялаб етиштиришда бошқа барча фан устозлари қаторида ўзбек тили ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этишлари - давр талаби. Бунинг учун эса ҳар қайси ўқитувчи, аввало, ушбу соҳадаги ишлар кўлами, мазмуни, услубияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Маълумки, адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг бош вазифаси уларда адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, сўз санъати сифатидаги

хусусиятлари, адабий тараққиёт қонунлари ва жамият аъзоларини юксак маънавий қадриятларимиз руҳида камол топтиришдаги имкониятлари, бадиий ижод жараёнининг табиати, адабий жанрлар, бадиий тасвир воситалари, вазн ва қофия, бадиий тил назарияси, у ёки бу асарнинг Қоявий-бадиий қиммати, лирик ёки эпик қаҳрамонлар қиёфаси, ижодкорнинг уларни чизишдаги бадиий маҳорати ҳақида атрофлича билимга эга бўлиши ҳамда юқорида таъкидланган масалаларни мустақил баҳолаш малакасига эга бўлишни тақозо этади. Бундай билим ва малака эса ўқувчиларга 5-9-синфлардаги ўзбек тили дарслари давомида аста-секинлик билан изчил равишда сингдириб борилади.

Мамлакатимизнинг йирик услубшунос олимлари, кўплаб етук ўқитувчиларнинг тажрибалари ўқувчиларни адабиёт дарсларида мустақил фикрлашга ўргатишнинг энг мақбул усулидан суҳбат-мунозара, баҳс, хилма-хил ноанъанавий дарсларда синфни фаол иштирок эттириш эканлигини узил-кесил аниқлаб берган. Бундай шакллардаги дарслар, аввало, ўқувчиларни ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо, савол, вазифа устида ўйланишга, жавоб излашга сафарбар этади. Шунинг ўзи **ижодий жараён** бўлиб, ўқувчидан ўз билимларини фаол ишга солиш, хилма-хил жавоб вариантлари устида бош қотириб, изланиб, тўҚри хулоса чиқаришни талаб қилади. Албатта, ўқувчи бу жараёнда ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар, дарсликдаги тайёр кўрсатмалар доирасида чегараланиб қолмай, уларни тўлдиришга интилиши, ўқитувчи ҳам уни худди шу хил фаолиятга йўналтириб бориши зарур.

Иккинчи босқичда ўқувчи ўзи аниқлаган ва тўҚри деб билган илмий хулосаларини жавоб тарзида шакллантириш устида ишлайди, яъни ўз фикрини саводли ифодалаш устида бош қотиради. Бу эса оҚзаки саводхонликни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ўқитувчи айтганларини ёки дарсликдаги фикрларни айнан такрорлашдан фарқли ўлароқ, мазкур жараён соф ижодий моҳият касб этади. ўқувчиларни мустақил фикрлашга даъват этувчи бу хил вазифаларни изчил бажариш давомида ўқувчиларнинг оҚзаки нутқлари тобора такомиллашиб боради.

Учинчи, ҳал қилувчи босқичда ўқувчи ўз қарашлари, хулосаларини синф олдида баён қилар экан, ўзи учун масъулиятли, лекин Қоят аҳамиятли бир жараённи бошидан кечиради. Унинг хулосаларига синф, аввало, ўқитувчи баҳо бериб, уларнинг тўҚри ёки асоссизлигини тан олган, жавоби тўҚри деб топилган ва ўқитувчи томонидаи раҚбатлантирилган ўқувчи онги, қалбида ўз хулосаларидан қониқишгина эмас, балки ўз билим ва малакаларининг зарур даражада эканлигига, қўйилган муаммони мустақил ҳолда ҳал этишга қодирлигини англаш унга кўтаринки бир руҳ баҚишлаб, кейинги дарсларда янада фаолроқ иштирок этишга интилишни вужудга келтиради, уни завқлантиради.

ўтмиш бадиий ижодини давлат стандарти томонидан белгиланган дастур асосида ўргатиш ўқитувчидан, аввало, назарий билимларни: мумтоз адабиётнинг тасвир усуллари, бадиий ифода воситалари, вазн ва қофиядан фойдаланиш маҳорати, ундаги ранг-баранг лирик ва эпик тимсоллар талқини ҳақида атрофлича билимга эга бўлишни тақозо этади. Мумтоз адабиётимизнинг бадиий тасвир тамойиллари, тасаввуфий тимсоллар моҳияти, хилма-хил шеърий шакллар ва жанрларнинг хусусиятлари, шеърий санъатлар, аруз ва қофия ҳақидаги илмлардан, айни вақтда мумтоз шеъриятимиз ва насримизнинг етук намояндалари ижодидан атрофлича хабардор бўлган ўқитувчиларгина бу мураккаб вазифаларнинг уддасидан чиқа оладилар.

ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчи ўқувчилар адабий тур ва жанрларни, бадиий ифода воситалари ва шеърий санъатларни билишлари, уларнинг асар мазмунини очишдаги аҳамиятини англашлари лозим.

5-6-сифларда адабиётнинг сўз санъати эканлиги ҳақида дастлабки маълумотлар ўзлаштирилгач, дастурда белгиланган ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти, адабий мероси билан ўқувчиларни таништириш назарда тутилган. Ана шу маълумотнинг мазмундорлиги, жозибадорлиги ўрганиладиган асарга ўқувчилар қизиқишини уйҚотишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ижодкор ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ўқитувчи маърузаси жонли ва мароқли ҳикоя тарзида уюштирилиши зарур. Бундай ҳикоя мазмуни эса шоир яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-адабий ҳаёт, ижодкор шахси, оиласи, устозлар, халқ ҳаётига, ўз давридаги воқеаларга муносабати, асарлари ва уларнинг яратилиш тарихи,

ижтимоий-маърифий ва тарибиявий аҳамияти, ҳозирги кунда истиқлол маънавиятини шакллантириш ва камол топтиришдаги қиммати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Ижодкор ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беришга баҚишланган суҳбат давомида эътибор қилиниши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат мавжуд: ўқитувчи мазкур суҳбатни олиб борар экан, ўрганилиши назарда тутилган асарлар матнини ўзлаштириш ва уларни Қоявий-бадиий таҳлил қилишда қўл келадиган воқеа-ҳодисаларга диққат қилиши зарур бўлса, дарсликдаги маълумотни тўлдириши лозим. Мазкур асарга қизиқишни кучайтирадиган яна бир восита уни ифодали ўқишдир. Ўа, шеърий асарнинг синфда таъсирчан қилиб бадиий ўқилиши ўқувчиларни ҳеч қачон лоқайд қолдирмаслиги, уларнинг руҳиятига кириб бориб, ижобий таассурот ҳосил қилиши, бу эса асарга қизиқишни кучайтириши кўплаб тажрибалар билан далилланган. Хусусан, синфда бадиий қилиб ёддан ўқилган асарлар ўқувчилар эътиборини ўзига тортишдан ташқари, санъаткорлик билан ўқиётган устозга эҳтиром ҳиссини тарбиялайди, уларнинг ҳар бирида асарни худди шундай ўқишга ҳавас уйҚотади. У эса сўз санъатига муҳаббатни камол топтириш жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам биз ўқитувчиларга ўзлари ўқитаётган синфларнинг дарсликларидан ўрин олган шеърий асарларни ёки улардан парчаларни ёд олиб, дарс давомида бадиий ўқиб беришларини тавсия қиламиз.

Албатта, шеърият намуналарини ифодали ўқишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Бу асарларнинг аксарияти аруз ўлчовлари асосида яратилганлиги туфайли мазкур ўлчов хусусиятларидан хабардор ўқитувчиларгина уларни ифодали ўқиб бера оладилар.

Аруз вазни қоидалари бу вазн асосида яратилган асарларни ифодали ўқиш усуллари Анвар Ўожиаҳмедовнинг "Мактабда аруз вазнини ўрганиш" ("ўқитувчи", 1995) китобида баён қилинган. ўқитувчилар ана шу китобдан аруз тизимининг назарий асосларини ўзлаштиришлари, ўқиш чоҚида қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг ўқилишини билиб олишлари мумкин.

Шубҳасиз, асарни ифодали ўқиш чоҚида фақат вазн хусусиятлари сақланибгина қолмасдан, шоир ифодалаётган Қоялар, у чизган лирик ёки эпик тимсоллар руҳияти, туйҚулар олами ҳам ёрқин акс этиши зарур. Шеърий асарни шундай ўқиш керакки, лирик қаҳрамон ҳиссиёти ўқувчи қалбига кўчсин, эпик тимсоллар ҳаёти, кечинмалари ўқувчи дилини ўзига мафтун қилиб, уни асар воқеаларининг фаол кузатувчисига, иложи бўлса, иштирокчисига айлантирсин.

Асар матнини ўзлаштириш мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишнинг энг муҳим жиҳатларидан.

Таҳлил қилинаётган шеърий ёки насрий асар мазмунини пухта ўзлаштирмай туриб, унинг таҳлилига киришиш фойдасиз машҚулот. ўқувчи асар мазмунини атрофлича англаб етгандагина унинг Қоявий-бадиий таҳлилини тушуна олади. Асар матни устида ишлаш давомида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида:

- асардаги барча қийин сўзлар мазмунини англаб олишлари;
- шеърий асарнинг ҳар бир байти, ҳар қайси мисрасида ифодаланган мазмунни тушуниб етишлари,
- асарда қўлланган ҳар бир тасвирий воситалари, шеърий санъатларни аниқлашлари;
- ижодкор тасвирлаган лирик кечинмалар ёки эпик тимсолларнинг етакчи хусусиятлари билан атрофлича танишишлари;
- асарнинг вазни ва қофия тузилиши ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарур.

5-6-синфларда мумтоз адабиёт намуналари матнини ўзлаштиришда шеърий асар бўлса, байтма-байт, насрий асар бўлса, жумлама-жумла шарҳлаш усули яхши натижа беради. Бу жараён ўқитувчи бошчилигидаги суҳбат тарзида уюштирилиши маъқул. ўқитувчи саволлари:

- асардаги тушунилиши қийин бўлган сўз ёки иборалар мазмуни;
- мисра ёки байт мазмуни,
- тасвир воситалари тури ҳамда асардаги вазифаси;
- бутун асар мазмуни ҳақида бўлиши мумкин.

Мумтоз адабиёт намуналарини Қоявий-бадиий таҳлил қилиш ҳам ўқувчиларнинг фаол

иштирокида олиб борилади. Суҳбат жараёнида асарларнинг мавзуси, ижодкор илгари сураётган Қоя, лирик ёки эпик тимсолларнинг маънавий қиёфаси, муаллифнинг шеърий санъатлар, тил бойликларидан фойдаланиш маҳорати, асарнинг тарбиявий аҳамияти изчил очиб борилади. Ана шу масалаларнинг ҳар қайсиси ўқитувчи саволларига ўқувчилар жавоби орқали ёритилади. Жавоблар ўқитувчи томонидан якунлаб борилади, албатта.

Асарда ифодаланган Қояни белгилашда ўқитувчи *"Биз ўрганаётган асар билан шоир ўз замондошлари ва келажак авлодларни нимага чақиради?", "Ижодкор ўз асарини яратишда қандай мақсадни назарда тутган?"* каби саволлардан фойдаланиши мумкин.

ўқувчилар асарда гавдалантирилган лирик ёки эпик тимсоллар қиёфасини аниқлаш жараёнида ҳам фаол иштирок этадилар. Албатта, эпик қаҳрамонлар маънавий қиёфасини ўрганиш унча мураккаб эмас. Асар мазмунини пухта ўзлаштирган ўқувчилар у ёки бу эпик қаҳрамон фаолиятини баҳолашда қийналмайдилар. Лирик қаҳрамонларга баҳо бериш эса муайян малакани талаб этади. Масалан, Бобур рубоийлари таҳлил этилар экан, ўқитувчи: *"Бобур рубоийларида қандай инсоннинг кечинмалари, ички олами акс эттирилган?", "Бу туйҚуларни шоҳ ва шоир Бобурнинг дилидаги ҳиссиётлар деб ҳисоблаш мумкинми?, "Қайси рубоийларда кечинмалар фақат Бобургагина хос?", "Қайси асарларда фақат Бобур эмас, балки барча пок қалб инсонларга ҳам хос фазилатлар акс эттирилган?"* каби саволлар асосида шоирнинг лирик қаҳрамони ҳақида атрофлича тушунча ҳосил қилиш мумкин. 5-6-синфлардаги дарслар давомида лирик ва эпик асарларнинг Қоявий мазмунинигина ўзлаштириб қолмай, улар бадиий хусусиятларини, ижодкорнинг бадиий салоҳиятини ҳам ўрганиб бориш муҳимдир. Шундагина ўқувчилар сўз санъатининг гўзалликлари билан танишиб борадилар.

Бу синфларнинг ўқувчилари мумтоз асарларда, хусусан, шеърият намуналаридаги хилма-хил бадиий тасвир воситаларини, жумладан, ташбеҳ (ўхшатиш), ташҳис (жонлантириш), муболаҚа, истиора, интоқ, ирсоли масал, тажнис ва бошқаларни аниқлашда қизиқиш билан иштирок этадилар, қофияларни осонгина белгилай оладилар. Бу хил таҳлил ўқувчиларнинг фаоллигида ва ўқувчининг бевосита раҳбарлигида уюштирилади.

ўқитувчи ўз ҳикоясини фақат дарсликлардаги маълумотлар билангина чекламай, бошқа асарлардан олинган янги тафсилотлар, муҳим фактлар билан тўлдириб борса, айни муддао бўлади. Шунингдек, ҳикоя давомида ижодкор асарларидан танланган аҳамиятли парчаларни ўқиб бериш ҳам дарс самарадорлигини оширади. Бу жараёнда кўргазмалиликдан кенг фойдаланиш, хусусан, расмлар, хариталар, ёзувчи асарлари нашрлари, альбомлар, магнит ленталаридаги ёзувлар, видеофильмлар ва бошқалардан фойдаланиш, эшиттириш ҳам ҳикоя таъсирчанлигини кучайтиради.

Ижодкор ҳаёти ва фаолияти ўзлаштирилар экан, ўқитувчи дастур бўйича монографик ва мустақил тарзда ўрганиладиган асарларга замин яратиши, жумладан, шу асарларнинг вужудга келиши билан боҚлиқ ҳаётий маълумотларни бериб бориши ниҳоятда муҳим.

Бу синфларда адабий асарлар матни устида ишлаш масъулиятли жараён бўлиб, ўқитувчидан кенг қамровли билим ва юксак педагогик маҳоратни талаб қилади. Умумтаълим мактаблари дастури бу босқичда хилма-хил жанрлар, ранг-баранг мавзулар, турли ижодий услублар қўлланган қатор-қатор шеърий санъатларга бой лирик ва лиро-эпик асарларни ўрганишни назарда тутади. Бинобарин, ўқитувчи уларнинг барчаси бўйича етарли даражадаги назарий маълумот ва услубий малакага эга бўлгандагина бу асарларнинг пухта ўзлаштирилишига эриша олади.

Бу синфларда матн устида ишлаш асарларни ифодали ўқишдан бошланади, албатта. Биз назарда тутаётган аксарият асарлар аруз ўлчов тизими асосида яратилган. Шундай экан, ҳар бир шеърий обида ана шу тизим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқилиши керак.

Лиро-эпик асарлардаги тимсоллар таҳлили ҳамиша ўқувчиларга завқ баҚишлайди. Зеро, бу хил асарларда тасвирланган қизиқарли воқеалар, ҳаяжонли бадиий лавҳалар асар қаҳрамонлари қиёфасини очишда қўл келади. Асар қаҳрамонларига баҳо бериш жараёнида ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига кенг имконият яратиш, баҳс-мунозара усулидан фойдаланиш, тест саволларини қўллаш дарсга қизиқишни кучайтириб, мустақил фикрлаш малакаларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Навбатдаги вазифа асарни бадиият нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, ижодкорнинг

бадиий салоҳияти: асар композицияси, тимсолларнинг тўлақонлиги, нафосати, оҳанг латофатини яратишдаги маҳоратини ўрганишдан иборатдир.

Назм дарслари ўтилганларни якунлашнинг мақбул шаклларидандир. Ижодкор ўқитувчиларимиз бу хил машҚулотларнинг хилма-хил усулларини дарс жараёнига татбиқ этиб, ижобий натижаларга эришмоқдалар. ўқитувчиларга назм дарсларининг қуйидаги турларини тавсия этамиз:

1. Байт барак (баҳру байт) усулидаги назм дарси. Бу хил машҚулотларда ўқувчилар бир ёки бир неча шоир ижодидан байтлар ёдлаб, икки гуруҳга бўлиниб, мусобақалашадилар. Натижада ўрганилган асарлар пухтароқ ўзлаштирилади.

2. ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, бир ёки бир неча шоир ижоди бўйича баҳслашадилар: бир томондаги ўқувчи байт ёдлайди, иккинчи томондаги гуруҳ унинг қайси асардан олингани, шеърий санъатлари, иложи бўлса, вазни ва қофиясини топадилар. Сўнг иккинчи гуруҳ биринчисига худди шундай топшириқ беради. Мусобақани ўқитувчи якунлайди.

3. ўқитувчи синф ўқувчиларининг барчасига бир байт ёзилган карточкалар тарқатади. Икки гуруҳга бўлинган ўқувчилар галма-галдан байтларни ифодали ўқиб таҳлил қиладилар.

Ижодкор ўқитувчилар назм дарсларининг яна бошқа кўринишларини ижод қилишлари мумкин, албатта.

Семинар дарслари у ёки бу ёзувчи ижоди ўрганиб бўлингач, меросининг энг муҳим масалаларига баҚишлаб ўтказилади. Бу хил машҚулотни ўтказмоқчи бўлган ўқитувчи аввал мавзуни танлаб, мавзу бўйича семинарга тайёрланишни ўқувчиларга бир-икки ҳафта олдин топширади, зарур бўлса, семинар дарс саволларини беради, адабиётлар кўрсатади. Дарс жараёнида эса ўқувчилар ўз фикрларини баён қиладилар, бир-бирларини тўлдирадилар. Семинарни ўқитувчи якунлайди. Албатта, бу семинарларнинг барчасида асосий диққат шоирлар ижодининг ҳам Қоявий, ҳам бадиий хусусиятларини очишга қаратилади. ўқитувчи ўқувчиларнинг маърузаларига баҳо берар экан, фикрларнинг мустақиллигига алоҳида эътибор беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Ўожиаҳмедов. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998, 160 б.
2. А.Ўожиаҳмедов. Шеърий санъатларни биласизми? – Т.: Шарқ, 1999, 96 б.
3. А.Ўожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 240 б.
4. А.Ўожиаҳмедов. Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеъриятнинг вазн кўрсаткичлари. – Т.: Шарқ, 2001.
5. А.Ўожиаҳмедов. ўзбек арузи луҚати. – Т.: Шарқ, 1998.
6. А.Ўожиаҳмедов. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. – Т.: ўқитувчи, 1995.
7. А.Ўожиаҳмедов, О.Мадаев. ўзбек адабиётидан тест-синов учун машқ саволлари. – Т.: Университет, 1993.
8. А.Ўожиаҳмедов, Ё.Тожиев, О.Мадаев. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва янги ўқув дастурини амалга тадбиқ этиш бўйича услубий тавсиялар (5-9-синфлар). – Т., 2000, 64 б.
9. Н.ўуломова, С.Мирзараҳимова. Адабиётдан VIII синф учун йўриқнома ва режалаштириш. – Т., 2001.
10. Н.ўуломова. Адабиётдан IX синф учун ДТС асосида режалаштириш ҳамда йўриқнома. – Т., 2002.
11. Т.Зиёдова. ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Т., 2002.

17-маъруза.

Мавзу: ўзбек тили дарсларида синфдан ташқари ишларни ташкил этиш – 4 соат

Режа:

1. ўзбек тили таълимида синфдан ташқари тадбирларнинг аҳамияти.

2. Синфдан ташқари тадбирларнинг мазмуни, турлари.
3. Тўгараклар.

Жамият тараққиётининг қайта қуриш даврида умумтаълим мактаблари олдида турган улкан ва энг муҳим вазифалардан бири ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини, ижодкорлигини ўстириш орқали уларга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш ҳамда билимларини амалда қўллаш кўникмасини, малакасини ҳосил қилишдан иборат. Чунки ёш авлодни баркамол инсон даражасига етказишда ўқитувчи ҳам ота-она каби масъулдир.

ўзбек тили таълимининг бош мақсади – оҚзаки ва ёзма нутқ кўникмасини шакллантириш, тўҚри ва теран фикрлаш, ўз фикрларини ихчам, тушунарли, жўяли баён қилиш масаласини таркиб топтиришдан иборат. Бу борада ўқувчи тафаккурининг шаклланиши, эркин фикрлаши, ёзма ва оҚзаки нутқининг равонлиги бевосита жамиятнинг маънавий соҚломлиги, ўқувчи яшаётган муҳитга, кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи билан боҚланади. Модомики шундай экан, ўзбек тили машҚулотларида ўқитувчи ўқувчиларнинг оҚзаки ва ёзма нутқини шакллантиришни ўзининг бош йўналиши қилиб белгиламоҚи лозим. ўқувчиларнинг оҚзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг дастлабки қадами уларнинг сўз заҳирасини оширишдан бошланади. Етарли сўз заҳирасига эга бўлган шахсгина уларни тўҚри ва ўринли қўллаб гап туза олади.

ўқувчиларнинг луҚат заҳирасини ошириш, оҚзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш, бойитишда ўзбек тилидан синфдан ташқари тадбирлар, машҚулотларнинг аҳамияти каттадир.

Дарсдан ташқари машҚулотлар давомида асосий дарсларга қўшимча ҳолда бутун синф билан ўқувчиларни қизиқтирган:

- ёзувчилар ҳаёти ва ижодий фаолияти кенгроқ ўрганилади;
- адабий асарлар матни муфассалроқ ўзлаштирилади ва Қоявий-бадиий қиммати тўлароқ таҳлил қилинади;
- адабий ўйинлар, ижодий мусобақалар, китобхонлар конференциялари, ёзувчилар билан учрашувлар, қизиқарли давра суҳбатлари уюштирилади, ёзувчи-шоирларнинг уй-музейларига, улар туҚилиб ўсган шаҳар (қишлоқ), таҳсил олган жойларга саёҳат қилинади, биргалашиб телевизион кўрсатувлар, видеофильмлар томоша қилинади, ўрганилган китоблар бўйича кичик саҳна асарлари тайёрланади ва ижро этилади.

Айрим ёзувчилар ҳаёти ва ижодий фаолиятини кенгроқ ўрганиш икки хил йўналишда бўлиши мумкин:

1. Синфда ўрганилган айрим ёзувчилар ҳаёти ва ижодий фаолияти билан чуқурроқ танишиш.
2. Дастурда назарда тутилмаган, аммо ижоди ўқувчиларни қизиқтирадиган ёзувчилар, хусусан, ёш ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш.

Маълумки, дастур асосида ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ўзлаштирилар экан, ўқувчилар улардан баъзилари фаолияти билан муфассалроқ танишиш истагини изҳор қиладилар. Ана шундай ҳолатларда ўқитувчи дарсдан ташқари вақтда бу истакни бажо келтиришни уюштиради.

Дарсда ижоди ўрганилмайдиган ёзувчилар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш 5-6-синфларда ўқитувчи суҳбати, ёш ижодкор билан учрашув тарзида, 7-9-синфларда эса ўқитувчи раҳбарлигида ўша ёзувчи асарларини мустақил ўрганиб, у ҳақдаги суҳбатда иштирок этиш, уй-музейларга бориш тарзида ёки учрашув кўринишида амалга оширилади.

Синфда хоҳиши ёки устоз тавсиясига кўра у ёки бу адабий асарни тўлароқ ўрганиш иши ҳам 5-6-синфларда ўқитувчи фаоллигида уюштириладиган ўқувчилар эса айрим парчаларни ўқиш ёки ёд айтиб бериш билан иштирок этадилар.

Дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган амалий тадбирлар бевосита ўқитувчи раҳбарлигида ташкил қилинади. Уларнинг ҳар бири бадиий адабиёт ҳақидаги ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, мустақил фикрлаш малакаларини камол топтиришга хизмат

қилиши керак. ўқувчилар, айниқса, баҳру байт, баҳс-мунозара, зукколар беллашуви тарзидаги адабий мусобақаларга қизиқиш билан қарайдилар, ёзувчилар билан учрашувларда мароқ билан қатнашадилар, кичик саҳна асарлари, шоир ёки ёзувчи таваллудига баҚишланган стенд, кўргазма, байрам тадбирини завқ билан тайёрлайдилар ва намойиш этадилар, ўзлари ёқтирган асар ҳақида фикр-мулоҳаза, таассурот, тақриз ёзадилар. ўқитувчи бу хил тадбирлар бўйича ўқувчиларга топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Синфдан ташқари ишлар, асосан, хилма-хил адабий тўгараклар кўринишида олиб борилади. Умумтаълим мактабларида тўгаракларнинг қуйидагиларини муваффақиятли ташкил этиш мумкин:

1. Халқ оҚзаки ижодини ўрганиш тўгараги.
2. Мумтоз адабиётни ўрганиш тўгараги.
3. Замонавий адабиётни ўрганиш тўгараги.
4. Бадиий ўқиш тўгараги.
5. Адабий-ижодий тўгарак.
6. Драматик тўгарак.
7. Адабий-ўлкашунослик тўгараги.
8. "Ёш танқидчилар" тўгараги.
9." Ёш таржимонлар" тўгараги.
10. "Ёш муҳаддислар" тўгараги.
11. “Ёш журналистлар" тўгараги.

Ушбу тўгаракларнинг ҳар бири бадиий адабиётни чуқур ўрганиш, ўқувчиларнинг ижодий фикрлашларини ривожлантириш, бадиий иқтидорга эга бўлган ўқувчилар истеъдодини камол топтириш мақсадини кўзлайди.

Тўгараклар ўқувчиларнинг ихтиёрий хоҳишлари асосида ташкил қилинади ва ўз ишини йиллик режалар асосида уюштиради. Уларга адабиёт ўқитувчилари, ота-оналар, ёзувчилар, танқидчилар, театр актёрлари ва бошқа мутахассислар раҳбарлик қилишлари мумкин.

5-9-синф ўқувчиларини ўзида жамлаган **халқ оҚзаки ижоди тўгараги** устоз бошчилигида:

- халқ оҚзаки ижоди намуналарини тўплаш, умумлаштириш ва тадқиқ этиш;
- йирик достончилар, бахшилар, ёш ижрочилар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш, улар билан учрашувлар уюштириш;
- халқ оҚзаки ижоди билан боҚлиқ жойларга ижодий саёҳатлар ташкил қилиш;
- тадқиқотлар натижалари бўйича илмий анжуманлар тайёрлаш ва ўтказиш;
- тўгарак фаолиятини махсус газетада, иложи бўлса, туман ва вилоят газеталарида ёритиш каби ижодий ишларни амалга оширади.

Мумтоз адабиётни ўрганиш тўгараги "Ёш Қазалхон", "Дурдона", "Гўзаллик олами" каби номлар билан аталиб, мумтоз адабиётимизнинг назарий масалалари, етук шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан шуҚулланади. Унинг машҚулотларида:

- мумтоз шеърият назариясига оид аруз, қофия илмлари ва шеърий санъатлар, жанрлар ва шеър шакллари, бадиий услублар, йирик ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти чуқурроқ ўрганилади;
- айрим муҳим асарлар атрофлича таҳлил қилинади;
- ўқувчилар баъзи муҳим мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борадилар ва уларнинг натижаларини семинарлар ва илмий анжуманларда баён қиладилар;
- тўгарак деворий газетасида ўқувчилар эришган ютуқлар акс эттириб турилади.

Мазкур тўгаракни 7-9-синф ўқувчилари иштирокида уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Тўгарак машҚулотларида ўрганилиши зарур бўлган мавзулардан бири аруз назарияси ва амалиётидир. Бунда шеъриятимизнинг минг йиллик ўлчов тизими хусусиятларини ўрганмай туриб, бу тизим асосида яратилган шеърий асарларни ифодали ва бадиий ўқиш ҳам, шоирларимизнинг вазн устида ишлаш маҳоратини ўзлаштириш ҳам мумкин эмас. Шундай экан, тўгарак машҚулотларида бу назарий маълумотлар билан таништириш ҳар бир ўқитувчининг вазифаси саналади.

Аруз назариясини ўрганишга баҚишланган машҚулот давомида ўқитувчи тўгарак

аъзоларига аввало шеъриятимизда аруз тизимининг қўлланиш тарихи ҳақида маълумот беради, аруз илми ривожи тўҚрисида, Навоий, Бобур, Фитрат, Уммат Тўйчиев, Алибек Рустамов, Анвар Ўожиаҳмедов ва бошқа муаллифларнинг ўзбек арузи ҳақидаги асарлари тўҚрисида тўхтаб ўтади. Сўнг аруз тизими хусусиятлари: қисқа ва чўзиқ ҳижолар, рукнлар, баҳрлар, вазнлар ҳақида тушунча бериб, баҳр ҳамда вазнларни аниқлаш устида амалий машқларни бажартиради.

Булардан ташқари, ушбу тўгарак машҚулотларида ўқувчилар шеърий санъатларнинг турлари, мумтоз қофия гўзалликларини ҳам ўрганадилар. Улар ҳақидаги маълумотларни ўзлаштириш ўқувчиларнинг бадиий нафосат сирлари билан янада чуқурроқ танишишларига имкон яратади.

Юқоридаги каби назарий масалалар билан бир қаторда адабиётимизнинг баъзи муҳим масалалари, айрим даҳо ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти, бир қатор йирик асарларни ўрганиш тўгарак аъзоларини қизиқтиради. Жумладан, жадид адабиёти билан чуқурроқ танишиш, А.Навоий, З.М. Бобур ижодини тадқиқ этиш, Навоийнинг «Хамса»сини батафсилроқ ўзлаштириш шулар жумласидандир

Бадиий ўқиш тўгараги 5-9-синф ўқувчиларини бирлаштириб, ифодали ва бадиий ўқиш малакаларини тарбиялаш, хилма-хил жанрлардаги шеърий ва насрий асарларни саводли ва таъсирчан ўқий оладиган бадиий сўз усталарини етказиш мақсадини кўзлайди. Унинг машҚулотларида:

- бадиий ўқишнинг назарий масалалари: асар моҳияти, тимсоллар руҳиятини англаб етиш, уларнинг қиёфасини ҳаётий ва жозибали гавдалантириш, ўқишда оҳангни сақлаш, аруз, бармоқ, сарбаст вазнларидаги шеърий асарларни бадиий ўқиш усуллари кабиларни ўрганиш;

- бадиий ўқиш малакаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича муттасил машқ қилиб бориш;

- бадиий ўқиш танловларига тайёрланиш, адабий анжуманларда иштирок эташ;

- таниқли бадиий ўқиш усталари билан учрашувлар ташкил этиш, уларнинг ижросида ёзилган аудио-видеокассеталарни кўриш ва тинглаш, энг яхши бадиий ўқувчи тўгарак аъзолари ижросида аудио-видеокассеталар тайёрлаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Адабий-ижодий тўгарак 5-9-синфларнинг бадиий ижодга қизиқувчи истеъдодли ўқувчиларига мўлжалланади ва уларни бадиий ижод сирлари билан таништириш, ўзлари қизиққан адабиёт турлари ва жанрларида ижод қилишга ўргатиш мақсадини назарда тутади. Унинг машҚулотларида ўқитувчилар:

- адабиётнинг сўз санъати сифатидаги хусусиятлари, адабий усуллар, жанрлар ва шакллар, лирик ва эпик тимсол чизиш услубияти, вазн ва қофия, бадиий тил маҳорати каби назарий масалаларни ўрганадилар;

- етук ёзувчиларнинг асарларини ўқиб, муҳокама қиладилар;

- ўзлари қизиққан тур ва жанрлардаги бадиий асарлар яратишни машқ қиладилар;

- ўзлари учун намуна бўладиган шоир ва носирлар, драматурглар билан учрашиб, бадиий ижод сирлари, уларнинг ижодий усуллари билан танишадилар.

Драматик тўгарак ҳам 5-9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, қизиққан ўқувчиларни саҳна актёрлиги маҳорати билан таништириб, муҳим ижтимоий-ахлоқий мавзулардаги пьесаларни саҳналаштиришни ўз вазифаси деб билади. Унинг машҚулотларида ўқувчилар:

- театр санъатининг ижтимоий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти, ҳаётни саҳналарда бадиий акс этгириш усуллари, жанрлари, актёрлик маҳорати қирралари, инсон руҳиятини саҳнада акс эттириш сирлари, нутқ маданияти муаммолари ҳақида суҳбатлар эшитадилар;

- театрларга бориб, актёрлар, режиссёрлар билан учрашиб, саҳна маҳоратини ўрганиб борадилар;

- устоз раҳбарлигида кичик ва катта ҳажмдаги драматик асарларни саҳналаштириш билан шуҚулланадилар, уларни мактаб саҳнасида намойиш этадилар, театр санъати бўйича кўрикларга қатнашадилар.

Адабий ўлкашунослик тўгарагининг асосий вазифаси мактаб жойлашган туман ва вилоятдаги адабий ёдгорликлар, шу ҳудудда яшаб ижод этган бахшилару достончилар,

шоирлару носирлар, драматургу танқидчилар, адабиётшунос олимлару таржимонлар ҳаёти ва фаолиятини, оҚзаки ва ёзма адабиёт билан боҚлиқ иншоотлар, жуҚрофий обидаларни ўрганишдан иборатдир. 5-9-синф ўқувчиларини бирлаштирган ушбу тўгарак машҚулотларида:

- шу туман ва вилоят тарихи ўрганилади;
- шу ҳудудлардаги оҚзаки ва ёзма адабиёт намуналари тўпланади, тартиблаштирилади, тадқиқ этилади, натижалари ўқувчиларнинг илмий тўпламларида баён қилинади;
- шу ҳудудда яшаб ижод этган ижодкорлар, олимлар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи альбомлар, тўпламлар яратилади;
- адабиёт билан боҚлиқ жойларга саёҳатлар уюштирилиб, улар билан боҚлиқ ривоятлар, афсоналар, қўшиқлар ёзиб олинади, расмга туширилади;
- ўқувчилар ўзлари тўплаган ва ўрганган асарлар бўйича маърузалар тайёрлайдилар, адабий-ўлкашунослик музейи ташкил этадилар.

Бу хил тўгараклар ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Ёш танқидчи" тўгараги 7-9-синф ўқувчиларига мўлжалланади. Тўгарак аъзоларини адабий танқидчилик назарияси ва амалиёти билан таништириб, бу соҳада билим ва малака ҳосил қилиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Тўгарак машҚулотлари давомида ўқувчилар:

- "Адабий танқид" илми назарияси, танқидчиликнинг адабий тараққиётдаги ўрни, танқидга қўйиладиган талаблар, адабий танқид тамойиллари ва усуллари, танқид одоби, танқидда услуб ва тил муаммолари ҳақидаги маълумотларни ўзлаштирадилар;
- таниқли танқидчиларнинг китоб ва мақолаларини мутолаа қилиб, муҳокама этадилар;
- етук танқидчилар билан учрашиб, адабий танқид маҳорати ҳақида суҳбатлар тинглайдилар;
- ўзлари танлаган асарлари танқиди бўйича баҳс-мунозараларда иштирок этадилар;
- устоз раҳбарлигида айрим асарлар ҳақида танқидий мақолалар ёзадилар ва уларни муҳокама қиладилар;
- ўз танқидий мақолаларидан тўпламлар тузадилар.

"Ёш таржимонлар" тўгарагини ўзбек тили ёки чет тиллари чуқурлаштириб ўрганиладиган мактабларда ташкил қилиб, унга 5-9-синф ўқувчиларини жалб этиш мумкин. Бу хил тўгаракларнинг аъзолари ўз машҚулотларида:

- адабий таржима назарияси ва амалиёти билан боҚлиқ бўлган масалалар, хусусан, таржиманинг адабий тараққиётдаги аҳамияти, таржималарга қўйиладиган асосий талаблар, таржимада асл нусханинг Қоявий мазмуни ва услубини, миллий руҳни сақлаш усуллари, тимсолларни қайта яратиш муаммолари ва бошқалар ҳақида маърузалар тинглайдилар;
- етук таржимонлар фаолияти билан танишадилар, улар билан учрашиб, таржимонлик маҳорати ҳақида суҳбатлар эшитадилар:
- аста-секин таржимонлик билан шуҚулланиб, ўзлари ўрганган тилдан ўзбек тилига таржима қилиш малакаларини эгаллай борадилар.

"Ёш муҳаддислар" тўгараги Имом ал-Бухорий мухлислари бўлган ўқувчиларга мўлжалланади. Бу тўгарак машҚулотларида улар:

- газета материаллари, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларни муҳокама қиладилар;
- газета, радио ва телевидение мухбири фаолияти, фойдаланадиган жанрлари, хабар, репортаж, ҳикоя ва бошқаларга қўйиладиган талабларни ўзлаштирадилар, ўзлари ҳам хилма-хил жанрларда мақолалар ёзадилар, радиоэшиттириш, иложи бўлса, телевизион кўрсатувлар тайёрлайдилар, мактаб деворий газетасида, мактаб радиоузелида қатнашадилар:
- муҳаррирлик моҳияти, бу хил фаолият қирраларини кўздан кечирадилар, мустақил ҳолда муҳаррирлик билан шуҚулланадилар;
- туман, вилоят газеталари, радио ва телевидениеда иштирок этишга ҳаракат қиладилар.

Бу хил тўгаракларни газета, радио ва телевидение ходимлари бошқарсалар, ўқувчиларнинг билим ва малакалари янада мукаммалроқ бўлади. "Ёш навоийшунослар",

"Бобур авлодлари", "Абдулла Қодирий мухлислари" каби айрим ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга доир тўгараклар ҳам ташкил қилиш мумкин. Шунингдек, "Ёш достончилар", "Ёш бахшилар", "Ёш эртакчилар", "Ёш аскиячилар", "ўазалхон" сингари тўгараклар ҳам ўқувчиларга маъқул бўлади.

Адабий тўгараклар раҳбарлари ўз ишини:

- тўгарак раҳбари бўлган ўқитувчи ёки мутахассиснинг маърузаси;
- ижодкорлар, мутахассислар билан учрашувлар, суҳбатлар;
- тўгарак аъзоларининг муайян мавзулардаги гуруҳий ёки шахсий тадқиқотлари;
- асарларни ўрганиш бўйича амалий машҚулотлар;
- ўрганилаётган мавзулар, асарлар, ижодкорлар билан боҚлиқ саёҳатлар, экскурсиялар, экспедициялар;
- адабий ўйинлар, мусобақалар, кўриклар;
- муайян мавзулардаги семинарлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ва бошқалар кўринишида ташкил этади. Буларнинг аксарияти тўгарак аъзоларининг мустақил ва ижодий фикрлашларини камол топтириш, илмий-ижодий тадқиқот малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадини кўзлайди. Амалий йўналишдаги барча тадбирлар тўгарак раҳбарининг аъзоларга аниқ топшириқлар бериши, уларнинг бажарилишини назорат қилиши, уюштириши ва якунлаши асосида ташкил қилинади.

Мактаблардаги адабиёт тўгараклари, албатта, ўқувчиларнинг қизиқишига кўра ташкил этилиши зарур. Ўар қайси ўқувчи ўзи қизиққан тўгаракни танлаши учун эса ўқитувчи унга мактабда ташкил қилиниши мумкин бўлган тўгарақларнинг фаолият доираси ҳақида батафсил маълумот ва тавсиялар бериши керак.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, у ёки бу тўгаракни танлаган ўқувчи машҚулотларда қатнашгач, ўзининг янглишганлигини айтиб, бошқа тўгаракка ўтиш ҳуқуқига эга. Яъни ўқувчини зўрма-зўраки бирор тўгаракка боҚлаб қўйиш бефойдадир.

Мактабда адабиёт тўгарақларини ташкил этиш ҳар қайси вилоят хусусиятларидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, аниқ бир ижодкор, муайян бир асарни ташлашда шу вилоятдан етишиб чиққан шоир ёки ёзувчилар ижодини танлаш ўқувчиларнинг қизиқиши, мустақил илмий-амалий тадқиқотлардаги фаоллигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Тўгарақларни ташкил этишда унга раҳбар бўладиган шахснинг тайёргарлиги, мойиллиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар адабиёт ўқитувчисининг драматик ёки журналистика тўгарагини ташкил этишга тайёргарлиги бўлмаса, мутахассисларга мурожаат қилиб, шу хил тўгаракка раҳбарлик вазифасига таклиф қилиши мумкин.

<u>18-маъруза.</u>

Мавзу: Таълимий (назорат) баён ёзиш (амалий машҚулот) – 2 соат

Yaxshidan bog' qoladi

Ko'klam kunlarining birida Sulton Husayn saroyda yolg'iz o'tiraverib zerikib ketibdi-da, ancha vaqtdan beri Mir Alisherdan darak bo'lmadi, borib holidan habar olib kelay, deb do'sti yashaydigan mahallaga yo'l olibdi.

Borib qarasa, Mir Alisher yeng shimarib, bog'ida ishlayotgam emish. Buni ko'rgan Sulton Husayn otidan tushib, do'sti bilan so'rashgach:

- Hormang, do'stim! Nega shoirlar majlisida ko'rinmay qoldingiz desam, bog'bonlikni pesha qilibsiz-da! – debdi.

Mir Alisher ham belbog'i bilan peshonasidagi terini artar ekan:

- Ko'klam kelsa, ko'chat ek, degan ekan mashoyixlar. Shu bog'dagi qurigan olmalarni qo'porib tashlab, o'rniga 3-4 tup yong'oq ekyapman,- deb javob beribdi.

- Ey do'stim-ey, qarigan chog'ingizda bog' qilishning sizga nima keragi bor, axir? Siz bilan men yoshimizni yashab, oshimizni oshab bo’lgan bo’lsak, bu yong’oqlaringiz qachon hosilga

kiradi-yu, siz qachon mevasidan yeysiz? Umringizning oxirida mana shu bog'dagi mevalarning boriga qanoat qilib, soya-salqinda tinchgina g'azal bitib o'tiravermaysizmi?

- Do'stim, yaxshidan bog' qoladi, degan naqlni eshitganmisiz? Men bu ko'chatlarni o'zim uchun emas, mana shu mahallamiz ko'chalarini changitib yurgan bolalar, balkim ularning bolalari uchun ekyapman. Bir kun kelib, balkim ularning har biri azim daraxt bo'lib hosil bera boshlasa, odamlar uning mevasidan tatib ko'rishganda, "Bu bog' Alisherdan qolgan!" - deyishsa, shuning o'zi menga har qanday ne'matdan lazzatliroqdur, - deb javob beribdi.

Bu gaplarni eshitgan Sulton Husayn Mir Alisherning saxovatiga qoyil qolib, unga bir hamyon to'la tilla chiqarib beribdi. Mir Alisher tillaga qarab turib:

- Ana ko'rdingizmi, do'stim! Ekayotgan ko'chatlarim hozirdanoq hosil bera boshladi, - deya kulib qo'yibdi.

Sulton Husayn Mir Alisherning hozirjavobligiga yana bir bor qoyil qolgan ekan (238 so'z).

("El desa Navoiyni" kitobidan)

Reja:

1. Mir Alisher – bog'bon.
2. Ko'klam kelsa, ko'chat ek.
3. Yaxshidan bog' qoladi.

Nima eksang, shuni o'rasan

Bir yigit ko'zlari xiralashgan, ovqat yeganda qo'llari qaltiraydigan qari otasining izzat-hurmatini bajo keltirmasdi.

Bir kuni chol bechora qo'li titrab, osh suzib berilgan kosani tushirib sindirdi, buni ko'rgan kelini nordon so'zlar aytib, uning ko'nglini vayron qildi. Shundan keyin otasini hovlining bir chekkasidagi zax uyga ko'chirdi. Kelin esa eri keltirib bergan yog'och kosada qaynotasiga ovqat bera boshladi. O'g'li va kelinining bu yaramas muomalalaridan ko'ngli ozor topgan ota vafot etgan kampirini eslab, ba'zan o'ksib-o'ksib yig'lardi. Besh-olti yoshli nevarasi bilangina tasalli topar edi. Bola bobosining yoniga kelib o'tirardi, ma'suma so'zlari, yoqimli qiliqlari bilan bobosini kuldirib, uning qayg'u-alamlarini yengillashtirardi.

Bola bir kuni qo'liga pichoq olib, bir yog'ochni yo'nib o'tirardi. Shu payt dadasi kelib qoldi. O'g'lining yog'och yo'nib o'tirganini ko'rib: "O'g'lim, nima qilyapsan?" – deb so'radi. O'g'li yugurib kelib dadasini quchoqladi va erkalanib aytdi:

- Dadajon, siz buvamga yog'och kosa keltirib bergan edingiz-ku, oyim o'sha kosada buvamga ovqat beradilar, men ham yog'och kosa yasayapman, katta bo'lganimda oyim bilan sizga shu kosada ovqat beraman.

O'g'lining bu so'zi yigitga qattiq ta'sir qildi. U ko'z yoshi qilib otasining huzuriga kirdi, tiz cho'kib uzr so'radi, quchoqlab o'pib, uning ko'nglini ko'tardi. Darrov uni o'zi turgan uy yonidagi issiq xonaga ko'chirdi. Har vaqt otasining holidan habar olib turdi, u bilan birga ovqatlandi. Kelin ham qaynotasining izzat-hurmatini o'rniga qo'ya boshladi. O'g'li bilan kelinining bu ishlaridan xursand bo'lgan ota:

- Bolalarim, mana endi ko'nglim qayg'u-alamlardan ozod bo'ldi, sizlardan roziman, shu kichkina qo'zichog'im sizlarni g'aflat uyqusidan uyg'otdi, - deb nevarasini tizzasiga o'tqazdi va yuz-kozlaridan o'pib, duo qildi. (250 so'z).

("Oz-oz o'rganib, dono bo'lur" kitobidan)

Topshiriq:

Ertakning rejasini tuzing va shu reja asosida bayon yozing, bayonning oxirida esa ertakka mos biror maqol yoki hikmatli so'zlar bilan xulosa qiling.

General Sobir Rahimov

Bola boshidan ma'lum, deyishgani rost. Kambag'al oilada tug'ilgan Sobir bolaligidanoq sho'x, jangovar tabiatli bo'lgan. "Urush-urush" o'yinlarida tengqurlariga yetakchilik qilgan.

Sobir Rahimov Bokudagi harbiy maktabda o'qiganda qo'mondonlik tomonidan qimmatbaho sovg'a bilan taqdirlanganligi bejiz emas. Chavandozlikda uning oldiga tushadigani yo'q edi.

1925-yilda maxsus o’zbek kavaleriya divizionida vzvod komandiri sifatida xizmatni boshladi.

Ha, Sobir Rahimov urush arafasidayoq harbiy ish ustasi, komandir sifatida shakllangan o’zbek ofitseri edi. Uning qobiliyati, ayniqsa, urush yillarida namoyon bo’ldi. Urushda polk komandiri o’rinbosari vazifasidan diviziya komandiri darajasiga ko’tarilgan, Suvorov ordeni kavaleri bo’lgan.

Jasorat va matonat S.Rahimovning ajoyib fazilatidir. U qo’l ostidagi ofitserlar uchun doimo namuna bo’lib xizmat qilgan. Kavkaz ostonalarida og’ir janglarda diviziya qator marralarni qo’ldan berdi. Lekin S.Rahimov o’zining irodaliligi bilan jangovar harakatlarni jonlantirdi va dushmanga katta talofat yetkazib, muvaffaqiyatga erishdi.

U Vatanning asl o’g’loni edi. Askarlar uni to’g’riligi, jo’shqin xarakteri, odamlarga g’amxo’rligi uchun, ochiq, kirishimliligi uchun sevishardi. Sobir Rahimovning ko’ksini qator orden va medallar bezab turardi.

General Sobir Rahimov doimo oddiy jangchilar qatorida bo’lishga intilgan edi. Nega shunday? Chunki u oddiy kambag’al xalq orasidan chiqqan general edi.

Sobirjon akamiz – doimo oldingi safda boruvchi shunqorimiz – Dansing ostonasida 1945-yilning 26-martida 43 yoshida qahramonlarcha halok bo’ldi (186 so’z).

(Gazetadan)

Reja:

1. Sobir Rahimovning yoshligi.
2. S.Rahimov jasur va qobiliyatli inson edi.

Bir piyola choy

Choy bundan 3 ming yil muqaddam Xitoyda ma'lum bo'lgan. Afsonada aytilishicha, cho'ponlar qandaydir yashil daraxtning barglarini chaynagan qo'y va echkilar chaqqon, dadil bo'lib qolishini, tik joylarga ham charchamay chiqib ketishini payqaganlar. O'zlari ham bu o'simlikni quritib, suvda qaynata boshlaydilar.

IV asrning o'rtalariga kelib, choy ichish Xitoyda keng rasm bo'ldi. Keyinchalik choy Yaponiyaga, Osiyo mamlakatlariga tarqaldi. Yevropada birinchi marta portugallar, gollandlar choyning ta'mini tatib ko'rishgan.

Rossiyada choy ilk bor 1638-yilda paydo bo'ldi. O'shanda mo'g'ul xoni Oltinxon rus podshosiga sovg'alar bilan birga to'rt pud quritilgan choy yaprog'i yubordi. Ko'p o'tmay choy ichish Rossiyada keng tarqaladi.

Somali xalqi choy ichishni juda sevadi. Bu yerda erkaklar ko'pincha bizdagiga o'xshagan choyxonalarda choyxo'rlik qiladilar. Choy damlash ham Somali xalqida o'ziga xos. Ana shunday choydan bir piyola ichgan kishi uzoq vaqtgacha chanqamaydi. Shuningdek, choy me'dani 2-3 soat to'q tutadi.

Choy - tanin moddasiga boy o'simlik. Tanin miqdori qora choyda 16 foiz, ko'k choyda esa 25 foiz bo'ladi.

O'zimizning serquyosh o'lkamizda ham katta-yu kichik choyni xush ko'rib ichadi. Qaysi xonadonga bormang, albatta dasturxonga choy qo'yiladi. Choy kishiga qat'iylik ato etadi, diqqatni taassurotlarga peshlaydi, fikr yuritishga yordam beradi. Choy ichgan kishi bardam bo'ladi, tetik yuradi (180 so'z).

Topshiriqlar:

1. Matn rejasini tuzing.
2. Kuzatishlaringiz asosida mazmunini boyitib, bayon yozing.

Aqlli va tadbirsiz odam

Aqlli odamlar hamisha hushyor bo'ladilar, hodisalar jilovini o'z qo'llarida saqlab, xavfli girdobga tushmasdan sohilga yetib oladilar.

Tadbirsiz odamlarga kelsak, ular ikkilanadigan, jasoratsiz, tez-tez fikrlaridan qaytadigan bo'ladilar, biror hodisa ro'y berganida ular o'zlarini yo'qotib qo'yadilar. O'z baxtlarini saqlab qolish qobiliyatidan mahrum bo'lganliklaridan oh-voh qila-qila, o'zlarini har yoqqa uradilar. Uch baliq hikoyasidagi kun ularning boshiga keladi.

Naql qilibdurlarki, yo'ldan uzoq, o'tkinchilardan xoli bir yerda ko'l bor edi, unda uch baliq yashar edi. Bulardan ikkisi tadbirkor va ehtiyotkor, biri esa xom va tajribasiz edi. Kunlardan birida tasodifan ikki ovchi ko'l yonidan o'tib qoldi, ko'zlari uchta baliqqa tushdi. Ular ertaga kelib, uchchala baliqni tutishga va'dalashib jo'nab ketdilar. Baliqlar ularning so'zini eshitgan edilar. Ularning biri tadbirli bo'lib, zolim zamonaning zulmi va g'addor falakning vafosizligini ko'rgan, suv kelar tarafdan chiqib, boshqa ko'lga borib oldi. Ko'p o'tmay baliqchilar kelib, suvning kirar va chiqar tomonini mahkam berkitdilar.

Birinchi baliqqa nisbatan tajribasizroq, lekin aql va farosatdan mahrum bo'lmagan ikkinchi baliq vaziyatni ko'rib shunday dedi:

- Fursatni qo'ldan berdim. Endi tadbir va hiylani ishga solish payti keldi. Tipirchilab u yoq-bu yoqqa qochgan bilan foyda yo'q. Umidsizlikka tushmay, najot yo'lini axtarmoq kerak.

Shunday deb baliq suv yuziga qalqib chiqdi va o'zini o'lganga solib yotdi. Bir baliqchi uni olib, o'lgan gumon qildi va suv chiqib ketadigan ariq bo'yiga tashladi. Baliq sudrala-sudrala oqar suvga tushib oldi, hiyla ishlatib, o'z jonini qutqardi.

Xom va tadbirsiz baliq esa o'zini yo'qotib, u yoqdan bu yoqqa qochib yurar, goho suv ostiga sho'ng'ir, goho yuzaga chiqar edi. U oqibat baliqchilar to'riga ilindi (253 so'z).

(“Kalila va Dimna”dan)

Reja:

1. Ko'ldagi baliqlar.
2. Ikki ovchining maslahati.
3. Xom va tadbirsiz baliqning ahvoli.

Muallimi soniy

Shom shahri madrasalaridan birida arabshunos olimlarning yig'ini davom etardi. Raislik qiluvchi bir yosh yigitchaga so'z berdi. U arab tili shevasining tovush xususiyatlari haqida ma'ruza qildi. Ma'ruza jiddiy bahsga sabab bo'ldi. Oxirida barcha tilshunos olimlar bu yigitchani arab tili donishmandi deb tan oldilar. Bu- qomusiy bilim sohibi, mashhur faylasuf, shoir, adabiyotshunos va musiqashunos olim Abu Nasr Forobiy edi.

Abu Nasr Forobiy sakkiz yuz yetmishinchi yili Sirdaryo bo'yida, Forob shahriga yaqin qishloqda tug'ilgan. Forobiy Buxoro va Samarqand madrasalarida bilim oldi. Yosh yigit Forobiy ham ilm o'rganar, ham muallimlik qilardi. Chunonchi, mashhur olim Abu Sirojiddindan astronomiya va matematikani o'rganadi, o'zi esa unga mantiq bo'yicha dars beradi.

Muarrixlarning guvohlik berishicha, Forobiy butun umrini ilm o'rganishga bag'ishlab, arab mamlakatlaridagi madrasalarda dars berish bilan kamtarona, faqirona hayot kechirgan. Birgina Shom shahrida uning mingdan ziyod shogirdlari bo'lgan. G'animlarning fitnasi bilan hayoti xavf ostida qolganda, uni qutqarganlar ham shogirdlaridir. Forobiy 950-951-yillar orasida vafot etgan.

Abu Nasr Forobiy qomusiy bilim sohibidir. U 130 ta asar yozganligi, ularning o'n yettitasi turli olimlarning falsafiy asarlariga yozilgan sharh, oltmishtasi alohida kitob, beshtasi bir qancha maqolalarni o'z ichiga olgan majmualar hisoblanadi. Bular orasida “Siyosat va madaniyat”, “Ruhning mohiyati haqida risola”, “Fozil shahar kishilarining axloqiy qarashlari”, “Falsafaning muqaddimasi”, “Ilmlar majmuasi” asarlari mashhurdir. Forobiy she’riyat va musiqa nazariyasiga doir kitoblar ham yozgan. Uning she’riyatga doir risolasi o’zbek va rus tillarida nashr etilgan.

Ilm-fanda dunyoda birinchi muallim qadimgi yunon faylasufi Arastu hisoblanadi. Forobiy antik yunon faylasuflaridan Evklid, Aflotun va Arastu asarlarini tarjima qilib, sharhlab, Sharqda keng tarqalishiga katta hissa qo’shgani va juda ko’p falsafiy masalalarni o’sha olimlar darajasida talqin etgani uchun “muallimi soniy” - “ikkinchi muallim” deb nom olgan.

Buyuk bobomiz Forobiyning mehnatkashligi, bilim o’rganish borasida muntazam izlanishi, kamtarligi, oddiy mehnatkashlarga xayrixohligi bizga ibratdir (293 so’z).

(“Olisdagi yulduzlar” kitobidan)

Savol va topshiriqlar:

1. Forobiy necha tilni bilar edi?
2. Forobiyning qomusiy bilim sohibi ekanligini ayting.
3. Forobiy qoldirgan meroslardan qaysi biri esingizda qoldi?

O’qituvchi bilan birgalikda matn ustida ishlang, so’ng bayon yozing.

ИЛОВА
(Фойдаланиш учун қўшимча материал)

Тошкентга келиб, Янги Дўрмон – “ўзбекистон“ колхозини кўролмай қайтган киши армонда кетади. Ўеч бўлмаса, нарироққа бориб тепаликдан ёки колхоз раисларини тайёрлайдиган мактабнинг катта йўл бўйидаги шийпонидан Дўрмонга бир қаралса, кўнгилдаги ҳар бир Қубор бир зумда тарқайди-кетади.

Этагини кўз илҚамайдиган ранг-баранг, йирик-йирик ер бўлаклари, боҚлар ва чорбоҚлардаги хиёбон, кўча ва йўлаклардаги садарайҳондай қулф уриб, намозшомгулдай тарвақайлаб, гулхайридек бўйга зеб бериб ўсган дарахтлар; булар устида бўй чўзиб турган мирзатераклар; дарахтлар остидан, орасидан мўралаб турган оқ, пушти, сарҚиш, кўкимтир деворлар, қизил ва яшил томлар... Шундай манзарани расмда кўрган киши “рассом жуда ошириб юборибди“ дейди.

Дўрмонни боҚ десангиз, минг-минг тонна пахтаси бор, пилласи бор; оқ олтинга кон десангиз, ширин-шакар меваси бор, қўй-кўзи, сигир-бузоқ, парранда-ю йилқиси бор.

Олачипор Қурама ва Чимён тоҚлари, оч ўсма ранг паст-баланд адирлари, қирлари Дўрмоннинг тенги йўқ ҳуснига ҳусн қўшгани, уни ясатгани, безатгани атайин яратилгандай туюлади.

А.Қаххор

Халқ санъати – халқ зийнати

Инсон ҳаётга келиши билан уни халқ амалий санъати намуналари ўраб олган бўлади. Меҳр ипи билан тикилган кўрпа, оналарнинг дил қўшиҚи бўлиб яшнаган палак, она қучоҚидай илиқ бешик, қизча дилин яйратган қўҚирчоқ, бола бошидаги “ипаклари тиллодан“ дўппи, қозиқдаги беқасам тўн, уй пештоқини безатган гуллар – буларнинг ҳаммаси халқ амалий безак санъати намуналаридандир.

Инсон ақли ва заковати, фантазияси ва эстетик идеали тўла акс этган ҳамда халқ эҳтиёжи кенг кўламда назарда тутилган буюмлар ва нарсалар халқ амалий санъати намуналари ҳисобланиши табиий. Масалан, сопол буюмларнинг турмушда тутган ўрни ва унга бўлган муносабатнинг ўзгаришини олайлик. Агар аввалги асрлар сопол буюмлар фақат моддий эҳтиёж учун яратилган бўлса, ҳозирги давримизда бу буюмларнинг эстетик-бадиий жиҳатлари асосий мезонга айланиб қолди. Сопол лаган, кўза, чойнак-пиёлалар турмушда ишлатилса ҳам, лекин уларнинг бадиий нафислари, инсон бадиий салоҳиятининг нодир намуналари музейларда, хонадонларда авайлаб сақланади. Улар маълум эҳтиёжни қондиргани учунгина эмас, балки бадиий нафосати туфайли ардоқланади.

Асрлар мобайнида халқ билан бирга пайдо бўлиб, халқ билан бирга шаклланган, ривож топадиган амалий санъат – халқ зийнати, унинг ҳаёти, орзуси ва меҳнатининг моддий ифодасидир.

Умрнинг энг сеҳрли фасли...

ўзбек тўйи деганда дафъатан карнай садоси, сурнай ноласи, ноҚоранинг кўнгилларни ҳаяжонга чулҚайдиган шўх оҳангини эшитгандек бўламиз. “Шу кунларга етказсин-а“, деб ният қиламиз беихтиёр. Ахир, хонадонингизга келин келади. Ўки қизингиз келин бўлиб бошқа бир оилани обод қилади.

Келин-куёвли уйларнинг файзи, меҳригиёси ўзгача. Гўё бу уйлардан нур таралаётгандек, анбар иси димоққа урилаётгандек. Ўар бир ташланган қадамдан андиша-ю ҳурматни, эъзозни кўраётгандек бўласиз.

Онахонларимиз бўлажак куёвлари эсли-ҳушли, бамаъни бўлишини тилайдилар. Келинининг эса иболи, назокатли, ақлли-ҳушли ва яна ... сочлари тақимини ўпиб туришини орзу қиладилар...

Ривоят

Бир қизиқчининг отаси учта қовурилган балиқ олиб келибди. Қизиқчининг ўзи уйда йўқ экан, онаси, келинглар, у келгунча буларни еб қўя қолайлик, дебди. Дастурхон ёзишибди. Бир маҳал қизиқчи келиб эшикни қоқибди. Онаси дарров иккита катта балиқни хонтахта остига беркитиб, кичкинасини дастурхонга қўйибди. Қизиқчи бу воқеани эшикнинг тирқишидан кузатиб турган экан.

Ўамма дастурхон атрофига ўтиргандан кейин отаси:

- Юнус пайҚамбарнинг ҳикоясини эшитганмисан? – деб қизиқчидан сўрабди.
- Мана бу балиқдан сўраймиз-да, - дебди қизиқчи ва балиқни олиб, оҚзига қулоҚини тутибди. – Бу балиқ у вақтда мен кичик эдим, бу нарсани хонтахта тагида турган иккита балиқдан сўра, ўшалар билишади, деяпти, - дебди.